

ҚОДИРЖОН МАХКАМОВ

ТАРИХИЙ ОНГ
РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚОДИРЖОН МАХКАМОВ

**ТАРИХИЙ ОНГ:
РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ
(СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)**

Тошкент – 2020

УЎК: 74.263.01
КБК: 63.5(5Ў36)
М - 52

Мазкур монографияда мустақиллик йилларда Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгилашиш жараёнлари ва ривожлантирилиши таҳлил этилган бўлиб, унда тарихий онг тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш майллари, моҳияти ва мазмуни, жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни ва роли, структураси ва ижтимоий функциялари мамлакатимизда ва чет элларда нашр этилган манбалар асосида қиёсан ўрганиб чиқилган ҳамда ўқувчилар тарихий онгини ривожлантиришдаги роли, миллий руҳ ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг социал-педагогик усуллари, тарихий онгини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий негизлари кўрсатиб берилган. Мазкур монография олий ўқув юртлири талабалари, магистрантлар, тадқиқотчилар ва шаҳарлар тарихини ўрганувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

с.ф.д., проф. А.А.Умаров

Тақризчилар:

с.ф.н., доц. А.Х.Абдулазизов
ф.ф.н. доц. Д.Рахимбоева

Наманган давлат университети Илмий-техник кенгашининг
2020 йил 10 февральдаги 5 - сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия
этилган.

ISBN 978-9943-6024-3-4

© Қ.Махкамов
© “Наврўз” нашриёти, 2020 й

24696/2

Ўзбекистонда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг ўрта умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичлари ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш, уни истиклол талабларига мос равишда янгилаш ва ривож топтириш жараёнини тизимий ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг ҳал этиш йўлларини махсус социологик тадқиқотлар ўтказиш орқали таҳлил қилиш, истикболларини белгилаш имкониятларини кўриб чиқиш долзарб илмий аҳамиятга эгадир.

Муайян геосиёсий кучлар бутун олам бўйлаб ахлоқсизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка раҳна солишга уринмоқда. Шу аснода, тарихий онг шаклланадиган социал-демографик замин – ёшлар, шу жумладан уларнинг энг фаол қисми – бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда эса, мутлоқ кўпчилиқни ташкил қиладиган ўқувчи ёшларда тарихий онг шаклланишининг динамикаси ва статикасини ўрганиш социологиянинг муҳим вазифаларидан биридир.

Мазкур монографияда тарихий онг тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш майллари, моҳияти ва мазмуни, жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни ва роли, структураси ва ижтимоий функциялари мамлакатимизда ва чет элларда нашр этилган манбалар асосида қиёсан ўрганиб чиқилган ҳамда турли муаллифлар фикрлари билан баҳс-мунозараларга киришилиб, муайян тўхтамга келинган, пировардида асосли хулосалар ясалган. Шу билан бирга миллий ғоянинг ўқувчилар тарихий онгини ривожлантиришдаги роли, миллий руҳ ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг социал-педагогик усуллари, тарихий онгни ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий негизлари кўрсатиб берилган. Ўртага ташланган илмий-назарий мулоҳазалар, хусусан, миллий руҳ ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш жараёни тарихий онгни ўстириш ва тарихий хотирани ривожлантириш орқали самарали кечиши тадқиқотда далиллар билан исботланган. Айни пайтда,

тарихий материаллар асосида миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини мустаҳкамлаш учун зарур ўқув қўлланмалари ва дарсликлар етарли эмаслиги, янги педагогик технологияларни қўллаш савияси қониқарсиз бўлиб қолаётганини ҳам муаллиф томонидан тўғри кўрсатиб ўтилган.

Уйлаймизки, ушбу монографияни нашр этилиши Ўзбекистонда миллий тарихни ўрганиш ва уни ўқувчи ёшлар тарихий онгида ривожлантириб боришда, янги манба сифатида маълум бир ҳисса қўшади.

А.А.Умаров
социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган, ғоявий таъйик ва мафкуравий хуружларнинг янгидан-янги воситалари ишга солинаётган ҳозирги даврда халқларнинг ўз тарихий илдизларига таяниши тобора яққол тус олаётган бўлса, иккинчи томондан, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация воситаларининг чексиз имкониятларидан фойдаланган ҳолда кишиларнинг тарихий хотирасини ўзгартириб, тарихий онгига путур етказиш пайида бўлувчи ғоявий муҳолифларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам фаоллашмоқда. Шунингдек, дунёда тарихий онг феноменини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда ёшлар тарихий онгини ривожлантириб боришга бўлган қизиқиш борган сайин кучаймоқда. Миллий мансублик туйғусини ривожлантиришда тарихий онгнинг устувор аҳамиятини аниқлаш, ёшларнинг тарихий тафаккурини янги ахборот технологиялари асосида шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, тарихий онг тараққиётини ифодаладиган ижтимоий-маданий жиҳатлар (тарихий нарративлик)ни тадқиқ этиш, ёшлар тарихий онгини ривожлантиришда меъморий обидаларнинг ўрнини ўрганиш сингари бир қатор инновацион ёндашувлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон келажаги бўлган баркамол авлодни Ватан тарихига хурмат, тарихий хотира, тарихий баҳо, тарихий ифтихор тушунчалари руҳида тарбиялаш учун ёшларга буюк меросимизга доир билимлар беришни юқори савияга кўтариш, барча босқичдаги таълим тизимида ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятининг ташкил этилганлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътибор қўнайиб бораётганлиги, буюк мутафаккирлар илмий ижодини тадқиқ этувчи халқаро илмий-тадқиқот марказларини тузиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳар томонлама етук, ватанпарвар авлодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. «Хусусан, миллий

ўзлгимизни англаш, Ватангимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»¹ муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихий онгни мустаҳкамлаш, тарихий хотирани тиклаш, анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлгимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»² ги ПФ-4947- сон фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар қатори маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада янги босқичга кўтаришни назарда тутди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш билан бирга таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш; чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш билан давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 6. – Б.29.

Йил 30 июндаги ПҚ-3105 сон³ қарори Ватанимизнинг миллий давлатчилиги вужудга келиши, тараккий этишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, уни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, ёшларда, авваламбор, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчилари, қолаверса, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Шу билан бирга «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон⁴ қарорининг қабул қилиниши тарихни ўрганиш, уни тўғри талқин қилиш ва халқимизнинг онгу шуурига сингдириш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина эканини кўрсатди.

Мазкур қарор ва фармонлар ижросидан мақсад халқнинг барча социал қатламларида, айниқса, ўқувчи ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга, уларда тарихий онг, тарихий хотира, ватан тарихига ҳурмат, тарихий баҳо, тарихий маданият, тарихий ватанпарварлик, тарихий фахр тушунчаларини ривожлантиришга эришиш орқали мамлакатимизнинг эртанги келажаги ва давомчилари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш мақсад қилинган. Бунинг учун, аввало, ёшларга тарихий билимлар беришни янада юқори савияга кўтариш, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги энг янги тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бойси, дунё ҳамжамияти билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни кенг йўлга қўяётган Ўзбекистон ҳозирги тарихий даврда

³ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 26. –Б.40.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 26. –Б.40.

жаҳон афкор оммасига ўзининг бой тарихи, маънавий кадриятлари, маданий меросини намоён қилиши зарур. Чунки, «ҳар бир халқ тарихида шундай даврлар бўладики, бу даврлар халқнинг истеъдоди, маънавий даражаси, ақлий қобилиятини бутун жаҳон миқёсига олиб чиқади ҳамда жаҳон маданиятини ривожига ажралмас ҳисса бўлиб қиради. Бундай даврларнинг қиммати ниҳоятда муҳим тарихий воқеаларнинг рўй бериши ҳамда буюк арбоблар, талант эгалари, мутафаккирларнинг фаолияти ва қолдирган мероси билан ўлчанади»⁵.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий анъана ва кадриятларни эъозлаш, буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган халқимизнинг тарихий хотирасини сақлаш ва тарихий онгини ривожлантириш, ёш авлодни миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилди. Мафкуравий ёндашув билан ўзгартирилган ёки бузиб талқин этилган тарихимизни тиклаш, таълим тизимида ёшларга ҳаққоний тарихни ўқитиш⁶, маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-мундарижасини истиқлол даври талабларига мувофиқлаштириш бўйича қатор ҳужжатлар⁷ қабул қилинди.

Дарҳақиқат, маънавий тарбия жиддий эътиборни талаб қиладиган, инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида энг асосий роль ўйнайдиган соҳа бўлиб, унинг муҳим функцияларидан бири тарихий онгини ривожлантириш, тарихий хотирани сақлашдир. Маънавиятли шахс ўз халқи тарихини, аждодлари қолдирган меросни, миллий кадрият ва имкониятларни билиши

⁵ Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илқ уйғониш даври маданияти. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.78.

⁶ Абдуллаев Р. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг айрим долзарб масалалари. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент. 2016. – №2. – Б.81.

⁷ 1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 288-сон қарори;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 июль қарори;

3) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» 1997 йил 29 август, 464-1-сон Қонуни;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоҳ тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон қарори;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1694-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2012. № 5. – Б.4.

керак. Маънавиятни англаш учун эса кишида тарихий онг шаклланган, тарихий хотира «кристаллашган» бўлиши зарур. Тарих, тарихий онг халқнинг келажаги учун пойдевор ролини ўтайди, инсонга ўзлигини англаш ҳамда бутун оламни билишга ёрдам беради.

Тарихий онг, тарихий хотира ҳозирги даврга келиб умуминсоний маънавий ҳаётдаги глобал муаммога айланди десак, муболаға бўлмайди. Муайян геосиёсий кучлар бутун олам бўйлаб ахлоксизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка раҳна солишга уринмоқда. Шу аснода, тарихий онг шаклланидиган социал-демографик замин – ёшлар, шу жумладан уларнинг энг фаол қисми – бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда эса, мутлоқ кўпчиликни ташкил қиладиган ўқувчи ёшларда тарихий онг шаклланишининг динамикаси ва статикасини ўрганиш социологиянинг муҳим вазибаларидан биридир.

Ўқувчи ёшлар тарихий онгининг шаклланиши, янгиланиб, ривожланиб бориш жараёнларини амалга ошириш, социал-педагогик ёндашувларни такомиллаштириш масалалари ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида долзарб ҳисобланади. Бунинг қуйидаги сабаблари бор.

Биринчидан, тарихий онг, тарихий хотира категорияларини умумметодологик социологик таҳлил қилиш нафақат Ўзбекистон илму фани олдида турган муҳим вазифа, унинг муваффақиятли ечим топиши эса маънавиятни юксалтиришнинг зарур шарти, маълум маънода унинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, тарихий онгнинг моҳиятини очиш, унинг маънавий ҳаётдаги ўрни ва ролини аниқлаш учун ушбу тушунчага илмий таъриф ва тавсиф бериш, у ифодаладиган ижтимоий ҳодисани структурал-функционал ва тизимли таҳлил қилиш, генезиси ва эволюциясини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан зарур ҳисобланади.

Учинчидан, таълим-тарбия тизимида тарихий онгни шакллантириш энг олдинги ўринда туришини инобатга олиб, ушбу тизимнинг ўқувчилар

тарихий онгини янгилаш ва ривожлантириш ишида қўлланиладиган усул ва воситаларини, педагогик технология ҳамда янгича тарбиявий омилларни социологик тадқиқ қилиш жуда катта самара беради.

Тўртинчидан, ўқувчилар тарихий онги янгиланишининг мафқуравий асослари ҳамда миллий ғоянинг тарихий онг шаклланишидаги функционал ролини тадқиқ қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Бешинчидан, инсон онги ва қалби учун кураш беқиёс кучайган сўнгги даврларда, ғоявий тазйиқ ва мафқуравий ҳуружларнинг янгидан-янги воситалари ишга солинаётган бир пайтда буларга қарши иммунитетни кучайтириш, ишончли маънавий «қалқон» ҳосил қилиш учун айнан тарихий онг ва тарихий хотирани сусайтириш билан боғлиқ янги таҳдидларни чуқур ўрганиш, моҳиятини англаб етиш, уларга баҳо бериш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий ишланмаларни такомиллаштириш ўта зарурдир.

Булардан ташқари, ҳозирги жаҳон глобаллашув давримиллий тарихий онгга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Объектив жараён сифатида содир бўлаётган глобаллашувнинг маънавиятга ижобий ва салбий таъсирини тадқиқ этиш, миллий ифтихор ва ғурурни юксалтиришнинг илмий асосланган механизмларини, технологияларини ишлаб чиқиш зарурати ҳам муаммонинг долзарблигини кучайтиради. Маънавий таҳдидлардан фақат ҳимояланиш эмас, уларга қарши маънавий жасорат билан кураша олиш салоҳиятини ёшларда шакллантириш эҳтиёжи ҳам тарихий онгга, миллий ўзликни англашга нисбатан бўлаётган таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Тарихий онгнинг ўқувчи ёшлар дунёқарашига сингдирилишини социологик таҳлил қилиш, ушбу масаланинг илмий-фалсафий таҳлилидан фарқли ўлароқ, муайян социал қатлам ҳисобланган ўқувчиларни демографик, ҳудудий, ижтимоий келиб чиқиши, оиласидаги тарбиявий ва ғоявий муҳит, мактаб, маҳалла ва ижтимоий муҳит каби омилларининг таъсири қандайлигини эътиборга олган ҳолда, майда гуруҳларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Ушбу мавзу юзасидан эмпирик социологик тадқиқотларни

ташкил этиш ва ўтказишда тарихий онг соҳиблари бўлмиш ўқувчилар субъект сифатида олинishi, тадқиқот объекти бўлмиш тарихий онг феномени ҳам структуралаштирилиши, майда бўлакларга бўлиниб, уларнинг ёшлар дунёкарашида тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил этилиши керак.

Тарихий онгнинг ривожланишида «Тарих», хусусан «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш энг асосий ўрин эгаллайди. Тарих – воқеалар баёни, яъни аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, жараёнлар тафсилотини ўрганувчи фандир. Тарихни ўрганишга ва уни идрок этишга, мутахассислар турлича ёндашадилар, ўтмишни англаш учун ягона бир тизимни яратишга кўпдан бери уринадилар. Лекин, таъкидлаш жоизки, ҳали ҳозир барчани бирдек каноатлантирадиган ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон жамияти бошдан кечираётган ҳозирги даврнинг асосий хусусияти миллий давлатчилик тобора мустаҳкамланиб, миллий ғоя янада ривожланиб бориши билан белгиланади. Бу эса бутун ўтмишимизни янгича назар билан баҳолаш, уни қайтадан кўриб чиқиш, шу асосда тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантиришни кучли бир эҳтиёж даражасига кўтармоқда¹.

Тарих инсон учун ҳам, халқ учун ҳам буюк хотира вазифасини бажариши шубҳасиз. Бироқ хотира, мураккаб психологик жараён сифатида ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлиши, шахс ва жамиятни ёки юксакликка кўтариши, ёки пастликка қулатиши ҳам мумкин. Ўз ўтмишига маҳлиё бўлиб, фақат хотирага берилиб, янги ғоя ва амал ижод этмасдан яшаш ижтимоий бирликларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Инсоният вужудга келтирган кадрятлар, маънавий ҳамда маданий мероснинг қўшилувини натижасида юзага келган тарихий хотира жамиятда содир бўлаётган ижтимоий ўзаришларнинг моҳиятини тушуниб етишга ёрдам беради. Тарихни англаш орқали инсон ўзини англайди, ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушунади. Тарихий тафаккур инсоннинг шахс

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 16.

сифатидаги фаоллигини вужудга келтиришига ва баркамол инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Халқимизнинг неча минг йиллик тарихи мобайнида орзу-армон бўлиб келган истиқлолнинг аҳамияти тўғрисида ўзбек олим ва мутахассисларининг фикри яқдил: Мустақиллик бизга берган энг улуғ неъматлардан бири – бу тарихий ўзликни англашдир. Ўзликни англаш эса тарихий ҳақиқатни чуқур билиш, тарихий хотирани авайлаб-асраш, тарихий адолатни тиклашдир⁹.

Ўтмишдан маълумки, миллий ўзликни англаш масаласига ҳамиша ҳар қандай даврда жиддий эътибор қаратилган. Боиси, ўзликни англаш туфайли инсон ўтмишга маънавий-руҳий яқин бўлади, тарихий ҳақиқатни билишга интилади. Зеро, тарихий ҳақиқатни англаш, айниқса, ўтмиши сохталаштирилган, бой маънавий ва маданий меросидан ажратиб ташланган, зўравонлик ва ҳукмрон ғояларга маҳкум этилган, унга хизмат қилдирилган тарих ҳақиқатини қайта тиклаш учун ана шундай маънавий-руҳий яқинликни хис этиш, ўша жараёнларни бевосита қалб орқали ўтказиш зарур¹⁰. Шундагина жамият маънавияти шаклланади. Жамиятнинг маънавий юксалишида эса тарихий онг муҳим аҳамият касб этади. «Маънавият инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган кадриятлар тизими.»¹¹ Демак, маънавият кадриятлар тизими экан, аввало аждодлар томонидан яратилган амалий тажрибалар, маданий мерос ва анъаналарни ўзида мужассам этади. Шахс маънавияти асосини ундаги тарихий онг ва тарихий хотира ташкил этади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимизнинг ўз ўтмишини англашига, ҳаққоний тарихини ёритишга, маданий кадриятларни тиклашга имконият яратилди. Ота-боболаримиз колдириб кетган бой меросни ўрганиш даври келди.

Собиқ иттифоқ даврида, одамлар онги коммунистик мафкура тамойилларига асосланган ғоялар билан суғорилган бир даврда, миллий

⁹ Хайдаров А. Тарих – энг улуғ муаллим. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 1998. № 4. – Б. 45.

¹⁰ Қаранг: Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 20.

¹¹ Фалсафа қомусий лугат. Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 255.

маънавиятимиз инқироз ёқасига келиб қолган эди. Ўша даврда кишиларнинг тарихий онги партиявийлик асосида шакллантирилди. Шунинг учун тарихий онги кишиларда янгидан ривожлантириш, миллий кадриятларни тиклаш долзарб масалага айланди.

Шу билан бирга «биз тарихий халқ анъаналари, урф-одат ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур»¹².

Чор Россияси мамлакатимизни босиб олгандан то давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар 130 йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида Ўрта Осиё халқлари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда ташқи дунёдан узиб қўйилди. Собик шўролар даврида ижтимоий-гуманитар (фалсафа, тил, адабиёт ва тарих) фанларда қатор мафқуравий камчиликларга йўл қўйилди. Натижада бу фанларни ўзлаштириш, ўрганиш жараёнида бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Ўқувчи ёшлар онгига миллий тарихдан кўра рус тарихи ва адабиётининг сингдирилиши тарихимизга бўлган интилишнинг сусайишига олиб келди ёки советча принциплар асосида ўрганишни шакллантирди. Ўқувчиларга асл тарихимиз тушунтирилмаслиги оқибатида улар онгидаги тарихий бўшлиқни партия ва совет тарихшунослиги тўлдирди. Мана шу бўшлиқ ёшларимизда тарихий онгининг йўқолишига ва унинг ўрнини турли хил бегона ғоя, мафқура ва қарашлар эгаллашига олиб келди. Шу туфайли, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк даврлариданок миллий тарихимизни тиклаш ва ривожлантириб бориш, ҳамда уни ўқувчи ёшлар онгига сингдириш, кишиларда маънавиятни шакллантириш борасида жуда зарур ва кечиктириб бўлмас ишларни амалга ошириш ҳаракати бошланди. Турли ташкилот ва ўқув муассасаларида миллий ўзликни англаш, уни ёт ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ғурур тушунчасининг моҳияти нақадар аҳамиятли эканлиги хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди ва ҳамон ушбу тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б.90.

Инсон тарихий онги қанчалик ривожланса, у ўзини кучлироқ англай бошлайди. Бунинг учун ўқувчи ёшлар онгига Ватанимиз тарихини сингдириш, аجدодларимиз кимлигини уқтириш, уларнинг илмий ва амалий ютуқларини ўргатиш орқали муқаддас тупроғимизни асраб-авайлаш, ватанпарварликни шакллантириш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини ривожлантириш гоят муҳимдир. Шу мақсадларни амалга ошириш учун ватан тарихини ўқитиш ва ўрганишга доир бир қатор концепциялар ишлаб чиқилган¹³. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни(2016)да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармонларида ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда миллий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, уни халқ онгига сингдириш борасидаги амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқароларда ижтимоий масъулият, фуқаролик бурчи ва миллий гурур туйғусини таркиб топтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қондалари, юртбошимиз маърузаларида¹⁴ ёш авлод

¹³ Азизхўжаев А.А., Ахмедова Б.А., Аскарлов А.А., Бобобеков Х.Н., Отажонов А., Содиков Х., Шамсутдинов Р., Холбоев С., Шоймардонов И. томонидан тузилган: “Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси (1996 й.)”; “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси (1999 й.) лойиҳаси”. Ўзбекистон тарихи, 1999, 1-сон.

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қойдаси

маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича баён этилган концептуал ғоялар, тарихимизни ўрганиш ва ўқитиш, тарихий-маданий меросимизни тадқиқ этиш ва кенг ёйиш бўйича қабул қилинган қарорларда¹⁵ белгиланган вазифалар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тарихий онгнинг ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи куч экани, жамиятда уни шакллантириш зарурлиги жуда қадим замонлардаёқ англаб этилган. Асрлар давомида афсона ва ривоятларда, эртақ ва дostonларда мадх этилган халқ қаҳрамонлари ҳар бир ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб келган. Тарихий онгни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам дунёнинг деярлик барча минтақаларида ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли вакиллари томонидан амалга оширилган ва бу тадқиқотлар давом этмоқда. Муаммонинг ўрганилиш тарихи нуктаи назаридан Ғарбий Европалик файласуфлар (Ж.Кондорсе, И.Гердер, Г.Гегель, О.Шпенглер, К.Ясперс ва бошқалар) нинг ҳиссалари катта эканини алоҳида кўрсатган ҳолда тарихий онг ва тарихий маданият типлари назариясини яратган немис олими Йорн Рюзен¹⁶, тарихий онгнинг миллий маданий мансублик шаклланишидаги ҳал қилувчи аҳамиятини ўрганган америкалик Самуэл Хантингтон¹⁷, XX асрда тарихий онгни ўрганиш методологиясини ишлаб чиққан француз файласуф ва социологи Раймон Арон¹⁸ хизматлари ажралиб туради. Шунингдек, хорижда шахс тарихий онгини шакллантириш ва ривожлантиришга оид тадқиқотларда масаланинг қуйидаги назарий ва амалий жиҳатлари қамраб олинган: а) этник-маданий, фуқаролик ва миллий идентикликни ривожлантиришда тарихий онгнинг устувор аҳамияти белгиланган (the Department of Integrated Studies in

бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сон Қарори; 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-марифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори.

¹⁶ Рюзен Й. Утрачивая последовательность истории // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. М., 2001. Вып. 7. С. 8–27; Рюзен Й. Кризис, травма и идентичность // «Цепь времен»: проблемы исторического сознания / под ред. Л. П. Репиной. М., 2005. С. 38–63.

¹⁷ Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности / С. Хантингтон; Пер. с англ. А. Башкирова. – Москва: ООО «Издательство АСТ»: ООО «Транзиткнига», 2004. – 635 с.

¹⁸ Арон Р. Измерения исторического сознания. Москва: «URSS». 2014. 196 с.

Education at McGill University – Канада); б) 2011 йилда Стефан Левек томонидан Оттава университетиде ташкил қилинган Виртуал тарих лабораториясида талабаларнинг тарихий тафаккурини шакллантириш учун янги ахборот технологиялари, инновацион ёндашувларга асосий эътибор қаратилган (the Virtual History Lab (VH Lab) at the Faculty of Education, University of Ottawa – Канада); в) тарихий онгнинг ривожланишида тарихий меъморий обидаларнинг ўрни очиқ берилган (The Bartlett School of Architecture – UCL – London's Global University – Англия); г) халқнинг тарихий онги йўқолиб бориши ва унинг ўрнида янги тарихий онгнинг шаклланиш жараёнлари ўрганилган (FUER (zur Förderung und Entwicklung von reflektiertem Geschichtsbewusstsein) – Германия); д) ёшлар тарихий онгини ривожлантиришга ёрдам берувчи синфдан ташқари тарих, тарихий учрашувлар, музейларларда тарихни ўрганиш ва хоказо усуллар ишлаб чиқилган (Centre for the Study of Historical Consciousness; The Historical Thinking Project – Канада).

Тарихий онг инсонга бугунги кунини ўтмиш ва келажак билан боғлиқликда тасаввур этиш, ўзини тарихнинг бир бўлаги, аниқроғи, унинг яратувчиси сифатида ҳис этиш имконини беради. Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида тарихий онгни ўрганишга доир бир қатор грант лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Канаданинг Макгилла университети доктори Поль Заназаниян¹⁹ раҳбарлигида 2016-2019 йилларга мўлжалланган «Тарихий онг ва тарих» мавзусида Квебек миллий жамғармаси (Fonds de recherche du Québec - Société et culture (FRQSC) нинг грант лойиҳаси олиб борилмоқда. Лойиҳанинг мақсади инглиз тили ўқитувчиларининг миллий эътиқодлари, тарихий онги, Квебек ҳикоялари, миллий кадриятларга муносабатларини ўрганиш. Бундан ташқари С. Моисан раҳбарлигида 2017-2022 йилларга мўлжалланган Канада ижтимоий ва гуманитар фанлар тадқиқот кенгаши (Social Sciences and Humanities Research Council of Canada (SSHRC) томонидан тарихда миллий мероснинг ўрни,

¹⁹ <http://www.mcgill.ca/dise/paul-zanazanian>

миллий тарихий тажрибанинг хилма-хиллиги ва уни ўқитиш йўллари: тарихчилар, ўқитувчилар ва бўлажак ўрта мактаб ўқитувчиларининг қарашлари масалаларини ўрганишга доир грант лойиҳаси олиб борилмоқда.

Тарихий онг муаммоси россиялик М.Ширманова, Ю.Либиг, О.Сгибнева, А.Самиев, А.Панюков, О.Лосева, Р.Каменская, М.Чистанов, А.Леоп²⁰ ва бошқа тадқиқотчиларнинг диссертацияларида фалсафий нуқтаи назардан, В.Мелешкин, П.Гречухин, А.Люблин, И.Яблоковлар²¹ ишларида эса тарихий нуқтаи назардан ўрганилган. Муаммога социологик ёндашув Ж.Тощенко, В.Утенков, М.Горшков, Л.Кононова, Т.Путятина, В.Фролов²² сингари олимлар тадқиқотларида амалга оширилган.

Миллий мустақиллик туфайли тарихимизга бўлган ноҳолис муносабат кескин ўзгарди. Шу билан боғлиқ ижтимоий-гуманитар таълим, хусусан, тарих фанини ўқитишнинг мазмун-мундарижаси тубдан янгиланди. Жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг тарихий онгини асл, ҳаққоний тарихимиз

²⁰ Ширманова М.Ю. Историческое сознание общества: философский анализ: Дис. канд. филос. наук / М.Ю. Ширманова; Ростов н/Д: 1983. – 170с.; Либиг Ю. Историческое сознание как предмет философского исследования: Дис. канд. филос. наук/ Ю. Либиг; Москва: 1983. – 187 с.; Сгибнева О.И. Историческое сознание: сущность, пути формирования: Автореф. дис. канд. филос. наук / О.И.Сгибнева; Москва: 1991. – 21 с.; Самиев А.Х. Становление и развитие исторического сознания как самосознания общества: Дис. докт. филос. наук / А.Х.Самиев; Москва: 1995. – 271 с.; Панюков А.И. Историческое сознание: сущность, структура и тенденции развития / методологический анализ: Дис. канд. филос. наук/ А.И. Панюков; Красноярск: 1995. 130 с.; Лосева О.А. Философско-аксиологический анализ исторического сознания: Дис. канд. филос. наук/ О.А. Лосева; Саратов: 1998. 161 с.; Каменская Р.А. Историческое сознание: Дис.канд. филос. наук/ Р.А.Каменская; Волгоград: 1999. – 119 с.; Леоп А.В. Структура исторического сознания в условиях социокультурного кризиса: Дис. канд. филос. наук/ А.В. Леоп; Красноярск: 2004. – 180 с.; Чистанов М.Н. Генезис исторического сознания как проблема социальной философии: Дис. канд. филос. наук/ М.Н. Чистанов; Томск: 2001. 122 с.; Чистанов М.Н. Историческое сознание как проблема социальной онтологии: Дис. докт. филос. наук. – Новосибирск: 2010. – 261 с.

²¹ Мелешкин В.В. Историческое, сознание как фактор формирования личности в ситуации социокультурного кризиса: Дис. канд. истор. наук/ В.В. Мелешкин; Ставрополь: 1998. –159 с.; Гречухин П.Б. Власть и формирование исторического сознания советского общества в 1934-1941 гг.: Дис. канд. истор. наук/ П.Б. Гречухин; Саратов: 1997. – 202 с.; Люблин А.З. Деятельность государственных органов, образовательных учреждений и общественных организаций по формированию у молодежи исторического сознания в 1993-2008 гг.: на материалах г. Москвы: Дис. канд. истор. наук/ А.З.Люблин; Москва: 2009. – 222 с.; Яблоков И.А. Теория заговора и современное историческое сознание: на примере американской исторической мысли: Автореф. дис. канд. ист. наук/ И.А.Яблоков; Томск. 2010. С. 24.

²² Тощенко Ж.Т. Историческое сознание и историческая память. Анализ современного состояния / Ж.Т.Тощенко // Новая и новейшая история. – 2000. – № 4. – С.3–14; Утенков В.М. Об историческом сознании студенческой молодежи / В.М. Утенков, А.С. Закалин // Социологические исследования. 2000. – №6. – С. 110–122; М. К. Горшков, Ф. Э. Шереги Историческое сознание молодежи. Вестник российской академии наук. 2010. Т.80. №3, С.195-203; Кононова, Л.И. Историческое сознание человека: ответственность и свобода / Л.И. Кононова // Учен. зап. / Моск. гос. социал. ун-т М-ва труда и социал. развития РФ. Москва: 2003. – N 4. – С. 15–27; Путятина Т.П. Формирование исторического сознания школьной молодежи в условиях трансформации российского общества: Дис.. канд. соц. наук/ Т.П.Путятина; Москва: 2007. – 218 с.; Фролов В.А. Историческое сознание российской молодежи: условия формирования и проявления в основных практиках: Дис.. канд. соц. наук/ В.А. Фролов; Краснодар: 2014. – 172 с.

асосида шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳаракат бошланди. Бу бир томондан, амалий, яъни таълим тизими, маънавий-маърифий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш орқали бўлса, иккинчи томондан, назарий, яъни ўқитилаётган фанларнинг мазмунини талаб даражасига кўтариш, уни янги далиллар ва илмий хулосалар билан бойитиш учун тадқиқотлар олиб бориш орқали рўёбга чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда «тарихий онг», «тарихий хотира», «миллий ўзлиқни англаш», «ватанпарварлик» тушунчалари бир қатор файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог олимлар ва илмий изланувчилар томонидан тадқиқ этилди.²³

Диссертация мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилидан кўринадики, тарихий онг, унинг структураси, генезиси, уни шакллантириш ва ўрганиш муаммолари хорижда бирмунча мукамал амалга оширилган. Хусусан, россиялик социолог Т.Путятинанинг «Россия жамиятининг трансформациялашуви шароитида ўқувчи ёшлар тарихий онгининг шаклланиши» мавзуидаги номзодлик диссертацияси сиртдан караганда бизнинг тадқиқотимиз билан айнандек таассурот уйғотиши мумкин. Аслида эса бу икки тадқиқот моҳияти ва материаллари жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Агар Путятина ишида трансформацияга учраб, ўзгараётган Россия жамиятида ўқувчилар тарихий онгининг шаклланишига таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақида гап борса, бизнинг ишимизда бузиб

²³ . А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. – Тошкент: 1999. – 244 б.; Н.Жўраев. Тарих фалсафаси. – Тошкент: Маънавият, 1999; Э.Каримова. Ватанпарварлик - миллий ўзлиқни англаш демакдир // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 1999. 3-сон; Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш – давр талаби. – Тошкент: Мехнат, 2000. – Б.9– 16; С.Отамуратов. Талаба ёшларнинг миллий ўзлигини англаши // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2000. 1-2-сон; Г.Никитенко, Д.Ғуломова. Одамларнинг тарихий хотираси социологиянинг ўрганиш объекти сифатида // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2001. 4-сон; М.Мамажанова. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданий мероснинг аҳамияти // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2001. 1-сон; Н.Маманазаров. Ёшлар дунёқарашида миллий ўзлиқни англашнинг баъзи энцирик жиҳатлари // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004. 3-сон; Ф.Файзиёв. Тарихий онг ва мафкуравий иммунитет // Жамият ва бошқарув. 2004. 2-сон; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. – Тошкент, 2006. – С.168; Раҳманов Р., Файзиёв Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. Тошкент: Ўзбекистон. 2008. –Б.21; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингнинг таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. –Тошкент, 2016. – 352 б.; M.Qirg'izboyev. Sotsiologiya: oliy o'quv yurtlari talabalari uchun o'quv qo'llanma. – Тошкент: Navro'z nashriyoti, 2017. – 456 б.

тақдим этилган тарих воситасида шаклланиб келган тарихий онгининг **ҳақиқий** тарих асл ҳолида талқин этила бошланиши, жамиятдаги ва **таълим**даги сифат ўзгаришлари туфайли янгиланаётган ва ривож топаётган **тарихий** онг ҳақида фикр юритилади ҳамда кузатувлар олиб борилади.

Ўзбекистонда ўқувчи ёшлар тарихий онги мавзуга оид илмий мақолалар ёзилган бўлса-да, алоҳида монографик тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу нуктаи назардан мамлакатимизда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланишини социологик жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш **илмий-амалий аҳамиятга** эга.

Мазкур монография Наманган давлат университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ўзбекистонда демократик жамият тараққиётининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий жиҳатлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Ушбу монографияда маълумотларнинг умумлашган таҳлили натижасида тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

тарихий онги 4 босқичли ўлчашнинг социологик усули (Р.Арон)ни қўллаган ҳолда қуйи (ўрта таълимгача), ўрта (таълимдан ташқари), юкори (умумтаълим) ва олий (умумтаълимдан кейинги) даражаларининг тизим ясовчи элементлар сифатидаги ўзаро тақозовийлиги асосланган;

ўзгарган замон ва давр руҳи таъсирида шаклланувчи янги тарихий онг ўқувчи ёшларда ўзликни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларининг юксалишига олиб келиши исботланган;

ижтимоий-маънавий ҳаёт динамикасида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар (миллий қахрамонлар номларининг тикланиши, улар ҳақида санъат асарлари яратишга доир ташаббуслар, ҳудудлардаги қадамжолар ва тарихий шахслар маънавий меросини тиклашга қаратилган фаолият) нинг ўқувчиларда янгича тарихий онг шаклланишига ижобий таъсири далиллар билан очиб берилган;

ўқувчилар тарихий онгини юксалтиришда ҳамда геосиёсий, ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириб боришда маҳаллий тарихни факультатив машғулотлар шаклида ўқитиш усули орқали

уларда ватанпарварлик ва ўз худудига садоқат туйғуларини самарали ривожлантириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчи ёшлар тарихий онгини янгилаш ва уни ривожлантириб боришнинг социал механизмлари ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида ҳамда ўрта махсус таълим тизимида ўқитилаётган тарих фани дарсларини такомиллаштиришга ҳамда гуманитар фанлар йўналишидаги тўғарақлар фаолиятини самарали ташкил этишга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланиши (социологик таҳлил)» тадқиқоти давомида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзгарган замон ва давр руҳи таъсирида шаклланувчи янги тарихий онгининг ўқувчи ёшларда ўзликни англаш, миллий гурур, ватанпарварлик туйғуларининг юксалишига олиб келиши билан боғлиқ илмий таклифлардан Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган «Маънавият асослари» дарслигининг «Инсон маънавияти ва миллий ўзликни англаш», «Глобаллашув шароитида миллий маънавиятга қарши таҳдидлар» каби мавзулардаги 2-14-параграфларни илмий маълумотлар билан бойитиш ҳамда такомиллаштиришда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2018 йил 29 майдаги 01/11-01/05-857-сон маълумотномаси). Бу умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтиладиган «Маънавият асослари» дарси орқали ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, миллий гурур, ор-номус, ўзликни англаш туйғулари юксалишига, уларда бугунги глобал маънавий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилган;

Р.Арон (тарихий онгни 4 босқичли ўлчаш усули) ҳамда Т.Парсонс (тизимли таҳлил) назарияларини қўллаган ҳолда ўқувчиларда тарихий онгни

ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» мавзусидаги И-2016-1-33 рақамли давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 1 августдаги 01/07-899-18–сон далолатномаси). Бу ёшларда тарихий хотира, тарихий онгни ривожлантиришга комплекс ёндашиш (мактабгача таълим, ўрта таълим, таълимдан ташқари ва ўрта таълимдан кейинги даражаларни уйғунлаштириш) орқали самарадорликка эришиш имконини берган;

I БОБ. ТАРИХИЙ ОНГ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мазкур бобда тарихий онг тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари, моҳияти ва мазмуни, жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни ва роли, структураси ва ижтимоий функциялари тадқиқ этилади.

1.1 -§. ТАРИХИЙ ОНГ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТАЪРИФИ ВА ТАВСИФИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Илмий-фалсафий адабиётларда «тарихий онг» тушунчаси ижтимоий онгнинг муайян кўриниши, таркибий қисми, компоненти сифатида таъриф ва тавсиф қилинган, унинг генезиси, эволюцияси, феноменологияси имкон қадар ўрганилган. Айни пайтда, ижтимоий фалсафа ва социологияда ушбу мураккаб ва серқирра феноменнинг туб моҳиятини очиб берадиган ва ҳаммани бирдек қаноатлантирадиган талқин ҳали яратилмаган.

Тарихий онг тушунчасига илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда кўплаб таърифлар берилган. Масалан, Р.Абдуллаев мазкур тушунчани қуйидагича таърифлаган: «Илм-фанда тарихий онг деганда одатда ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар ҳақида, ўз тарихининг бошқа кишилиқ жамоалари ва умуман башарият ҳамжамияти тарихи билан нисбати ҳақидаги қарашлар, анъаналар, удумлар, одатлар, концепциялар мужассами тушунилади.»²⁴

Ушбу таърифда, бизнинг фикримизча, «мужассам» сўзи ноўрин қўлланилган, чунки араб тилида «муфаъал» қолипига солинган «жисм» сўзи ўзбек тилида моддийлашиш, намоён бўлиш деган маъноларни беради; бинобарин таърифда «мажмуи» деган сўз ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

²⁴ Абдуллаев Р.Т. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. //Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. - Тошкент, 2007. – Б. 6-12.

Тарихчи Дилором Абдуллажанова «Тарихий онг ва тарихий хотира» деб номланган мақоласида қуйидаги таърифни беради: «Тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги кун ва келажакдаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир.»²⁵

Мазкур таърифда, биринчидан, умумийлик ҳақида фикр юритилгани ҳолда хусусийлик (шахс, индивид) назардан четда қолган, иккинчидан, маълумки, ижтимоий онгнинг нисбий мустақилликка эга бўлган шакллариға фалсафа, фан, дин, санъат, ахлоқ, сиёсий ва ҳуқуқий онг киритилиши анъана бўлиб, охири ярим аср давомида иқтисодий онг, экологик онг каби шакллар ҳам юқоридаги қаторни тўлдирган эди. Шу ўринда тарихий онгни ижтимоий онгнинг бир шакли дейиш мазкур категорияни бир томонлама баҳолагандай тасаввур уйғотади. Бизнингча, тарихий онгни ҳар бир ижтимоий онг шаклиға, умуман, ижтимоий соҳаларнинг барчасиға хос компонент дейиш тўғри бўлади, зеро фан ва динда ҳам, фалсафа ва санъатда ҳам, ахлоқ ва ҳуқуқда ҳам ўз тарихи, ўз тарихий онги борлигини инкор этиб бўлмайди. Модомики, гап ижтимоий онг ҳақида кетар экан, шу ўринда бу масалаға ойдинлик киритиб кетиш мақсадға мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий онг – объектив воқеликни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, ижтимоий туйғулар, одатлар ва ахлоқнинг йиғиндисидир. Ижтимоий онг синфға, ижтимоий гуруҳға, халқ, миллат ва элатға мансуб бўлган алоҳида гуруҳлар онгидир. Бундан ташқари ижтимоий онг шакллариға сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий, маънавий ва миллий онг киради. Ижтимоий онг шаклларининг бундай хилма-хиллиги, уларнинг асоси ва вужудға келтирувчи борлиқнинг кўп томонлама ва серқирралигидир. Ижтимоий онг шакллари ижтимоий муносабатлар негизида ва жараёнида вужудға келади ҳамда ривожланади. Чунончи, сиёсий онг – «сиёсий гуруҳлар, давлатлар, халқлар, миллатлар ва элатларнинг ўзаро бир-бирлариға

²⁵ Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2004. - № 2. - Б.83.

бўлган сиёсий муносабатларини акс эттирувчи сиёсий тасаввур ва тушунчалар, ғоялар ва қарашлардан умумлашган тизими»²⁶ ҳисобланса, ҳуқуқий онг – ҳуқуқий муносабатларни кишилар ўртасида тартибга солувчи онг шаклидир.

Ижтимоий онгнинг шаклланишида диний онг ҳам муҳим роль ўйнайди. Боиси, диний онг дастлаб инсон дунёни англай бошлагандан бери минг йиллар давомида мавжуд бўлиб келган. Шунинг учун жамиятда кишиларнинг диний қарашлари, ишонувчанлиги, динга нисбатан мойиллиги кучли ҳисобланади. Диний онгнинг дунёқараш функцияси муҳим бўлиб, диний дунёқараш «инсон, табиат ва жамиятнинг пайдо бўлиши, тузилиши ва келажаги тўғрисидаги ғайритабиий қарашлар ва тасаввурлар мажмуи»²⁷ ҳисобланади. Аврелий Августиннинг қарашларида худо «билишнинг сабабчиси» ҳамда «энг олий даражадаги эзгуликдир ва ҳамма яхшиликларнинг сабабчиси»²⁸ деб таъкидланади.

Тарихий онг шаклланишининг дастлабки босқичларида инсон ҳали назарий умумлашмалардан йироқ бўлиб, уни баҳолашда фалсафий ва социологик мезонлардан фойдаланмайди, балки кўпроқ амалий турмушдаги бошланғич таассуротларга таянади. Муайян ижтимоий гуруҳнинг ёки шахснинг бундай тарихий онги ўтмиш аждодлардан мерос узук-юлук илмий билимлар, содда тасаввур ва баҳолар, анъана ва урф-одатларнинг қоришигидан иборат бўлади. Тарихий онгнинг бундай жўн кўриниши ҳам киши маънавий оламини бойитишга ёрдам беради, бироқ жўнлигича қолаверади. Тарихий воқеа-ҳодисаларга илмий баҳо бериш, тарихий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаш, конкрет сиёсий вазиятларни таҳлил қилиш бундай онг вакиллари имкониятидан ташқарида бўлади.

Тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи ижтимоий онг элементи бўлмиш тарихий билимни тизимли тарзда, унинг барча

²⁶ Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.204.

²⁷ Ислоҳ. Справочник. Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989. – Б.96.

²⁸ Ғарб фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.218.

боскичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз, воқеа ва ҳодисаларга тарихий тафаккур билан муносабатсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди (масаланинг бу жиҳатларини ишимизнинг кейинги фаслларида бафуржа кўриб чиқамиз). Ижтимоий онг шаклларининг ўз тарихи (мас., фалсафа тарихи, дин тарихи, санъат тарихи ва х.к.) борлиги сабабли тарихий онгни, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий онг шаклларида бири бўлиш баробарида уларнинг ҳар бирида таркибий компонент сифатида мавжуд бўлишини ҳам қайд этиш лозим.

Р.Раҳмонов ва Ф.Файзиев, илмий адабиётларда келтирилган бир қатор таърифу талқинлардан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни ўқувчи эътиборига ҳавола қиладилар: «тарихий онг билимлар, тасаввурлар, қарашлар, анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, ғоялар, концепциялар, фикрларнинг шундай йиғиндисини, мажмуини ташкил этадики, улар воситасида индивидларда, ижтимоий гуруҳларда, халқларда, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги энг муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар тўғрисида, ўз тарихининг кишиларнинг бошқа муштараклиги, шунингдек инсон социуми ва ўзининг ундаги ўрни билан нисбати тўғрисида муайян тасаввур пайдо бўлади.»²⁹

Мазкур таърифда тарихий онгни билимлар, ... ғоялар, концепциялар йиғиндиси, мажмуи деб изоҳланиши мантиқан тўғри бўлса-да, аммо унинг иккинчи қисмида тарихий онгни фақат тасаввурга олиб бориб тақалгани эътироз туғдиради. Шунингдек, ушбу муаллифлар томонидан «тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳамда бутун инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлари йиғиндисидир»,³⁰ деган таърифни ҳам учратамиз.

²⁹ Р.Раҳмонов, Ф.Файзиев. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.21.

³⁰ Раҳманов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.21.

Фалсафа бўйича Россияда яратилган энциклопедик лугатда «Тарихий онг бу – ҳамма нарса, ҳатто маънавий борлиқ ҳам ўтмиш эканини билиш орқали англашдир»,³¹ деб шарҳланган.

Бундан ташқари манбаларда «ўтмишни ҳар томонлама ўрганиб, барча қирраларни таҳлил қилиб, унинг тўлалигича жамиятга тегишли эканлигини ва турли хил ижтимоий аҳолига, ижтимоий касбга, халқлар гуруҳига ва алоҳида кишиларга тегишлилиги ҳақидаги тушунчаларини англаймиз»³² каби таърифлар мавжуд.

Таниқли социолог Ж.Т.Тошченко «Тарихий онг ва тарихий хотира. замонавий ҳолати таҳлили» мақоласида ёзади: «Агар тарихий онгнинг мазмун-моҳиятини тавсифлайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, у умуман жамиятга, хусусан, турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-касбий ва этно-ижтимоий гуруҳларга, шунингдек алоҳида кишиларга хос бўлган ўтмишни бутун турфа хиллиги билан идрок этиш ва баҳолашни ўзида акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, ҳиссиётлар, қайфиятлар мажмуидир»³³. Кўринадики, ушбу фикрда ўтмишни хилма-хил воситалар орқали идрок этиш, тушуниш ва уни баҳолашга урғу берилмоқда. Бу эса тарихий онг феноменининг мураккаблигидаи, унинг функциялари серкирралигидан дарак беради.

Тарихий онгнинг тараққий этиши ижтимоий онгнинг барча кўринишлари асосида рўёбга чиқади. Ижтимоий онг сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий онг, ахлоқ, дин, фан, санъат, адабиёт, фалсафа шаклларида ўз ифодасини топади.³⁴ Ўтмишга оид барча билимлар тизими, қарашлар, анъана ва урф-одатлар, мафкура ва бошқа омиллар тарихий онг таркибига киради. Ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар ва элатлар, қолаверса бутун башариёт ўз келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларни ёзма ва оғзаки ижод, тасвирий ёки монументал санъат воситасида сақлайди ва келажак авлодларга тарихий

³¹ Философский энциклопедический словарь. - Москва: Инфра, 1999. - С.190.

³² Каменская Р.А. Историческое сознание. Автореф.дисс. канд. филос. наук. Волгоград: ВГПУ. 1999. С.4

³³ Тошченко Ж.Т. Историческое сознание и историческая память. Анализ современного состояния //Новая и новейшая история. - № 4, 2000 г., С.4.

³⁴ Қаранг: Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 33.

мерос сифатида узатади. Ана шу меросни идрок этиш, ўрганиш ва унга баҳо бериш ва авлодалараро узлуксизликни таъминлаш учун ворис авлодда тарихий тафаккур ривожланган бўлиши жуда муҳим. Мархум академик Ж.Туленов ва профессор И.Жабборовлар «илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди»³⁵ дея, бежиз таъкидламаганлар.

Келтирилган ёндашувлар, таърифларни умумлаштирсак, ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлган тарихий онг – инсон ўтмиши ҳақидаги барча жараёнларни қамраб олувчи ҳамда унинг келажак тақдирини белгилашга хизмат қилувчи воситалар мажмуи экани ҳақидаги тасаввур ҳосил бўлади. Тарихий онг феномени ўта мураккаб ва серкирралиги, жамият ва инсон ҳаётидаги вазифалари мўллиги туфайли унга хилма-хил, ҳатто, баъзан бир-бирига зид келувчи таърифлар берилган, эҳтимол бу яна давом этар.

Бизнингча, тарихий онг, бир томондан, жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳақидаги, иккинчи томондан, уларнинг бутун инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлари, билимлари ҳамда тарихий тажрибалар силсиласидан тўпланган фалсафий ҳулосалари мажмудир.

Тарихий онг категориясининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун унинг генезиси ва эволюциясига эътибор қаратамиз. Тарихий онгнинг вужудга келишида ўтмиш, кадрият-анъаналар ҳамда маданий-маънавий мерос асосий ўрин эгаллайди. Диний онгнинг асосини дин ташкил этса, тарихий онгнинг асосини тарих ташкил этади. Таникли немис тарихчиси ва файласуфи Освальд Шпенглер таъбири билан айтганда, «тарих – тирик борлиқдир»³⁶. Зеро тарихий хотирасиз келажак бўлмайди, тарих кишилар ҳаёти, улар фаолиятига яширинган хотирадир. Тарихни ўрганиш,

³⁵ Туленов Ж., Жаббаров И. Тарихий онгни ривожлантириш давр талаби. –Тошкент: Мехнат. 2000. – Б.7.

³⁶ Ғарб фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 578.

унга ҳар қандай мавзудаги муурожаат, инсонда муайян тарихий онгни вужудга келтиришга хизмат қилиб, унинг тарихий хотирага айланиб боришини таъминлайди. О. Шпенглернинг «тарихнинг кучи шундан иборатки, у онгсизлик даражасида тарих жараёнини инстинктив равишда биледи»³⁷ дейди. Ана шу фикрдан маълумки, инсон тарихни билиш учун уни ҳис қилиши, жараёнлар моҳиятини, ҳаёт мазмунини чуқур англамоғи даркор.

Маълумки, Карл Ясперс инсоният тарихини жаҳон тарихи билан бирга ўрганишни таклиф этган эди. У бутун инсоният тарихини уч фазага, яъни тарихдан аввалги фаза, тарих фазаси ва жаҳон тарихи фазасига бўлиб ўрганишни таклиф қилади. Тарихдан аввалги фаза энг катта даврдан иборат бўлиб, у «инсоннинг шаклланиши, тил ва ирқлар пайдо бўлишидан то тарихий маданиятларнинг вужудга келишигача бўлган даврни»³⁸ ўз ичига олади. Ясперснинг фикрича, инсондаги тарихий онг ана шу уч фаза асосида шаклланади. Унинг тарих фазасида «вақт ўқи»³⁹ деб аталган давр муҳим аҳамият касб этади. Унда инсоннинг пайдо бўлишданок унинг онги ва олам ҳақидаги тасавурларини шу ўқ асосида ривожланиши кўрсатиб ўтилади. Умуман олганда, тарих фалсафаси инсоният тарихининг бошланиши, тафаккур ва идрокнинг ривожланиши, инсон онги шаклланиш динамикасини, ундаги тарих билан қизиқиш ҳамда тарихий онгнинг шаклланиш ва камол топиш жараёнларини тадқиқ этди.

Тарихий онг инсоннинг ер юзида яшай бошлаган даврлариданок вужудга келиб, ривожланиб борган ва доим ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган. Сабаби инсон жамият тараққиёти билан узвий, бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Ижтимоий онг негизини тарихий онг ташкил этади ва унда тарих асос бўлиб хизмат қилади. Онг кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан буён

³⁷ Йўлдошев С., Усманов М. Каримов Р. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 229.

³⁸ Ивин А. Философия истории. – Москва: Гардарика, 2000. – С.34.

³⁹ Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Республика. 1984. – С.32.

шакланган бўлса, тарихий онг ҳам ўша даврларданок шаклланиб ривожланиб келган. Тарих фани «Инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни яхлит бир тарзда ўрганади.»⁴⁰ Тарихий онг эса бевосита мана шу жараёнлар натижасида вужудга келади.

Инсониятнинг вужудга келиши ҳақидаги қарашлар тарихий манбаларда турлича изоҳланади. Масалан, Библияда одамзод худо томонидан бундан етти минг йил аввал «қизил лой»дан яратилган дейилса, Қуръони Каримда лойдан яратилгани ва Аллоҳ томонидан унга жон киритилгани ҳақида таъкидланади. Швед олими К. Линней, кейинроқ Чарльз Дарвин одамнинг келиб чиқишини ҳайвон, хусусан маймун билан боғлайди ва ундаги онглиликни худонинг иродаси дея таъкидлайди.

Археологик изланишлар натижасида одамзоднинг илк аجدодлари манзилгоҳлари Шарқий Африка, Германия, Австрия, Франция ва дунёнинг бошқа ҳудудларидан топиб ўрганилиши натижасида инсоннинг ёши, яшаш манзилгоҳлари, фаолиятидаги меҳнат куруллари, унинг мия ҳажми ҳақида маълумотларга эга бўлинди. Бу эса аجدодлар фаолиятини билиш, ўрганиш ҳамда онгимизда улар ҳақидаги тасаввурни пайдо қилишга кўмаклашди.

Ўрта Осиёда аجدодларимиз излари (Тошкент вилоятида Кўлбулоқ, Фарғона водийсида Селунгур) «миллион йилларга тегишли эканлиги аниқланган».⁴¹ Демак, инсониятнинг ер юзидан пайдо бўлиши миллион йилларга бориб тақалар экан, унда тарихий онг ҳам узоқ даврларда шакланган.

Инсоният ибтидоий тўда босқичидан уруғчилик жамиятига ўтгандан сўнг инсонда олам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлди, одам оламни англай бошлади, бу эса инсон онги ривожланишини янги босқичга кўтарди. Инсоният ўз ривожининг шу босқичидан эътиборан келгуси авлодга муҳим маълумотлар қолдира бошлади. Кейинчалик ана шу маълумотлар асосида

⁴⁰ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8том. –Тошкент: Ў.М.Э, 2004. – Б.274.

⁴¹ Ўзбекистон тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.3.

Ўтмиш қадриятлари ўрганилди ва келажак авлод онгида тарих, ўтмиш тушунчалари вужудга келди.

Гегель онгни тадқиқ қилишда тарихийлик ва фаолият принципини қўлади. У «Оннга шахс – конкрет тарихий давр доирасидаги фаол ҳаракат фаолият маҳсули сифатида қаради».⁴²

Илк диний тасаввурлар, тотемизм, анимизм, фетишизм эътиқодларида ҳам тарихий онг мужассамлашган. Масалан, туркий халқлар бургут, от, бўри ва бошқа жонли ва жонсиз предметларга эътиқод қилганлар. Қадимги манбаларда келтирилишича бўри турк уруғининг аждоди ҳисобланган.

Ҳатто ашина номли турк уруғларидан бирида бўри калласи тасвирланган байроқ ҳам бўлган. Бу эса Ўрта Осиё аҳолиси маданий тараққиётида алоҳида воқеа сифатида ижтимоий-тарихий вазифани бажаради.

Тарихий онг тарих манбалари, ўтмиш қадриятлари асосида вужудга келар экан, бундан уч минг йил аввал Хоразм ҳудудида пайдо бўлган зардуштийлик динининг “Авесто” китоби ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Боиси зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да аждодларимизнинг улкан қадриятлари мавжуд. Бу китобда ижтимоий, маънавий, ахлоқий меъёрлар билан бирга юртимиз тарихига оид муҳим маълумотлар жамланган.

Беруний “Авесто”нинг аянчли такдири ҳақида шундай ёзади. «Подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида Абистонинг 12 минг қорамол терисига тилла билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди.»⁴³

Бундан кўзланган мақсад – Искандар ўз давлатининг маънавиятини Марказий Осиё халқлари онгига сингдириш ва аждодлар эътиқодини йўқ қилиш бўлган.

⁴² Раҳманов Р. Файзиев Ф. Ешлар дунёқарашида тарихий онг ва тарихий хотира. –Тошкент: Ўзбекистон. 2008. – Б.14.

⁴³ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: Фан. 1968. – Б.238.

Ҳар қандай жамият ёки ҳукмрон мафкура ўз даврида халқ онгига маънавий-маданий, тарихий жараёнларни ўзига мослаб сингдиришни истади. Мисол учун VII-VIII асрларда арабларнинг босқинчилик юришларини олайлик, «Кутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди.»⁴⁴Натижада ўзлигини йўқотган халқ истеълочилар томонидан забт этилди ва уларга ислом дини, ислом қадриятлари сингдирилди. Халқнинг тарихий онги ана шу даврдан кейин янги босқичга ўтди.

Тарихий онг тарих фалсафаси билан доимо узвий алоқада ривожланади. Араблардан сўнг ўлкамизда ислом дини кириб келиши билан бирга ислом фалсафаси шаклланди. Бу даврда ижтимоий онгнинг турларидан бири диний онг асосида халқнинг тарихий онги янгиланди ва ривожланиб борди.

Тарихий онг генезисида дин муҳим ўрин тутади. Боиси, инсонда тарихий онг ва хотирани шакллантирган ҳамда ривожлантирган омиллarning асосийси ва дастлабкиси бу диндир. Шу нуқтаи назардан дин дунё тамаддунининг тараққий этишида, инсониятнинг ривожланиши, инсон тарихий онгининг бойишида алоҳида ўрин тутган.

Кишилиқ жамияти вужудга келибдики, ҳамиша ва ҳар қачон динга эҳтиёж сезган ва ундан маънавий мадад олиб келган. Шунинг учун дин ва диний мифология инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Диннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши инсонда тарихий онгнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатиб келган. Диний эътиқодлар худо, пайғамбар, фаришта, авлиё ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ тушунчаларгина бўлиб қолмай, турли диний урф-одатларнинг вужудга келишига, қолаверса, ижтимоий, ахлоқий турмуш нормаларининг пайдо бўлишига хизмат қилди. Дин барча жамиятларда сиёсий идеология вазифасини ҳам бажариб, қонунчилик ва халқаро муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Дин жамиятнинг моддий турмуш шароити, иқтисоди, ишлаб чиқариш даражаларида акс

⁴⁴ Ўша асар. – Б.72.

этибгина қолмай, ижтимоий муносабатларда: авлоддан-авлодга ўтиб келган миллий урф-одатлар, ижтимоий анъаналарда ҳам ўз аксини топган. Ҳатто дин жамиятнинг тараққиёти ёки таназзулига ҳам катта таъсир ўтказганлиги тарихдан маълум.

Масалан, X-XIV асрларгача Европада марказлашган давлатларнинг вужудга келмаганлиги ёки илм-фан тараққиёти Шарқ мамлакатларидан орқада қолганлиги бунинг ёрқин исботидир. XV-XVII асрларга келиб гуманизм ғояларининг ривожланиши, буюк географик кашфиётлар, илм-фан, техниканинг тараққий этиши Ғарб кишисида динга бўлган муносабатни ўзгартирди. «XIX аср охирида мусулмон дунёсининг Ғарб экспанцияси олдидаги ожизлиги исломнинг илк софлиги ва қудратини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб олган ислохотчилик ҳаракатларини юзага келтирди»⁴⁵.

Бугунги глобал муаммолар кучайган бир даврда Яқин ва Ўрта Шарқ, Африканинг айрим ҳудудлари ҳамда Европада рўй бераётган ижтимоий-сиёсий инқирозлар, диний экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг туб негизда диний ихтилофлар ётибди. Ироқ, Афғонистон, Сурия, Ливан, Яманда бўлган ва баъзиларида давом этаётган уруш ҳаракатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Бу ҳаракатлар ҳудудларда яшовчи аҳоли онгининг ўзгаришига катта таъсир ўтказиб, бир томондан, урушга нисбатан нафрат туйғусини ривожлантирса, иккинчи томондан, баъзи бир қатламда урушни ёқловчи гуруҳларни пайдо қилмоқда.

Бундай жараёнлар, айниқса, ёш авлод тарихий онгига салбий таъсир ўтказмоқда. Эътибор берилса, Сурия ва Ироқ давлати ҳудудида вужудга келган ИШИД террорчилик ташкилоти таркибини асосан ёшлар ташкил этиши ачинарли ҳолатдир. Нима учун бутун дунёдаги диний экстремистик террористик ташкилотлар ўз сафларини асосан ёшлар ҳисобига тўлдиришмоқда ёки жалб қилишмоқда? Чунки тарихдан маълумки, ёшларнинг онг ва дунёкарашини ўзгартириш катта ёшдаги қатламга қараганда самарали ҳисобланган. Айниқса, уларнинг онги ва хотирасига

⁴⁵ Гилденс Э. Социология. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 526.

экстремистик ғоя ва мафкураларни сингдиришда ўтмишдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Турли сиёсий-ижтимоий кучлар манфаати йўлида кўшни халқлар орасига нифоқ солишга қаратилган ҳаракатлар бугунги кунда баъзи-бир сиёсий кучлар учун қўл келмоқда. Масалан, 2017 йил 26 октябрда Қирғизистон Республикаси Президенти А. Атамбаевнинг 7-8 ноябрни «Аждодлар хотираси ва тарихи кунлари» сифатида нишонлаш тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Бу тўғрисидаги фармон «1916 йилги фожиали ходисалар ва миллий-озодлик инқилоби, 1917 йилги Февраль ва Октябрь инқилоблари, собиқ иттифоқ давридаги мерос, 20 асрдаги сиёсий таъқибларга ҳолис тарихий баҳо бериш ва аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш» мақсадида қабул қилинган. Шу куни Россия давлат Думасининг ЛДПР партияси депутати Ярослав Нилов ушбу фармонни Россия билан дўстона муносабатларга қарши қаратилган фармон, Россия империясига қаршилик кўрсатиш кунини байрам сифатида нишонланишини аксилрус ҳаракати, деб баҳолаш мумкин деган. Қирғизистон раҳбарининг фармони эълон қилиниши биланоқ, Россия Давлат Думаси вице-спикери Игорь Лебедев «киргизлар Қирғизистонинг Россияга қарши исён кўтарган кунни миллий байрам сифатида белгилашган», деган баёнот билан чиққан ва бу фармонга жавоб тариқасида Дума Россияда ишлаётган кирғизистонликларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаларини бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинишини билдирган эди⁴⁶.

Бундан ташқари ҳудуд ва бойлик учун кураш жараёнида ўзаро беҳурматлик, таҳқир ва ҳақорат рецидивлари тарихда кўп учраган ва ҳозирда ҳам учрамоқда. Территориал даъволар ва улар негизида келиб чиқадиган низо-можароларда дин ва тарихий далиллардан фойдаланиш ҳали ҳамон давом этмоқда. Ана шундай иллатларга қарши курашда ёшларга диний маданият, диний маънавиятни тўғри тушунириш, уни ривожлантириш ва юксалтириб бориш зарурдир.

⁴⁶ <https://kun.uz/news/2017/10/27/kirgizistonliklarga-rossiada-kirgiz-ajdovcilik-guvonomalari-bilan-faoliat-uritis-takiklanmokci>

Таникли америкалик сиёсатчи Патрик Бьюкенен ўзининг «Ғарбнинг ҳалокати» асарида Америка президенти Рональд Рейганнинг ўз халқига йўллаган видолашув мурожаатини келтиради: «Биз нима қила олганимизни унутсак, кимлигимизни ҳам унутамиз, шонли ўтмиш хотирадан ўчирилса, охир-оқибатда Америка руҳи ҳам йўқолади», – деб огоҳлантирган эди. Бир бадний асар қаҳрамони тили билан айтганда: «Ким ўтмишни бошқарса, келажакни бошқаради. Ким ҳозирги кунни бошқарса–ўтмишни бошқаради, деган формула асосида олиб борилади»⁴⁷.

Буюк немис шоири Иоханн Гёте «ҳар бир авлод ўтмишни янгича талқин этади, деб таъкидлаган бўлса, унинг ватандоши, XIX аср тарихчиси Леопольд фон Ранке, «Тарих аслида ҳаммаси қандай бўлганлигини таърифлашга хизмат қилиши керак»⁴⁸, деб уқтирган эди. Бугунги кунда ҳар биримиз Ватанимиз тарихини билишимиз ва ўзга мамлакатлар халқлари тарихи ва маданиятига ҳурмат муносабатида бўлишимиз лозимлиги тўғрисидаги қоида белгилловчи аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар таълимнинг устувор вазибалари ёш авлодни юксак маънавият ҳамда бой ахлоқий ва гуманистик тамойиллар асосида тарбиялаш муаммолари билан узвий боғлиқ. Шу боисдан ҳам «тарихнинг чуқур илдизларига мурожат қилиш, шу билан бирга замонавий Ўзбекистон тарихини, ислохотлар ва янгиланишларни, унинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғунлашувини, халқимизнинг тарихий-маданий меросига мутлақо янгича муносабатни ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади»⁴⁹.

Тарихий онг тушунчасининг таърифи ва тавсифи хусусидаги кузатишларимиз шуни кўрсатдики, мазкур тушунчанинг таркибий тузилишини ва унинг функцияларини таҳлил қилмасдан туриб тадқиқот мақсадларига эришишнинг имкони бўлмас экан.

⁴⁷ Бьюкенен П. Смерть Запада . – Москва: АСТ, 2003. – С.78.

⁴⁸ Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 49.

⁴⁹ Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 54.

1.2-§. ТАРИХИЙ ОНГНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Ҳар қандай илмий социологик тадқиқот турли методлар, яъни усуллар ёрдамида амалга оширилади, бу усуллар мажмуаси «инструментарий» деб аталади ҳамда уларга конкрет мўлжаллар, ёндашувлар, билиш учун қўлланиладиган тартиб-қондалар киритилади.

Социологияда бошқа фанларнинг, хусусан психология, демография, тарих, география, математика, статистика методлари кенг қўлланилади. Социологик тадқиқот турли «тип», яъни шакл, кўриниш, йўналишда бўлиши мумкин. Одатда қуйидаги тадқиқот типлари алоҳида ажратиб кўрсатилади: назарий, эмпирик, амалий, баёний, прогностик, дала тадқиқотлари, лаборатория, клиник ва ҳ.к.тадқиқотлар.⁵⁰ Турли ижтимоий ҳодисаларни, хусусан, бизнинг мавзу бўйича тарихий онгни социологик жиҳатдан тадқиқ қилиш учун кузатиш, оммавий сўров, эркин интервью, жуфтлаб киёслаш (русча – парное сравнение), киёсий-тарихий, ахборот тўплаш, танлаб сўров, мантикий-экспериментал, лингвистик, контент-таҳлил методлардан фойдаланилади.

Тадқиқот объектининг социолог қамраб оладиган қисми ўзгарувчан кўрсаткичлар бўлиб, буларга микдорий, яъни ўлчаса бўладиган, одамнинг жинси, ёши, касби, даромади, оиласи, мавқеи кабилар киради. Тарихий онг феноменини социологик тадқиқ этиш унинг структурасини ўрганиш, ички компонентларини билишдан бошланади.

Тарихий онгнинг структураси. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки жараённинг ички тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро алоқалари, боғлиқлиги ҳамда шу тизим бажарадиган (унга юкланган) вазифаларни ўрганиш структурали-функционал таҳлил орқали амалга оширилади. Янги давр фалсафасида жамиятнинг структурали таҳлилинини XIX асрда инглиз олими Герберт Спенсер бошлаб берди. Унинг социологик концепцияси жамиятни доимо мувозанатга интиладиган ўзига хос тирик

⁵⁰ Қаранг: Кравченко А.И. Социология. – Москва, 1999, стр. 29-39; Э.Гидденс. Социология. – Тошкент, 2002, –Б.764.

организмга қиёс қилиш билан ажралиб туради. Мувозанат нормал ҳаёт фаолиятининг шарти ва заминидир, «социал агрегат» бўлган жамият эса, индивид каби турли ҳаёт фазаларини ўтайди: ўсиб боради, мураккаблашади, ичдан табақаланади ва қисмларининг бир-бирига боғлиқлиги ортиб боради. Лекин Спенсер жонли организм билан жамият орасидаги туб фарқларни эътиборга олмаган, ҳар қандай жамият эволюцияси асосида ижтимоий тафовутларнинг «мультипликация»си, яъни ортиб бориши ётади, деб таъкидлаган.

Структурали-функционал метод ривожига Т. Парсонс, Р. Мертон каби социологлар беқиёс ҳисса қўшдилар. Айниқса, Парсонснинг структурали ёндашув жамиятнинг статик ҳолатини, функционал ёндашув эса унинг динамикаси, ривожланиш жараёнларини чуқур англаб етишга йўл очиб беради, деган қарашлари тарихий онгни таҳлил қилиш учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Биз ўрганаётган тарихий онг категорияси мураккаб тузилиш, шаклланиш, ривожланиш йўллари, усул ва воситаларига боғлиқ тарзда ички структурага эгадир. Фанда ижтимоий онгнинг икки даражаси – кундалик эмпирик онг ва ижтимоий-психологик назарий онг даражасига ажратилгани каби тарихий онг ҳам бир неча босқич ва даражаларга бўлинади. Мисол учун, кундалик тарихий онг даражасини олсак, тарихий онгнинг бу даражаси ҳар бир индивиднинг ўз ҳаётий тажрибаси, умри давомида тўтлаган, ўзи билган ва эшитган, баъзан иштирок этган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги бирламчи тасаввурлари, таассуротлари, хотира ва хулосаларидир. Ҳаёт давомида тўпланган таассуротлар, фикр-мулоҳазалар, уларга нисбатан муносабатни билдирувчи баҳолар вақти келиб хотирада мустаҳкамланади. Бу онг даражасида тарихий фактлар ҳали бир тизимга солилмаган, умумий тарихий жараённинг боришини қамраб олмаган бўлади. Ҳар қандай ижтимоий бирлик – халқ, миллат, элат ўзининг келиб чиқишини муайян бир тарихий давр (ҳодиса, шахс ва ҳатто мифологик образ) билан боғлаб талқин қилади, ўтмишда юз берган муҳим воқеалар, буюк (ёки ўзи буюк санаган) шахслар тўғрисида, кўп ҳолатларда

муболағали ва идеаллаштирилган ҳикоялар тўқийди, ўзининг кишилиқ тарихидаги ва бошқа халқлар билан қиёси тўғрисида маълум бир тасаввурларни яратади ва хотирада сақлайди. Бундай тасаввурлар, биринчи навбатда, турли тарихий ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар, эртаклар, асотирлар туфайли мавжуд бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этади ҳамда унинг ўз-ўзини ифодалаш ва ўз-ўзини намоён қилишнинг муҳим усулларидан бири ҳисобланади⁵¹.

Тарихий онгнинг таркибий тузилишини ўрганишдан аввал унинг шаклланиш даражаларига диққатни қаратиш муҳим. Илмий адабиётларда унинг тўрт даражаси мавжудлиги ҳақидаги фикр кўпроқ оммалашган.

Тарихий онгнинг биринчи (қуйи) даражаси шаклланиши бевосита ҳаётий тажрибани тўплаш асосида юз беради. Инсон ҳаётининг болалик даврлариданок шакллана бошлаган тарихий онг асосан кундалиқ ҳаётий, тизимлашмаган билим, кўникма, шунингдек ўтмиш ҳақидаги маълумотлар ҳамда турли оилавий маросимлардан олинган таассуротлар кўринишида бўлади. Аммо у, аниқ бир таркибий тузилмага асосланмагани учун шахсда тўлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади. Шунинг учун инсонда қуйи даражада шаклланган тарихий онг табиий ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, тарихий хотирада мустаҳкамланмаса-да, аммо у кейинги ривожланиш босқичлари учун пойдевор вазифасини бажариши билан ажралиб туради.

Тарихий онгнинг иккинчи (ўрта) даражасида шахснинг олам ҳақидаги билим ва кўникмалари турли урф-одат, маросим ва анъаналардаги иштироки, ота-онаси ёки ўзидан катталардан олган маълумотлари, бадий адабиёт, кино, театр, радио, телевидение, меъморий обидалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари таъсири остида шаклланиши мумкин. Аммо тарихий онгнинг бу даражаси ҳам ҳали тизимга солинган билимга айланмайди.

Тарихий онгнинг учинчи (юқори) даражаси мактабда олинган тарихий билимлар асосида шаклланади. Таълим жараёнида шакллантирилган тарихий

⁵¹ Қаранг: Раҳмонов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 21.

онг ўтмиш ҳақидаги билимларнинг ривожланишига, мустаҳкамланишига ва уларнинг аниқ бир тизимга тушишига ҳамда тафаккурда чархланиб, хотирада сақланиб қолишига имкон беради.

Тарихий онг шаклланишининг тўртинчи (олий) даражаси инсон ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш, тарихий тараққиёт тенденцияларини пайқай олиш қобилиятига эга бўлганда юзага келади. Бу даврда киши ҳар томонлама мукамал шаклланган, инсоният жамиятининг ривожини таъминлайдиган ҳаракатлантирувчи кучларни яққол тасаввур этадиган, ўтмиш ҳақида тўплаган тарихий билимлари негизида тарихий дунёқараши вужудга келган бўлади.

Тарихий онгнинг назарий даражада шаклланиши ҳамда ривожланиши тарихий категориялар ёрдамида фикрлашга, тарихий жараёнларни динамикада, хронологик изчилликда ва замон нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқликда тушунишга кўмаклашади. Бу даражадаги тарихий онг билан фанлар тизими, биринчи навбатда, тарих фани шуғулланади. «Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги ҳамда инсониятнинг пайдо бўлиши, тадрижий эволюцион такомил жараёни ва бошқаларни ўрганеди»⁵².

Тарих фани инсониятнинг ибтидоси, эволюцияси, ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан бир қаторда ўтмиш ҳақидаги билимларни индивид онгида мустаҳкамлаш орқали унинг тарихий хотирасини шакллантиради. Шу тариқа тарихий онгнинг ички структуравий компонентлари зуҳур бўла бошлайди.

Умуман, илмий адабиётларда қайд этилишича, тарихий онгни ички бўлақларга бўлиб ўрганилганда социолог-тадқиқотчи унинг қуйидаги таркибий элементларига алоҳида эътибор қаратиши лозим: тарихий қараш,

⁵² Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юрглариининг номутахассис талабалари учун дарслик) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 11.

тарихий идрок, тарихий тасаввур, тарихий хотира, тарихий тафаккур, тарихий маданият ва х.к.

Тарихий қараш тарихий онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. У, биринчидан, ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий тарих нуқтаи назаридан, яъни қандай бўлса шу ҳолича эътироф этиш ва баҳолашни, иккинчидан, индивиднинг муайян мафкуравий платформадан, муайян позициядан туриб тарихга муносабатини билдиради. Шу жиҳатдан тарихий қарашда объективлик ва субъективлик доим бирга иштирок этади-ки, бу ўтмишни ўрганиш ва унга баҳо бериш жараёнида тадқиқотчидан ҳушёрликни талаб қилади.

Тарихий онгнинг мукамал бўлишида унинг барча элементларининг фаоллиги жуда муҳим. Хусусан, тарихий қараш билан бирга *тарихий идрок* ва *тарихий тасаввур*нинг иштирокисиз *тарихий хотиранинг* шаклланиши мумкин эмас. Бунда тарихий идрок воқеа ва ҳодисаларни тарихий қараш воситасида қабул қилиб ва ўзлаштириб тарихий тасаввурга айланади, тасаввур эса жамланиб, кристаллашиб тарихий хотирани ташкил этади.

Тарихий маданият тушунчаси эса тарихий онг билан икки томонлама тақозодорлик муносабатида бўлади. Яъни тарихий онгнинг юксаклиги тарихий маданиятга эришганликни билдирса, ўз навбатида тарихий маданиятлилик тарихий онгнинг олий даражага кўтарилишини таъминлайди.

Онг ва унинг функциялари билан боғлиқ бу мураккаб ижтимоий-физиологик жараённинг кечиш механизми тарихчи ва психолог мутахассисларнинг алоҳида тадқиқотларини талаб қилади. Биз эса ўз ишимизда тарихий онг ва унинг энг муҳим элементи бўлган тарихий хотира тушунчаларига асосий диққатимизни қаратамиз.

Жамият ва индивид ҳаётида *тарихий хотиранинг* роли катта. Халқ, миллат тарихий хотирани йўқотар экан, келажакдан маҳрум бўлади. Келажак нафақат орзу ёки истак, балки билиш предмети ҳам бўлгани учун ўтмишни, масалан, Ўзбекистон тарихини тушуниш жараёни унинг зарурий элементи

хисобланади. Бу унинг ўтмишни билиш бўғинигина бўлмай, балки келажигини прогноз қилишнинг таркибий қисми ҳамдир.

Тарихий онг ва тарихий хотира кўплаб фанларни, айниқса, энг аввало, тарихни ўрганиш жараёнида шаклланади. Тарихий онг ва тарихий тажриба ҳар қандай жамият учун улкан назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан 2002 йилда илмий асарлар туркуми чиқарилиб, шунингдек таникли олим Юрген Страубе таҳрири остида «Наррация, идентичность и историческое сознание» (Наррация, идентиклик ва тарихий хотира) китоби нашрга тайёрланиб, Европада олимларнинг эътибори ушбу муаммога қаратилгани бежиз эмас.⁵³

«Тарихий хотира, умумий ҳолда, ўтмиш тажрибасини ўзлаштира олиш қобилиятини англатади», – деб ёзади Д.Абдуллажонов.⁵⁴ Аслида, ўтмиш тажрибасини ўзлаштира олиш, ундан келажакдаги фаолият учун хулоса ва сабоқлар чиқара олиш қобилияти хотирага эмас, тарихий тафаккурга тааллуқли. Хотира тушунчаси илгари содир бўлган воқеа-ҳодисалар, орттирилган билимлар ҳақидаги маълумотлар базасини англатади. Аммо, илмий адабиётларда тарихий хотиранинг моҳияти етарлича очиқ берилмаган, деган фикрга қўшилиш мумкин.

Тарихий хотира тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил ва турли савияда. Масалан, «Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат»да «тарихий хотира миллий ғурур ва ифтихор хиссининг заминларидан бири»⁵⁵ – деган фикрни учратиш мумкин. А.А. Қурбонмамедовнинг фикрича, «тарихий хотира дейилганда жамиятнинг моддий-маънавий ҳаёти доирасида қўллаш мумкин бўладиган, шахснинг ҳаёти ва фаолиятини инсонийлаштиришга имкон берадиган халқ, миллатнинг ўтмишдаги ижобий тажрибаларининг мажмуи тушунилади.»

⁵³ Қаранг: Курарцева М.А., Колосеев Е.Н. Историография и историческое мышление. // Вестник Московского университета. Москва, 2004. - № 2. – С. 31-49.

⁵⁴ Дилором Абдуллажонов. Миллий тарихий хотира: моҳият ва талқин. // Жамият ва бошқарув, № 4. 2004. – Б.49.

⁵⁵ Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. –Тошкент: Шарқ. 2000. – Б.207.

«Биринчидан, – деб таъкидлайди Д.Абдуллажонова, – кайд этилган ҳолатларда «тарихий хотира» ҳақида фикр юритилган бўлсада, аслида «миллий тарихий хотира» тавсифланганини кўриш мумкин. Бу эса, ҳозирда мазкур икки тушунчанинг мазмуни аниқ белгилаб олинмаганидан, «тарихий хотира»нинг қамров доираси сунъий тарзда торайтирилаётганидан, унинг субъектига кўра фарқланувчи ўзига хос шакли – «миллий тарихий хотира» билан айнанлаштирилаётганидан далолат беради.

Иккинчидан, юқоридаги чалкашликни инобатга олмаганда ҳам уни «миллий ғурур ва ифтихор хиссининг заминларидан бири» дейиш бир ёқламалиқдир. Чунки бундай ҳолатда тарихий хотира фақат позитив мазмунга эга бўлиб қолади. Ваҳоланки, унда ғурурланиш учун замин бўла олмайдиган, негатив ходисалар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқорида кайд этилган фикрларда тарихий хотиранинг ўзига хос, специфик ҳодиса сифатидаги моҳияти очилмай қолганини ҳам таъкидлаш зарур. Шундай бўлсада, улар тарихий хотиранинг ўзига хос хусусиятларини, миллий тарихий хотирадан фарқли жиҳатларини тушуниб олиш имконини беради.⁵⁶

А. Насриддинов, «тарихий хотира, ҳар бир халқ, миллат ўзининг замон ва макондаги ўрнини, насл-насабини, ўзлигини англаши, ўзининг ҳақиқий тарихини, маънавият ва маданияти жиҳатидан келиб чиқишини, инсоният тарихида тутган ўрнини, унинг ривожига кўшган ҳиссасини, ўзининг миллий ифтихорини, ғурурини мустақил ва холисона англаб олишидир»⁵⁷ – деган таъриф беради.

Биринчидан, мазкур таъриф йигма характерга эга бўлгани учун унда миллий тарихий хотиранинг туб моҳияти очилмай қолган. Иккинчидан, жиддий эътибор берилса, «миллий ўзини ўзи англаш» ва «миллий тарихий хотира» тушунчаларининг мазмуни айнанлаштирилаётганини кўрамиз. Учинчидан, тарихий хотира миллатнинг «ўзининг ҳақиқий тарихини»

⁵⁶ Абдуллажонова Д. Миллий тарихий хотира: моҳият ва талқин. // Жамият ва бошқарув, №4. 2004. – Б.49.

⁵⁷ Насриддинов А. Давр ва ижтимоий-фалсафий мерос. // Мулоқот, 1999, №4. – Б.13.

«инсоният тарихида тутган ўрни», «миллий ифтихорини, ғурурини мустақил ва холисона англаб олиши» билан боғланган. Муайян ҳолларда миллат ана шу ўрнини тўла маънода англаб етолмаслиги ҳам мумкин.

Тарихий хотирада унинг субъектининг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолда ўтмиш ҳақидаги барча сараланган билим ва тасаввурлар жамланади. Шунингдек, ворисийлик қонуниятига кўра, аجدодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос сақланиб, кейинги авлодларга етказилади. Бу «занжир» жараёнида тарихий хотира ўтмиш ҳақидаги билимларни ўзида сақловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тарихий хотира янги ахборотларни қайта ишлаш орқали муттасил ривожланиб боради ва у моҳиятан ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилган бўлади. Тарихий хотирага тегишли бўлган юқоридаги хусусиятлар унинг субъектига кўра фарқланувчи шакллари ҳам ҳосилдир. Лекин бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, миллий хотира, бир томондан, тарихий хотирадан торроқ, иккинчи томондан, чуқурроқ мазмунга эгаллигини айтиш лозим. Шу нуқтаи назардан, илмий асарларда миллий тарихий хотиранинг моҳияти масаласида билдириладиган фикрлар ҳам бир мунча баҳсли эканини қайд этиш керак.

В.И. Мучник бундай деб ёзади: «Тарихий хотира ўз моҳиятига кўра муайян халқ, мамлакат, давлатнинг аввалги тажрибасини ташкил этиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаб чиқариш жараёнининг ифодаси бўлиб, бундан кўзланган мақсад мазкур тажрибадан одамларнинг фаолиятида фойдаланиш ёки унинг таъсирини ижтимоий онг сферасига қайтаришдир»⁵⁸

Тарихий хотира халқ оғзаки ва ёзма ижоди негизида, ҳар бир халқ маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлган турли хил ривоятлар, афсона ва эртаклар асосида шаклланади.

⁵⁸ Мучник В. М. Историческое сознание на пороге XXI века. От Логоса к мифу // Методологические и историографические вопросы исторической науки. (Томск: Изд-во Томского ун-та). 1999. Вып. 25. С. 114.

Тарихий хотира халқ миллий характерининг намоён бўлиши, ўтмишдан олинган бўлса ҳам, лекин аслида келажакка, янги авлодларга даъват ва мурожаат сифатида ўзликни англашини ифода этиш усулидир.

Ҳар бир халқ ижодида эзгулик ва олижаноблик, мардлик ва қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тараннум этилган. Афсонага айланган қаҳрамонлар, эпосларда куйланган жасур ўғлонлар юрт озодлиги учун кураш, ҳақиқат ва адолат тантанаси йўлида мардлик кўрсатиш тимсолига айланган. Эзгулик ва ёвузлик кураши муқаррар равишда эзгуликнинг ғалабаси, қора кучларнинг тор-мор этилиши билан якун топган. Ҳеч бир халқ ёвузлик ва разолатни, ўғрилиқ ва ғирромликни, сотқинлик ва ҳасадўйликни ёқлайдиган ёки оқлайдиган эртак ё ривоят яратган эмас.

Айни пайтда ҳамма халқ ва элатларнинг ўтмиши фақат ижобий ҳодисалардан, юксак ахлоқий кадриятлардан иборат дейиш ҳам тарихий ҳақиқатга ҳилофдир. Жанубий Мексика худудида яшаган ацтеклар ҳар ҳафтада юзлаб, минглаб асирларни ўз худолари Коаттеокль шарафига сўйиб қурбон қилганлар⁵⁹, Африка, Полинезиядаги қабилаларда 19 - асргача ҳам каннибализм – одамхўрлик учраб турар эди.

Ўтмишда юз берган минглаб, миллионлаб воқеа-ҳодисалар, яшаб ўтган миллиардлаб одамлардан ҳаммаси ҳам тарихий хотирада сақланиб қолмайди, бундай бўлиши мумкин ҳам, зарур ҳам эмас. Табиий савол туғилади: қандай воқеалар ёдда сақланади-ю, қандайлари унутилади?

Янги давр бошланганда кечаги кун тарихий хотирасида устувор бўлган ўтмиш қаҳрамонлари ва кадриятлари трансформацияга учрайди, янги кун манфаатлари, эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қайта баҳоланади.

Тарихий хотиранинг долзарблиги ва ажратиби олиш хусусиятининг асосий сабаблари: тарих тўғрисида билимлар (ҳар қандай билим эмас, айнан, танлаб олинаётган билимлар) ҳозирги даврдаги воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш, чуқур тушуниш учун аҳамиятли бўлиш билан бир вақтда келажак учун ҳам тарихий тажрибанинг таъсири, кадри борлигидадир.

⁵⁹ Қаранг: Кривелев И.А. История религий. Т.1. – Москва: Мысль, 1976. – С.243.

Д. Абдуллажонова тарихий хотира селектив хусусиятга эғалигини кайд этиб, «тарихий хотирада санъат, урф-одат, маросимлар билан боғлиқ ахборотлар сараланган тарзда жамланади ва сақланади»⁶⁰, – дея таъкидлайди.

«Фалсафа қомусий лугати»да берилган таърифда унинг умумий жиҳатларига эътибор қаратилади: «тарихий хотира – аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва қундалиқ амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, кадрланиши.»⁶¹

Бошқа тадқиқотчилар эса тарихий хотиранинг бажарадиган функциясини очишга ҳаракат қилишган: «... инсон онгида шаклланган билим асосида ўтмишда рўй берган воқеаларни таҳлил этади, хулоса чиқаради, характерли томонларини қабул қилади, турмушга жорий этади ва жамиятнинг ҳозирги шароити билан солиштириб, қадрини белгилайди»⁶². Бизнингча, тарихий онгнинг мавжуд бўлиш шакли тарихий хотирадир. Бошқача айтганда, онг ва тафаккур – жараён, хотира эса шу жараённинг, образли ифодалаганда, «моддийлашуви» дир.

Тарихий онгнинг *функциялари* ҳақида гапирганда унинг ўта серкирралиги, ўзгарувчанлиги ва ҳаракатчанлигига эътибор қаратиш лозим.

Булардан энг муҳимлари:

- билиш функцияси;
- таълим бериш функцияси;
- дунёқарашни шакллантириш функцияси;
- тарбиявий-ахлоқий функцияси;
- миллатни жипслаштириш функцияси;
- маданий идентиклик (мансублик)ни сақлаш функцияси ва бошқалар.

Тарихий онг, ўз таркибига тарих, тарихий тафаккурни қамраб олиши билан маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

⁶⁰ Абдуллажанонова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2004. – № 2. – Б. 82.

⁶¹ Фалсафа. Қомусий лугат. - Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 389.

⁶² Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Маҳалла – тарихий хотирани тарбиялаш маскани. // Мулоқот. –Тошкент. 2003. – №3. – Б. 10.

биринчидан, тарихни англаш оркали инсон ўз шахсини баҳолайди, ўзининг кимлигини англайди, бугунги кундаги ҳаётининг мазмунини тушунади ва ўзининг келажак фалсафасини яратади;

иккинчидан, инсон тарихий тафаккурини шакллантириш оркали шахс сифатидаги ўз бетакрор феноменини вужудга келтиради ва дунёқарашини шакллантиради ҳамда ўзлигини англаш, ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша олиш қобилиятини юзага чиқаради;

учинчидан, тарихий онг буюк аждодлари билан фахрланиш, яхлит миллат эканини ҳис қилиш, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига ҳисса қўшиш, ўз мустақил давлати равнақига ҳисса қўшиш, Биринчи Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «маънавий жасорат» кўрсата олиш салоҳиятини тарбиялайди ва рағбатлантиради. Тарихий онг маънавий кудрат беради, ҳар бир фуқарони маънавий, руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилайди ва шуниси билан жамият тараққиётига хизмат қилади.

Гарчи ҳозиргача илмий асосланмаган бўлса-да, аммо тарихий онгнинг регулятив, когнитив, эвристик, гносеологик, интегратив, сегрегатив, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, психологик (мас., миллий ғурур), прогностик каби функциялари ҳам мавжуд бўлиб, булар ҳали фалсафий ва социологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган.

II БОБ. ТАРИХИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТДА ВОРИСИЙЛИК

2.1-§. МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЎҚУВЧИЛАР ТАРИХИЙ ОНГИ ЯНГИЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давриданок маънавиятни тиклаш, халқ онгини эски мафкуравий ақидалардан тозалаб, истиқлол ғояларини сингдириш, миллий тарихни янги асосда ўрганишга доир ишлар амалга оширилди. Хусусан, тарихга оид бир қатор ўқув қўлланмалари, дарсликлар, монографиялар чоп этилди. Буларни яратишда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Янги тарих» ғояси муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг Янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр қилиш тўғрисидаги қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Тарихни янги асосда ўрганишга сабаб – собиқ иттифоқ даврида миллий тарих тизимли тарзда йўқота борилган, партиявийлик ва синфийлик юқори ўринга кўйилган эди. Собиқ иттифоқ давридан қолган мафкура асосида яшаб бўлмаслигини тарихий тараққиёт кўрсатиб берди. Боиси шўролар даврида жамиятдаги барча жараёнлар «коммунистик» мафкура асосида амалга оширилган эди. Расман мустақил, лекин амалда марказга бўйсундирилган республикаларда халқ маънавияти, кадрияти умуман ҳисобга олинмади, қолаверса, ҳукмрон мафкура асосида жамият бошқариб келинди. Мустақилликдан аввал нашр этилган тарих, адабиёт дарсликлари асосан коммунистик мафкура тазйиқи остида, социалистик интернационализм руҳида ёзилган бўлиб, уларда миллийликка деярлик эътибор берилмас эди. Қолаверса, мактабларга мўлжалланган «СССР тарихи» дарсликларида асосан Россия тарихи ўқитилар, иттифоқдош республикалар тарихи ҳақида бир-икки ўринда номигагина сўз юритилар эди. Миллий тарихдан кўра большевиклар партиясининг ҳокимият учун кураши, 1917 йил инқилоби ва ундан кейинги давр кенг ёритилар эди. Халқимизнинг советларгача бўлган тарихи фақат қора бўёқларда битилган, салбий жихатлар бўрттириб кўрсатилган эди.

Турли миллат ва элатлардан етишиб чиккан мутафаккирлар хукмрон мафкура талабларига мос тушса, дарсликларга киритилган. Масалан, «Ўзбекистон ССР тарихидан хикоялар»⁶³ китобида Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино каби комусий олимлар хакида кискагина маълумот берилган, Имом Бухорий, Исо ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Замахшарий каби юзлаб буюк мутафаккир, мухаддис, уламолар тўғрисида эса лом-мим дейилмаган ва ўрганишга йўл қўйилмаган.

Буларнинг асосий сабабларини биз чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги истилочилик ҳаракати бошланишидан аввалги даврларидан излашимиз керак. Тадқиқотчилар фикрича, миллий яқдиллик бўлмаганда миллат инкирозга юз тутди, ўзга халқлар томонидан зўравонлик учун шароит юзага келади. Халқ бирлашса, жипслашсагина ўз тақдирининг эгаси бўла олади. Жумладан, миллий жипслик учун кучли бўлган Амир Темур хукмронлигидан фарқли равишда ундан кейинги даврда парокандалик бошланиб, ягона Туркистон парчаланиб кетади. Шимолий, Шарқий ва Жанубий Туркистон ҳудудлари ўзгалар томонидан истило қилинади. Натижада, таназзул ёқасига келиб қолиб, охир оқибатда чоризм истилосига дучор бўлди. Ўтмишдаги бу каби негатив ҳолатлар тарихнинг «аччиқ сабоқлари»дан хулоса чиқаришга ўргатади. Бундан ташқари, тарих сиҳифаларида позитив жиҳатлар ҳам мавжуд. Бинобарин, ўтмишга назар ташлар эканмиз, миллий яқдиллик орқали ижобий натижаларга ҳам эришилганини кўраимиз. Тарихий воқеаларни ўрганишда тўғри илмий-назарий, методологик асосларга таянишнинг аҳамияти жуда катта. Советлар хукмронлиги даврида тарихий тадқиқотлар, уни ўқитиш ва ўрганиш ишлари марксча-ленинча методологияга бўйсундирилди. Ҳар қандай воқеани ёритишга синфийлик, партиявийлик нуқтаи назарларидан ёндашилди. Тарихий воқеа-ҳодисалар камбағалларни ва

⁶³ Ўзбекистон ССР тарихидан хикоялар. —Тошкент: Ўқитувчи, 1989. — Б.17.

Йўқсилларни химоя қилгани тарзда, уларнинг манфаатларига мувофиқ ҳолда ёритилди⁶⁴.

Яқин-яқингача ўз маданий меросидан беҳабар бўлиб қолган миллатлар орасидан ўрин олган эдик. Бу бизнинг миллий лоқайдлигимиз билан белгиланган фожиа эмас, балки 135 йил давомида изчиллик билан амалга ошириб келинган мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов «Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини кадрлаш, унинг мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.»⁶⁵ деб бежиз таъкидламаган эди.

Чунки тарихий онгни шакллантиришга хизмат қилувчи тарих фани дарсликлари коммунистик мафкура ғоялари билан суғорилган бўлиб, уларнинг асл вазифаси социализм ва коммунизм қуриш йўлида партияга содиқ авлодни яратиш бўлган. Мактаб ўқувчиларига миллий тарихдан кўра СССР тарихи кўпроқ ўқитилар, уларга ажратилган соатларда катта тафовутлар бор эди. Мисол учун, собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар – Грузия, Арманистон, Латвия, Литва ва Эстониялардаги мактабларда миллий тарих махсус курс сифатида 180 – 212 соат ўрганилгани ҳолда Ўзбекистон мактабларининг V – X синфларида СССР тарихи курсининг «ажралмас» қисми сифатида 22 соат давомида ўқитилар эди⁶⁶. Тарих дарсликларидаги мавзулар ҳам ўша давр сиёсатига айнан мослаштирилган. Масалан, 1982 йил нашр этилган 9–10- синфлар учун «Ўзбекистон ССР тарихи» дарслигида «Ўрта Осиёнинг Россия таркибига қўшиб олинishi муҳим босқич бўлди»⁶⁷ деб ёзилади. Ваҳоланки, чор Россияси Ўрта Осиёни қўшиб олмаган, балки босиб олган эди. Бундай маълумотлар ҳозирги давр дарсликларида қуйидагича ёритилади: «XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Туркистонни мустамлака

⁶⁴ Усмонов Қ, Содиков М, Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи 1 – қисм. –Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 8.

⁶⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент. Ўзбекистон, 1996. – Б. 360.

⁶⁶ Қаранг: Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Университет, 2002. – Б. 5.

⁶⁷ Мусаев М. М., Ўрмонова Р. К Ўзбекистон тарихи (9-10- синфлар учун). – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 4.

асоратига солди. Подшо ҳукумати ўлкани сиёсий-худудий жиҳатдан забт этибгина қолмай, балки эрксевар захматкаш халқни маънавий-руҳий бўйсундиришга ҳаракат қилди»⁶⁸. «Совет тарих фани халқимизнинг асл тарихини сохталаштирди, дин илмга зид, тарихий тарққиётга тўсқинлик қилади, деган нотўғри тушунчани юзага келтирди»⁶⁹.

Айтиш керакки, собиқ иттифок мафкурачилари ўз мақсадларига маълум даражада эришдилар ҳам: вақтлар ўтиб ўқувчилар тарихий онгида миллий қадриятларни ўрганишга бўлган муносабат ўзгарди. Халқнинг тарихий хотираси коммунистик мафкура ғоялари асосида шакллантирилди, натижада ўз тарихини ўрганиш ундан фахрланиш туйғулари йўқолиб борди.

Собиқ иттифок даврида нашр этилиб, ўқитилган ижтимоий-гуманитар йўналишдаги дарсликларда ватан тарихини ўрганиш аниқ ва ишонарли тарихий фактлар асосида эмас, тарихий уйдирмалар асосида ёзилди, шу билан бирга дарсликларга коммунистик мафкура чуқур сингдирилган эди. Ўқувчиларни Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши билан ўзбек меҳнаткашларининг ижтимоий ва миллий озодлиқ учун, совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураши, ўзбек халқининг социализм ва коммунизм қуриш йилларидаги қаҳрамонона меҳнати билан таништириш, бу йўлда турли фактлар ва маълумотлар келтириш СССР тарихи курсини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, ўқувчиларни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационалиزمни руҳида тарбиялайди, деган мақсадда ёндашилди. Тарих мавжуд тузум нуктаи назаридан ёритилди. Лекин ҳар қандай даврда ёки жамиятда ҳам тарихни объектив ва илмий асосда, ҳолис ва одил ўрганиш муҳимдир. Зеро «Ҳар қандай жамиятда кишилар ўртасида ўзоро муносабатлар мураккаб ва турли-туман бўлади. Барча инсонпарварлик идеалига интилади, лекин уни ҳар бир киши осонлик билан бузиши мумкин. Жамиятнинг уйғун амал қилиши учун ҳар бир шахс хатти-ҳаракатларининг

⁶⁸ Тиллабоев С. Замонов Н. Ўзбекистон тарихи (9- синф) дарслик. –Тошкент: Шарқ, 2010. – Б.153.

⁶⁹ Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юр்தларининг номутахассис талабалари учун дарслик) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 7.

умумэътироф этилган идеал ва кадриятларга мос келиши катта аҳамиятга эга»⁷⁰.

Германия тарихчи олимлари билан ҳамкорликда яратилган монографияда немис олимларининг Ўзбекистон тўғрисидаги самимий, айна пайтда объектив фикрларига эътибор беринг: «Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ҳозирги Ўзбекистон ва Марказий Осиё худуди инсоният цивилизациясининг энг қадимий бешиклари сирасига киради. Ўтган XX асрнинг ажойиб археологик топилмалари бунинг яққол исботидир. Сўнги юз эллик йил мобайнида минтақада тарих саҳнасининг асосий қаҳрамонлари ҳам, унинг ёзилишини ўз кўлига олганлар ҳам бегоналар бўлдилар. Ўша давр тарихчиларининг ўтмишни илмий ўрганишга қўшган ҳиссаларини заррача камайтиришга уринмаган ҳолда шуни айтиш керакки, ҳеч қайси мустамлака давр тарихшунослиги миллий тарихни ёритишда мустамлакачилар чизган чизикдан чиқаолмаган. Ушбу фикр, айниқса, методологияда бир тарафламалик ва манбаларни баён этишда мафкуравий яккахокимлик туфайли ўзбек халқи тарихининг энг муҳим босқичлари хусусидаги тадқиқотларни қатъий чегарада тутган совет даврига тегишли. Бу даврда устувор мафкура тамойилларига ёт бўлган тарихий манбалардан фойдаланиш таъқиқлаб ёки, ҳеч бўлмаганда, кийинлаштириб қўйилди. Мактаблар ва бошқа таълим муассасаларида тарих дарсларининг жуда оз қисмигина Ўзбекистон ва минтақа тарихига, шунда ҳам уларнинг совет давридаги ривожини ёритишга қаратилган эди.

Юқоридаги сабаблар туфайли мустақиллик давридан бери Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатларида ўз тарихини янгидан ва чуқурроқ ўрганишга иштиёқ билан киришилди. Тарихга нисбатан бундай фаолликни минтақада юз берган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар туфайли халқларнинг тарихий онгида рўй берган силкиниш, уларнинг ўсиб бораётган миллий ўзлиги билан боғлаш мумкин»⁷¹. Ўқувчи ёшларда тарихий онг ва тарихий

⁷⁰ Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б.16.

⁷¹ Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.4-5.

хотирани фаол шакллантириш имконини берадиган, шахснинг жамиятга мослашуви, яъни ижтимоийлашувининг муҳим ағенти ҳисобланган социал институт – бу мактабдир. «Тарих фан сифатида алоҳида шахснинг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам маънавий ривожланишининг ажралмас элементи ҳисобланади.»⁷²

Тарихий жараён тўғрисидаги мунтазам билимлар мактабда тарих дарсларида эғалланади, бунда ўқувчилар ўтмиш тўғрисида илк бор бир тизимга солинган тарзда тасаввур ҳосил қиладилар. Бунда тарихий фактни билиш ҳали илмий билим бўлмади, уни тушуниб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этилади, шундагина фактлар тарихий жараённинг яхлит концепциясига қўшилади.

Ўзбекистонда мактабдан ташқари таълим, кўп минтақалардан фарқли ўлароқ, яхши йўлга қўйилган, тарихий билимларни ҳар бир шахс томонидан бир тизим ва тартибга солиш учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Катта ёшдаги аҳоли турли тўй ва маъракаларга бағишлаб ўтказиладиган «амру-маъруф», «наҳйи-мункар» тадбирларида турли мавзуларга, шу жумладан тарихий мавзуларга доир билимлардан хабардор бўлади. Гап-гаштак, гузарлар, чойхоналардаги суҳбатлар, оилавий маросимларда ҳам тарихий мавзу тез-тез кўтарилиб, ваколатли (компетентли) кишилар, олим ва мутахассислар фикри кизиқиш билан қабул қилинади.

Зеро, мамлакат, халқнинг асосий ривожланиш даврларини асл ҳолида инъикос эттирувчи тарихий онг, тарихий хотира мунтазам, тўлиқ, ҳис-туғғуга берилмай ва тарихий фактлар ўрнига ҳаёлот ва тусмоллар келтириладиган сохталаштиришга уринишларсиз бериладиган объектив тарихий ахборотсиз шаклланмайди.

Тарих фан сифатида бир қатор функцияларни бажаради. Буларнинг энг муҳимлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

⁷² История Узбекистана. // Под. ред. В.Л. Гентше и др. –Тошкент: Университет, 2002. – С.4.

Тарих фанининг функциялари

Билиш функцияси	мамлакат тарихини ва унинг ривожланиш тамойилларини ўрганишдан иборат
Дунёқараш функцияси	тарихни ўрганиш кишининг дунёқараши шаклланишига кучли ва жиддий таъсир кўрсатади, бинобарин, кишининг оламга ва ўзининг ундаги ўрнига қарашлари у ўрганаётган тарихнинг ҳаққонийлигига ёки бузилганлигига боғлиқ
Тафаккурнинг тарихийлигини шакллантириш функцияси	жамиятни ривожланишда, ўзгаришда кузатиш, ҳозирги замонда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг ўтмиш воқеалари билан нисбатини аниқлаш имконини беради
Тарбиявий функция	ўз мамлакатининг ҳақиқий тарихини ўрганиш ватанпарварлик, ўз халқига мансублигидан ифтихор туйғуси, Ватанига муҳаббат сингари фазилатларни тарбиялайди
Амалий-сиёсий функция	тарихни, ўз ўтмишини билиш тарихий жараёнларни тушунишга асосланган объектив, босиқ қарорлар қабул қилиш, шунингдек, тарих мафқуравий кураш курали эканлигини унутмаган ҳолда жамиятнинг ривожланиш йўллари прогност қилиш имконини беради

Тарих ўз функцияларини аввало мактабдаги таълим жараёнида амалга оширади. Мактаб тарих курсининг таълимий вазифаларини аксарият методист олимлар (чунончи, россиялик етакчи мутахассис А.А. Вагин⁷³) қуйидагича таснифлайдилар:

1. Ўқувчилар тарихий жараёни ва тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичларидаги ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини характерлаб берувчи муҳим тарихий тасаввурлар системасини ҳосил қилиши лозим.

2. Тарихий фактларни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар тарихдаги асосий воқеаларни, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда уларнинг

⁷³ Қаранг: Вагин А.А. Методика преподавания истории в средней школе. – Москва: Просвещение, 1968. С.8-9.

ривожланиб боришини акс эттирувчи конкрет тарихий тасаввурлар тизимини ҳосил қилишлари лозим.

3. Ўқувчилар мактаб тарих курсидаги муҳим тарихий тушунчаларни пухта ўзлаштириши, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятларини мукаммал тушуниб етиши, тарихни ўз ёшига қараб илмий асосда тушуниши лозим.

4. Ўқувчилар тарих курсидан олган билим ва малакаларини янги тарихий материалларни ўрганишда, ўтмиш ва ҳозирги замон воқеаларини тушунишда, кундалик ижтимоий ишларда, ҳаётда қўллай билишлари лозим.

5. Ўқувчилар тарихий материал билан, ҳар хил матнлар (дарслик, тарихий ҳужжатлар, илмий-оммабоп адабиёт, сиёсий рисоалар, газета ва журналлар), карта ва иллюстрациялар билан ишлай билиши, режа туза олиши, тарихий материални тизимли ва асосли тарзда баён қила билиши, айрим тарихий мавзуларда ахборот бера олиши, маърузалар қила олиши лозим.

Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири ҳам миллатимизнинг истеъдоди, қобиляти, кадр қимматини жаҳонга тўлароқ намоён этиш, ёшларни тарихий мерос ва қадриятларимиз билан яхшироқ қуроллантиришдир. Бунинг учун миллий ғояга таяниш лозим. Маълумки, миллий ғоя – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. «Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради»⁷⁴.

Кўринадики, миллий ғоя билан тарихий онг бир-бирини тақозо этадиган тушунчалар сифатида намоён бўлади. Тарихий онги шаклланган шахснинг

⁷⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 666.

миллий ғояни ўзлаштириши, уни эътиқодга айлантириш жараёни ўз-ўзидан, табиий равишда кечади ёхуд аксинча.

Тарих ўтмиш воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки катта тарбиявий омил ҳисобланади. Тарихий воқеаларни билиш асосида кишиларда ўз халқига нисбатан хурмат, муҳаббат туйғулари шаклланади, ёшлар ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланишни ўрганадилар, шу асосда миллий ифтихор сингари етук маънавий фазилатлар шаклланади, миллий онг ўсади, дунёқараш мустаҳкамланади.

Ўқувчи ёшларнинг жамиятга мослашуви, яъни ижтимоийлашувида тарихий онг ва тарихий хотиранинг аҳамияти бекиёсдир. Таълим ва тарбиянинг бош вазибаларидан бири жамиятдаги барча тонфа кишиларини, хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг қарийиб 65 фоизини ташкил қилувчи ёшларни она-Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб вояга етказишдир. Бу ўз навбатида замонавий билимлар орқали ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақазо этади⁷⁵.

Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ёшлар орасида конкрет-социологик тадқиқотлар ўтказиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, бундай сўровларнинг муайян қисми тарихий онг ва тарихий хотира мавзусини ҳам четлаб ўтмаган. Ўткир Қаюмов ва Дилара Енгулатова «Ўзбекистон ёшлари социологик тадқиқотлар кўзгусида»⁷⁶ номли мақоласида 2001 йил ўтказилган, 14 – 29 ёшгача бўлган 2000 га яқин йигит-қизлар қамраб олинган сўровлар натижаларини таҳлил қилиш давомида бизнинг мавзуга доир бир қатор хулосаларни баён этадилар. Конкрет социологик тадқиқотлар натижалари ёшлар дунёқарашини шаклланишини, уларнинг ҳаётий мўлжаллари, интилиш ва мақсадлари мустақиллик йилларида кескин ўзгарганини қайд этади. Ёшларни энг

⁷⁵ Қаранг: Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври) 3- китоб. –Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 624.

⁷⁶ Қаранг: Қаюмов У., Енгулатова Д. Молодежь Узбекистана в зеркале социологических исследований. Ижтимоий фикр// инсон ҳуқуқлари. 2002. № 2 – Б. 97–100.

қизиктираётган истиқбол учта: 1) ишга жойлашиш; 2) ўқишга кириш; 3) иқтисодий мустақилликка эришиш.

Тарихий онгни шакллантириш фақат билим (ахборот) доирасини кенгайтириш эмас, келажакка ишончни ҳам мустаҳкамлашдир. Америкалик психолог Абрахам Маслоунинг хозиргача кўп дарсликлардан жой олиб келаятган «инсон эҳтиёжлари иерархияси»да табиий эҳтиёжлардан кейинги ўринда тинчлик ва хавфсизликка бўлган эҳтиёж, эртанги кунга ишонч эҳтиёжи туради, деб ҳисоблайди. Жамиятни ички низолар, синфий курашлар, фуқаролик урушлари, миллатлараро ва динлараро можаролар емириб ётган бир шароитда келажакка ишонч кескин пасаяди, бугунги куннинг ташвиши эртанги кунга катта умид боғлаб, улкан режалар тузишга йўл бермайди. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, «Ғарбнинг ҳалокати» асари муаллифи Патрик Бьюкенен кейинги ўн йилликларда америкача ватанпарварлик сусайиб бораётганини ташвиш билан қайд этади. «Ота-оналаримиз ёш бўлган пайтда, – деб ёзади сиёсатшунос, – 89 фоиз америкалик эркак ва 94 фоиз хотин-қиз Американи Ер сайёрасидаги энг буюк давлат деб тан олишган эди. Бугунги кунда 58 фоиз эркак ва 51 фоиз аёл Америка дунёдаги энг яхши мамлакат»⁷⁷ деган фикрда.

Истибод даврида тарихимизни мустақил, холисона англаш имкониятига эга эмас эдик. Бироқ бу мазкур даврда умуман, миллий тарихий хотиранинг мавжуд бўлмаганини билдирмайди, балки унинг бир ёқлама ривожланишини кўрсатади.

Ўтган чорак аср давомида мустамлакачилик ва совет тузуми даврида келиб чиққан ғафлат уйқусидан тезроқ уйғонишга интилиб келдик, лекин очик эътироф этиш керак, бу йўлдаги муваффақиятларимиз мақтанарли эмас. Миллатимизнинг истеъдоди, интеллектуал имкониятларини, кадр қимматини жаҳонга тўлароқ намоеън этиш, ёшларни тарихий мерос ва қадриятларимиз билан яхшироқ қуроллантириш борасида ҳали қиладиган ишлар талайгина. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан 2014 йилнинг 15–16

⁷⁷ Бьюкенен П. Смерть Запада. – Москва: АСТ, 2003. С.89.

май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарк алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция салмоқли саъй-ҳаракатлардан бири экани билан кишини қувонтирган бўлса, Президент Ш.М. Мирзиёевнинг кўплаб бунёдкорлик ташаббуслари билан бир қаторда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 мартдаги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги қарорлари ва «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги фармони қабул қилиниши шонли тарихимизни бугунги авлодлар учун чин маънода жонлантириш сари қўйилган дадил қадамлар бўлгани билан аҳамиятлидир.

Миллий тарихни ўрганиш миллий ўз-ўзини англашга олиб келади. «Миллий ўзликни англашни тиклаш миллий уйғонишнинг, жамият тараққиётининг муҳим шарти, жамият ҳаётида рўй берадиган маданий-маънавий ўзгаришларнинг асосларидан биридир»⁷⁸

Халқимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганишга бўлган бугунги интилиш табиий равишда миллий онгнинг ривожланишига олиб келади. Миллий онг, унинг ёшлар дунёқараши шаклланишига бевосита таъсир этадиган жиҳатлари хусусида фикр юритганда ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, унинг миллий онги ва психологиясида гавдаланишини эътиборга олиш лозим. Ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Этник онг ижтимоий онгга нисбатан конкрет тушунча бўлиб, унда уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, ижтимоий психологияси, дунёқараши намоён бўлади.

⁷⁸ Туленов Ж. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт. –Тошкент: Мехнат, 2000. – Б.28.

Миллий онг инсоннинг бирор-бир этник қатламга мансублигини ҳис этиши, ўз ўтмиши ва аждодлари ҳақида тарихий тасаввурга эга бўлиши, миллий анъана, маросим ва кадриятларни умуминсоний кадриятлар асосида англашидир. Мисол учун «тарихий хотира миллий онгнинг компоненти бўлгани ҳолда, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларининг ўрнини босмайди ва, айниқса, уларга зид келмайди, балки улар билан ўзаро муносабатда бўлади»⁷⁹, шу билан бирга «индивид томонидан ҳозирги замоннинг идрок этилиши хусусияти кўп жиҳатдан унинг ўтмишни тушунишига боғлиқ бўлади. Тарихий хотира халқнинг ижтимоий борлигини ривожлантириш истиқболини, яъни келажакни ҳам муқаррар равишда камраб олади, зеро келажак – ўтмиш ва бугунги куннинг муайян якуни, уларнинг оқибати ҳамда давомидир.»⁸⁰ Тарихий онг тарихий хотира асосида шаклланар экан, халқнинг миллий тарихий хотираси йўқолиши унинг келажаги барҳам топишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фаразлар мавжуд. Шу билан бирга, тарихий хотиранинг, айниқса, миллий тарихий хотиранинг шаклланишида, аввало, халқ оғзаки ижоди беқиёс аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим. Ҳар бир халқ ижодида эзгулик ва олижаноблик, мардлик ва қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тараннум этилган. Афсонага айланган қаҳрамонлар, эпосларда куйланган жасур ўғлонлар юрт озодлиги учун кураш, ҳақиқат ва адолат тантанаси йўлида мардлик кўрсатиш тимсолига айланган. Эзгулик ва ёвузлик кураши муқаррар равишда эзгуликнинг ғалабаси, қора кучларнинг тор-мор этилиши билан якун топган. Ҳеч бир халқ ёвузлик ва разолатни, ўғрилиқ ва ғирромликни, сотқинлик ва ҳасадгўйликни ёқлайдиган ёки оқлайдиган эртак ё ривоят яратган эмас. Аини пайтда ҳамма халқ ва элатларнинг ўтмиши фақат ижобий ҳодисалардан, юксак ахлоқий кадриятлардан иборат дейиш, ҳам тарихий ҳақиқатга хилофдир.

Ўтмишда юз берган минглаб, миллионлаб воқеа-ҳодисалар, яшаб ўтган миллиардлаб одамлардан ҳаммаси ҳам тарихий хотирада сақланиб қолмайди,

⁷⁹ Гулямова Д., Никитченко Г. Историческая память как объект изучения социологии. // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент: - 2001. - № 4. С. 99.

⁸⁰ Ўша жойда. С.99.

бундай бўлиши мумкин ҳам, зарур ҳам эмас. Табиий савол туғилади: қандай воқеалар ёдда сақланади-ю, қандайлари унутилади? Янги давр бошланганда кечаги кун тарихий хотирасида устувор бўлган ўтмиш қаҳрамонлари ва кадрятлари трансформацияга учрайди, янги кун манфаатлари, эҳтиёжлари нуктаи назаридан қайта баҳоланади. Тарихий хотиранинг долзарблиги ва ажратиб олиш хусусиятининг асосий сабаблари қуйидагилардир: тарих тўғрисида билимлар (ҳар қандай билим эмас, айнан, танлаб олинаётган билимлар) ҳозирги даврдаги воқеа-ҳодисаларни шарҳлаш, чуқур тушуниш учун аҳамиятли бўлиш билан бир вақтда келажак учун ҳам тарихий тажрибанинг таъсирчанлиги сақланиши зарурлиги.

Ўқувчилар тарихий билимларни ўзлаштиришга бўлган муносабат қониқарли эмаслиги уларда тарихий шахс ёки қаҳрамонларимиз ҳақидаги тасаввурлар заифлашиб қолишига олиб келмоқда. Бугунги кунда тарихга нисбатан бундай муносабат пайдо бўлишининг асоси борми, унинг илдизлари нимада? – деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Мактаб тарих дарсларида ўқитиладиган жамиятнинг тарихий онги ва тарихий маданияти ёш авлоднинг ижтимоий ўзлигига, сиёсий қарашларига ва маслақларига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Улар ҳар бир жамият ўз келажаги олдида ҳис этадиган масъулиятнинг бир қисмидир. Айниқса, бу жамият туб сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларнинг уддасидан чиқиши лозим бўлган пайтларда яққол намоён бўлади. Чунки бу ўзгаришлар натижасида одатга айланган тарих баёнидан воз кечиш ва янги тарихий ўзлиқни зудлик билан шакллантириш талаб этилади⁸¹. Тарихни жонлантириб кўрсатиш, унинг воқеалар кўринишидаги тақдмоти келажак авлодга тарихий билимларни етказишнинг самарали усулларида биридир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов «эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа – миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг

⁸¹ Тарих ва ўзлиқни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.7.

маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.»⁸² деб таъкидлаган эди. Бу вазифанинг уддасидан чиқишда нафақат тарих дарсликларини ўқишли, жозибали қилиб яратиш, балки, юқорида айтганимиздек, тарихни жонлантириб ёшлар эътиборига ҳавола этиш аниқ самаралар бериши мумкин. Бу дегани тарихни адабиёт ва санъат (айниқса, кино санъати) воситасида бадиийлаштириб тақдим этиш муҳим эканини билдиради.

2.2-§. ТАРИХИЙ ОНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ НЕГИЗЛАРИ

Ишимизнинг 1.2. фаслида тарихий онгнинг шаклланиш даражалари ҳақида гап кетганида турли даражадаги тарихий онгнинг шаклланиши учун индивидга турлича манба ва воситалар таъсир кўрсатиши хусусида қисқача тўхталиб ўтган эдик. Тарихий онг мураккаб ижтимоий-психологик феномен бўлгани боис уни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳам кўплаб ижтимоий-маданий асосларга таянган ҳолда кечади. Айтайлик, ўзбек халқининг маданий меросларидан бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган бўлиб, биз учун гўёки тирик тарих ифодасидир. Чунки тарихий маданий обидаларимиз узоқ ўтмишни эслатиб турувчи бир иншоотгина эмас, балки кишида миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ривожлантирувчи, ўтмиш ҳақида ҳолис тарихий маълумот берувчи, тарихий ватанпарварликни юксалтирувчи, қолаверса, жамият ҳаётидаги тарихий онгнинг ифодаси бўлмиш тарих маданиятини шакллантирувчи муҳим восита ҳам ҳисобланади. Қадимий ёдгорликларга бўлган қизиқиш қўхна ўтмишга нисбатан шунчаки бир ҳавас уйғотиш эмас, ота маконга, она-ватанга бўлган меҳр билан ҳам изоҳланади. Тарихий обидалар жамият маънавий ҳаётини

⁸² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.75.

янада бойитиб, ватанга, халққа, аждодларга нисбатан хурмат ва эҳтиром хиссини уйғотади. Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий тарихни тиклаш билан бир қаторда, маънавий-маданий кадриятларимизни ривожлантириш, тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Боиси, мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ Ўзбекистон жаҳон афкор оммасига ўзининг бой тарихи, маънавий кадриятлари, маданий меросини намоён қилиши зарур эди.

Тарихий маданий обидалар ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим ўрин тутди. Инсон ўз тарихини чуқурроқ билса, унинг моҳият-мазмунини англаб етсагина унда ватан туйғуси шаклланади. Ватанга, халққа хурмат-эҳтиром туйғусини уйғотишда эса тарихий ёдгорликларнинг аҳамияти бекиёс. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент ва бошқа қадимий шаҳарларимизнинг ёши 2000 – 2700 йилга тенглигининг эътироф этилиши ўлкамиз тарихи нақадар узоқ ва бой эканлигидан далолат беради. Шарқона услубда қурилган миллий меъморчилигимиз гўзаллигини намоён этган обидалар чор Россияси босқинига қадар 50 мингдан ортиқ бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Кейинги 135 йиллик мустамлака ва қарамлик даврида кўплаб тарихий обидалар: масжид, мадраса, саройлар вайрон этилди ёки харобага айлантилди. Тарихий обидаларни ўрганишга бўлган кизиқиш, интилиш, аввало, ёшларда ўз тарихига эҳтиром, ватанга муҳаббат, миллий гурур туйғусини шаклланишига ёрдам берса, иккинчи томондан ўзига нисбатан талабчанликка чорлайди. Тарихий маданий ёдгорликлар шахс тарихий онгининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Хуллас, кўхна обидалар инсонга эстетик завқ бериш билан бир қаторда, ахлоқий тарбия учун ҳам муҳим восита ҳисобланади. Тарихий меросни ўрганиш, ёшлар дунёқарашини ривожлантириш миллий анъана ва кадриятларимизни эртанги авлодга етказувчи кўприк вазифасини ўтайди. тарихий маданий ёдгорликларни халққа, айниқса, ёш авлодга ўргатиш орқали ортирилган

билим ва кўникмалар ёшларнинг тарихий онгини ривожлантириб, сайқаллаб боради.

Бундан кўринадики, миллий онг ва унинг асосий элементлари – тарихий онг ва тарихий хотира оддий ҳис-туйғу эмас, балки муайян даражадаги маънавиятга, ахлокий, ҳуқуқий маданиятга, илмий асосланган ғоялар ва мафкуравий қадриятларга, тарих тажрибасига асосланган эътиқоддир. Айтиш керакки, яқин йилларда тайёрланган ўқув қўлланма ва дарсликлар, гарчи миллий ғоя руҳида тайёрланаётган бўлса-да, аммо тез ривожланиб бораётган ёш авлод онгини забт эта олмаяпти. Сабаби, бугунги кун аксарият ёшларининг биринчи навбатдаги орзуси юқори иш ҳақи кафолатланган иш жойи, иқтисодий фаровонлик, шоҳона ҳаётга етишишга бўлган уринишлари бунга тўсқинлик қилмоқда. Тўғри, бундай фаровон ҳаётни ҳамма орзу қилишини тан олиш керак, лекин, маънавий кашшоқлик эвазига келган фаровонлик инсонда Чингиз Айтматов тили билан айтганда «манкурт»ликни келтириб чиқаради.

Ҳозирнинг ижтимоий-маданий муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб нормаларинигина эмас, балки давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашмоқ лозим. Сабаби – шу пайтгача амал қилиб келган қондалар, анъаналар ҳамда уларнинг ғоявий асоси бўлган ахлоқий қадриятлар қайта кўриб чиқилади ва қайта баҳоланади. Кечаги кун маънавий иерархиясида юқори ўринни эгаллаб келган тарихий ходиса, ҳолат ва шахсларнинг ўрни (бахоси) ўзгаради. Тарих эса сиёсий кураш майдонига ва мафкуравий полигонга айланади. Ҳаёт чархпалаги шундай айланади, тарихий тараққиёт қонуниятлари шу зайлда амал қилади.

Эътибор берилса, тарих сиёсий ҳокимият учун курашаётган, ўз тарафига иложи борича кўпроқ оммани жалб қилишга уринаётган кучлар, партия ва гуруҳлар қўлида мафкуравий омил ва қуролга айланиб бормоқда. Бунинг биз дунёда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда ҳам кўряпмиз. Корпоратив манфаатларнинг объективлик ва илмийлик принципларига путур етмоқда.

Натижада тарихий ҳақиқатни янгитдан хаспўшлаш, сохталаштириш, гиперболизация ва метафора бошланмоқда.

Бундай вазиятда ёшларни миллий тарих билан қуроллантириш ҳамда уларнинг тарихий онгини ривожлантириб бориш заруриятини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт сахнига чиқиб келаётган кучлар ва гуруҳлар ўз мақсад ва интилишларини оммага етказиш учун энг осон ва тез тушунарли бўлган ўтмишдан, аввал ўтган қаҳрамонлар ва воқеалардан прототип ахтармоқдалар. Бунинг ёрқин мисолини Шарқий Европадаги баъзи давлатлардаги сиёсий жараёнларда, (мисол учун, Украина, Польша, собиқ Югославия мамлакатлари) ёки жаҳон ҳамжамиятининг глобал муаммосига айланган ИШИД террорчилик ташкилотининг ахлоқона тарихий даъволари ҳамда халифаликка қайтиш иддаolari ва ушбу ҳаракат йўлидаги ўтмишга нисбатан муносабатларида кўриш мумкин. Уларнинг Сурия ва Ироқда жойлашган тарихий маданий кадриятларга бўлган муносабатлари бунинг ёрқин далилидир.

Шунинг учун ҳам ёшлар (айниқса, ўқувчи ёшлар)да тарихий онгини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда социологик ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириб бориш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилдир. Глобаллашув жараёнлари таъсири остида тарихий онгининг ўзгариш қонуниятлари ва тенденция (майл)ларини ўрганиш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги ғоявий-мафкуравий хуружлар авж олаётган бир пайтда тарихий онг инсонда ушбу хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилади ҳамда турли тарихий даъволарнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий сабабларини таҳлил қилиш функциясини шакллантиради. Қолаверса, ёшларда тарихий онгини ривожлантирувчи услублардан фойдаланган ҳолда уларда ватан туйғуси, муайян миллатга, халққа мансублик ифтихори, тарихий ватанпарварлик, ўз миллати билан идентикликни ҳис этиш салоҳияти, миллий ғурур, миллий орномусни шакллантириш, ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради. Мазкур хусусиятлар шахснинг ватанпарвар бўлиб камолга етишишида таянч

хисобланиб шу орқали мамлакат ўзининг барқарор келажагини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор барпо этади. Бу социал-педагогик мақсадларнинг асосидир.

XX асрнинг охирларига келиб миллий мустақиллигимиз учун таҳдид соладиган хатар – ўзбек халқининг тарихини сохталаштиришга қаратилган ҳаракатлар пайдо бўлди. Айниқса, хорижда бир қатор мафкурачилар ягона туркий миллат мавжуд, ўзбек, қозоқ, туркман, бошқирд, уйғур деб бўлақларга бўлиниши нотўғри, деган хато ва зарарли ғояни илгари суришгача боришди. Ушбу мафкуравий таҳдид – ўзбек халқининг алоҳида миллат эканлигини, бинобарин, унинг тарихи, ҳозирги куни, демакки, келажагини ҳам шубҳа остига олиш ва туркий қавмлар билан умумийликни мутлақлаштириш, миллий ўзига хосликни инкор этиш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда тарихий онгнинг энг машхур модели – немис тарихчиси ва маданият тарихи профессори Йорн Рюзен назарияси хисобланади. Ушбу назария жамиятнинг амалий ҳаётида тарихий онгнинг аҳамиятига урғу берган ҳолда унинг ижтимоий-маданий жиҳатларини инобатга олиш зарурлигини уқтиради. Рюзен назариясига кўра, тарихий онг инкирозларини бартараф этишнинг асосий усули тарихий нарратив (тарихий ривоят) бўлиб, унинг ёрдамида алоҳида воқеалар тарзида хотирага ўрнашган ўтмиш тажрибалари бир бутунлик касб этиб шаклланади ва маъно-мазмунга эга бўлади. Рюзен тарихий онгнинг тараққиётини ифода этувчи нарративнинг тўрт типини ажратиб кўрсатган. Булар анъанавий, ибратли, танқидий ва генетик типлардир. Зотан, немис олимнинг фикрича, тарихий онг ўтмиш тажрибасини бугунги кун ва кутилаётган келажак нуқтаи назаридан баҳолаб, амалий ҳаётда тўғри йўлни топиш имкониятини ҳосил қилишдир⁸³.

Немис адиби Гёте «ҳар бир авлод ҳар сафар тарихни янгича талкин этади» деганда ана шундай ҳаракатларни назарда тутган бўлса, эҳтимол.

⁸³ Қаранг: Мысливец Н.Л. Историческое сознание молодёжи как предмет социологического исследования // Н.Л. Мысливец // Смена парадигм в историографии всеобщей истории в Республике Беларусь и Российской Федерации : сб. науч. ст./Учреждение образования Гродненский гос. ун-т им. Я.Купалы.- Гродно : ГрГУ им. Я. Купалы, 2016 . С.122-128.

Негаки, бизнинг ўтмиш ҳақидаги билимларимиз доим ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Тарихий онг ўз таркибига тарих, тарихий тафаккурни камраб олиши билан маърифатли жамият куришининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Биз ёшларга миллий ватанпарварликни тарғиб қилар эканмиз, аввало, ўқувчи ёшлар онгига намуна бўлишга арзийдиган буюк аждодларимизнинг ҳаёти, ватан учун қилган хизматлари, кўрсатган қаҳрамонликларини ҳаётдаги идеаллари сифатида сингдиришимиз лозим. Шундагина маънавияти мустаҳкам, ватанпарвар авлод шаклланади. Қолаверса, ҳозирги сиёсий, мафкуравий қалтис бир даврда миллий тарих ва тарихий онг ёшлар онгида уларда юз бериши мумкин бўлган миллий маънавий бегоналашувга қарши иммунитет ҳосил қилади. Бугунги кунда дунёнинг бир қатор минтақаларида, айниқса, ёшлар қатлами орасида бегоналашувнинг турли кўринишлари авж олаётгани бунинг ёрқин мисолидир.

Тарихни ўрганиш, билиш, англаб етишга бўлган эҳтиёж, кўп сонли тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарихий бурилиш паллаларида, жамият бир ижтимоий-сиёсий ҳолатини трансформация қилиб, бошқа ҳолатга ўтаётган кезларда кескин ортади. Айниқса, ижтимоий тараққиётнинг бир моделидан бошқасига ўтиш даврида жамият маънавий ҳаётида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар юзага келади, ижтимоий онг кескин трансформацияга учрайди, шу пайтгача амал қилиб келган қоидалар, анъаналар ҳамда уларнинг ғоявий асоси бўлган ахлокий кадриятлар қайта кўриб чиқиш, қайта баҳоланиш жараёнидан ўтади. Яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган сиёсий ва мафкуравий ақида – «бузамиз эски дунёни жаҳон ичра, курамиз янги дунёни замон ичра», деган ғоя аввал ўтмишдан қолган барча нарсани бузишни, сўнг вайроналар устида янгисини куришни кўзда тутиб, худди шундай ишларни амалга оширган эди. Натижада кўплаб тарихий анъаналарга путур етган, янги давр рухига мос келмайди деб ҳисобланган тартиб-қоидалар йўққа чиқарилган, «бахтли келажак»да яшашга муносиб деб топилмаган ижтимоий гуруҳлар, синфлар қатағон килинган, жисмонан йўқ қилиб юборилган эди. Лекин энди тарих ўз

хатосини тузатди ва 70 йилдан зиёд ҳукмронлик қилган мустабид тузум барҳам топди. 1965 йили авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асари эълон қилинганда унга эпитаф килиб қуйидаги сентенция ёзилганди: «Ким ўтмишга тўппончадан ўқ узса, келажак уни замбаракдан ўққа тутади!» Тарихга кизиқиш, ўтмишни ўрганиш, ўз сарчашмалари ҳақида ҳақиқатни билиш истаги, билим доирасини кенгайтиришга интилиш, ўз мамлакати, ўз халқи илдизини билишга бўлган эҳтиёж, тарих сабоқларини, ўтмиш авлодлар тажрибасини билиш истаги долзарб масалаларга тарихдан жавоб топишга интилишдан келиб чиқади.

Тарихий онгни шакллантирадиган яна бир муҳим омил – халқнинг маданияти, миллий менталитети, урф-одат ва анъаналаридир. Ҳаётга энди қадам қўяётган ёш авлод, ақлини таний бошлагандан эътиборан муайян урф-одатлар муҳитида улғая бошлайди, ота-боболаридан мерос бўлиб келаятган расм-русумлар автоматик тарзда, ўйлаб ўтирмасдан қабул қилинади. Ёш авлоднинг ижтимоийлашувида бундай ворисийлик муҳим роль ўйнайди. Вақти келиб инсон улғайгач, бирор маросим ва байрамда қатнашар экан, унинг қай пайт ва нима учун келиб чиққани, қандай мазмун ва моҳиятга эга экани билан қизиқади. Инсоннинг урф-одат ва маросимларга бўлган муносабати унинг ҳаёти мобайнида ўзгариб боради. Чунки жамиятдаги катта бурилишлар, социал катаклизмалар пайтида анъана ва урф-одатлар кескин трансформацияга учрайди, янги урфлар, байрам ва маросимлар пайдо бўлади. Мисол тариқасида Мустақиллик йилларида шаклланган халқчил маросим ва байрамлар, «Хотира ва кадрлаш куни», «Қатағон қурбонларини ёд этиш» кабиларни келтириш мумкин. Мана шу янги пайдо бўлаётган урф-одат, маросим ва анъаналар, янги давр руҳига мос келиши, долзарб эҳтиёжларга хизмат қилиши билан бирга ўз тарихий заминига, илдизига ҳам эга бўлиши керак. Фақат авваллари бўлган, кейин нуқулган ёки назардан қолган урфларни тиклаш орқали янги маросимчилик шаклланади. Бизнинг фикримизча, урф-одатлар, маросим ва анъаналар муайян халқ, миллат ва давлат тўғрисида тасаввур берадиган, унинг ўтмишини бугунги куни орқали эртанги кун билан боғлайдиган халқ, бошқа

халқлар учун «ташриф қағози», яъни шу халқни таниб олиш учун етарли белгидир.

Масалан, «палов» деганда жаҳон аҳли ўзбекни, «икебана» деганда японни тушуниши табиий. Инсонни одоб-ахлоқ доирасида 4 та омил ушлаб туради: ташқи назорат (жазодан ҳайқиш), ички назорат (виждон), жамоатчилик фикри, имкониятлар (ноилож қолмаслик). Бугунги кунда дунёнинг бир қатор ҳудуд ва минтақалари, давлат ва жамиятларида шахсда тарихий онгни ривожлантириш, тарихий хотирани мустаҳкамлаб боришда ана шу халқларнинг миллий маданияти, байрамлари, маданий мероснинг асраб-авайлаш мақсадида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, ҳар йили Сербияда ёш авлодда тарихий ватанпарварликни ривожлантириш ҳамда ўтмиш кадриятларини сақлаш, ёш авлод тарихий онгини шакллантириш мақсадида август ойида «Ванселот рицарлари» миллий байрам сайллари ўтказилади. Худда шунга ўхшаш байрам Тибетда декабрь ойида ўтказилади, фарқи у кўпроқ диний кадрият ва урф-одатларга бағишланади. Бу ўзига ҳослик Тибет аҳолисида дин ва тарихни ўзоро уйғунликда ривожланишини таъминлайди.

Тарихий онгнинг асоси – жамоавийлик. «Ғарбда индивидуализм, ўзбекларда жамоавийлик руҳи устувор»⁸⁴. Ғарб индивидуализми, бизнинг фикримизча, тарихга нисбатан нигилистик кайфиятни шакллантиришда асосан салбий роль ўйнайди. Фақат ўзини, ўз эрки ва манфаатини, бинобарин ўз нафсини ўйлайдиган одам учун бирон бир ижтимоий гуруҳ, жамоа ёки бошқа бирликка мансубликни ҳис қилиш иккинчи даражали бўлиб қолади. Ғарбда бозор муносабатларига ўтиш мобайнида бегоналашув жараёни кучая бошлагани кузатилган. Моддий ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчилардан, ишлаб чиқарилган маҳсулот, яъни товар ишчидан бегона бўлиши сифатида авжига чиққан бу жараён вақти келиб оилавий муносабатларда, аввало, узоқроқ, кейинчалик яқин қариндошлардан ҳам бегоналашиш, яқин ўтмишда эса ака ва укалар, ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин орасидаги бегоналашувгача етиб

⁸⁴ Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 10.

келди. XX аср охирида сунъий равишда авж олдирилаётган, гўё демократия тантанаси билан боғланаётган салбий иллатлар (мас. бир жинслилар никоҳи) ана шу бегоналашув жараёнининг сўнгги палласидир.

Адабиёт, санъат ва айникса, глобаллашув шароитида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг жамиятнинг тарихий онгини, фикрларини, таважжуҳи ва антипатиясини шакллантиришдаги роли жуда улкан. Бугунги кун ёшлар тарихий онги шаклланиши ва ривожланиб боришида китоб мутолаасининг ўрни бекиёсдир. Сабаби, китоб ўқиш, мутолаа қилиш азал-азалдан шахснинг дунёқариши, тасувури, фикрлаши ва нутқининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Ҳозирги ахборот глобаллашуви даврида мутолаанинг ўрни шу қадар муҳимки, турли ахборотларни қабул қилиш, уларни таҳлил этиш, керакли жиҳатларидан самарали фойдаланиш каби масалалар алоҳида эътибор талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон қарори⁸⁵ (2017 йил 12 январда мазкур масала юзасидан фармойиш ҳам қабул қилинган) ҳам аввало, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятини оширишга қаратилган бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий адабиётларни чоп этишга, таълим муассасаларини улар билан таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, уларни китобхонларга яқиндан етказиб бериш, қолаверса, фуқароларда мутолаа маданиятини ривожлантириш масалаларига қаратилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий тарихимизни аҳоли ўртасида кенгрок тарғиб қилиш, уни ҳаққоний ёритиб беришга қаратилган кўплаб тарихий-бадий мавзулардаги адабиётларни нашр этиш ва уларни кенг кутубхонларга етказиб бериш масалалари кучаймоқда. Миллий тарихимизни ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилган айни вақтда бундай

⁸⁵ Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017. № 38. – Б. 5.

адабиётларни кўпайтириш жуда ҳам зарур ҳисобланади. Қолаверса, ёш авлодни миллий тарихий адабиётларимиз билан таъминлаш ва шулар асосида уларнинг тарихий онгини такомиллаштириб, ривожлантириб бориш куннинг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларидан биридир. Боиси, мутолаа орқали шахснинг маънавий дунёси ривожланади, тарихий хотираси мустаҳкамланиб боради. Бу эса жамият маънавиятининг мустаҳкам шаклланиб боришига хизмат қилади.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишнинг маънавий замини бўлади⁸⁶. Шу мақсадда аҳоли мутолаа маданиятини ривожлантириш, чет эл адибларининг асарларини, мумтоз замонавий адабиётларни нашр этиш, бадий-илмий, маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, интеллектуал салоҳиятни оширишга ёрдам берувчи китобларни таржима қилиш ва чоп этиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнларида ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши билан бирга қўшимча адабиётлар, газета ва журналларни мутолаа қилиш орқали дунёқараши, воқеа-ҳодисаларни идрок этиши ривожланади. Бундан ташқари, мутолаа ўқувчиларда жамият ва давлатга алоқадорлик туйғулари шаклланишида амалий ёрдам беради.

Миллий ўзликни англашда, тарихий хотиранинг шаклланишида тарих фанига оид адабиётлар билан бирга тарихий-бадий мавзудаги китоблар ҳамда кутубхоналардаги мутолаа жараёнларига катта эътибор бериш керак. «Кутубхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ этиш, уни тизимий тарзда такомиллаштириш, улар ахборот узатишнинг фаол марказларига айланиши зарурлиги»⁸⁷ни таъкидлаш лозим.

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик ҳислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса,

⁸⁶ Қаюмов У.К. Роль национального самосознания в формировании жизненной позиции молодежи Узбекистана. // Общественные науки в Узбекистане. –Ташкент, 2003. – № 6. С. 53–56.

⁸⁷ Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. –Тошкент: Фан, 2004. – Б. 123.

дунёкараши – буларнинг барчаси, аввало, унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради. Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади.

Жамият ва давлатнинг нормал ҳаёт фаолияти қондаларини мамлакатимизнинг кенг қатламини ташкил этувчи ёшлар, айниқса, ўқувчи-ёшлар мутолаа жараёнида ўзлаштиради, бу эса ёш авлоднинг тарихий онг ва тарихий хотирасини ривожлантиришни янги босқичга кўтаради, атроф оламни, ўз халқининг ва ўзининг ундаги ўрнини тўғри баҳолаш малакасини шакллантиради, ҳозирги шароитларга мослаштиради. Китоб ўқиш, уни ўрганиш, инсонда мутолаа маданиятини ривожлантириш орқали шахс маънавий онги мустаҳкамланади. Бу дегани ҳамиша китоб жиддий тарихий билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади, дегани ҳам эмас. Улар баъзан ўтмишнинг сунъий яратилган талқини моделидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун эътибор қилинадиган нарсани тўғри танлаш ва тарихий ҳодисаларни тўғри талқин қилиш, биринчи навбатда, халқларнинг бағрикенглик билан ҳамкорлик қилишига кўмаклашади. Аксинча ҳолатда узоқ сақланиб қолиш, ижтимоий кескинликни пайдо қилиши ва можароларни келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) қабул қилган конвенцияда ҳам жаҳонда катта нуфузга эга бўлган олти давлат ўз саъй-ҳаракатларини учта асосий таҳдидга қарши қаратишлари ҳақида баёнот берган бўлсалар, буларнинг биринчиси – терроризм, иккинчиси – сепаратизм, учинчиси – экстремизм деб белгиланган. Иккинчи таҳдид – сепаратизм – мамлакат ҳудудини парчалаш, ажралиш гоёсига асосланади ва, албатта, тарихдан бу мақсадга хизмат қиладиган факт, ҳодиса ва қаҳрамонлар қидириб топилади. Тарихни ҳаспўшлаш, сохталаштириш тарихий хотирани нотўғри ўзанга солиш, тор сиёсий манфаатларга хизмат қиладиган тарих фани ва

дарсликларини яратиш оркали содир бўлади. Асл сабаб – ҳокимият учун кураш, сиёсий, ижтимоий мавқега эга бўлиш учун ижтимоий онгни бошқариш.

Муайян миқдордаги аҳолининг тарихий онги ва тарихий хотираси ўтмиш авлодлардан қолган узук-юлуқ илмий билимлар, содда тасаввурлар ва баҳолар, анъана ва урф-одатларнинг мураккаб қоришигидан иборат. Улар киши маънавий оламини бойитишга ёрдам бериши сўзсиз, бироқ соддалигича қолаверади. Ҳозирги пайтда миллий ва умуминсоний кадриятларга, кўп асрлик халқ анъаналари, урф-одатлари ва тарихий тажрибасига суянган ҳолда, миллатнинг маънавий уйғониши ва мамлакатнинг ақлий салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Шу маънода миллий-маънавий кадриятларнинг тарихий онгни шакллантиришдаги аҳамияти янада ортиб бормоқда. Тарихий онгни шакллантириш ўтмишга бўлган муносабатнинг қай даражадалигига боғлиқ, уни ўрганиш ва ундан фойдаланиш тарихий онгни шакллантиради. Узоқ ва яқин хорижда чоп этилган, тарихий оннинг тавсифи ва талқинига бағишланган адабиётларни ўрганиш, умуман олганда, Фарбдаги турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўтмиш ва уни баҳолашга бўлган муносабатини таҳлил қилиш бир қатор ўзига хосликларни, бизнинг юртимиздаги муносабат ва кадриятлардан кескин фарқ қиладиган жиҳатларни очиб беради.

Ўзбекистонда ҳаққоний тарихни, ўтмишни билмай туриб, ҳозирги замоннинг чинакам маъносини ва келажак даврнинг мақсадларини тушуниш, англаб етиш мумкин эмаслиги халқимизнинг дунёқарашидан мустаҳкам жой олган. Зеро, тарих тажрибасини ўрганиш – давримизнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини чуқур идрок этиш ва тушуниб етишга, озодлигимиз, мустақиллигимиз ва равнақимизни кадрлашга, порлоқ истиқбол йўлида янги тараққиёт режаларини белгилаш ва уларни амалга оширишга имконият яратади.

Фан социологиясининг йирик вакили, инглиз физиги Жон Бернал ҳақли таъкидлаганидек, «Ҳозирги замонда миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади».

Рус ёзувчиси А.Солженицин, «Халқни йўқотиш учун унинг илдизига болта уриш керак», деган эди. Халқнинг илдизи эса унинг хотирасидир. Америка халқига йўллаган видолашув мурожаатида Рональд Рейган: «Биз нима қила олганимизни унутсак, кимлигимизни ҳам унутамиз»,– деб ёзган эди. Тарихий хотирада унинг субъекти қизиқишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолда ўтмиш ҳақидаги сараланган барча билим ва тасавурлар жамланади. Шунингдек, ворисийлик қонуниятига кўра, аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос сақланиб кейинги авлодларга етказилади. Бу «занжир» жараёнида тарихий хотира ўтмиш ҳақидаги билимларни ўзида сақловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тарихий хотира янги ахборотларни қайта ишлаш орқали муттасил ривожланиб боради ва у моҳиятан ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилган бўлади. Тарихий хотирага мансуб бўлган юқоридаги хусусиятлар унинг субъектига кўра фаркланувчи шакллари ҳам ҳосилдир. Лекин улар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларда тарихий онг ва тарихий хотиранинг муҳим марказий элементлари бўлган миллий онгни шакллантиришга республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда. Тарихий онг ва тарихий хотира категориялари маъносида ижтимоий амнезия (хотирани йўқотиш, унутиш) ҳодисасига эътиборни қаратиш керак.

Ўтган аср тажрибаси кўрсатишича, жамият бир қатор ҳолларда, баъзан айрим кишиларда бўлганидек, тарихий хотирани йўқотиш (унутиш) дардига мубтало бўлиши мумкин. Амнезия – шунчаки унутиш эмас. Чунки унутган киши нимани билгану сўнг унутганини билади. Аввалги билимлари хотирадан ўчмайди. Амнезия эса аввал бор бўлган билимни унутиш билан боғлиқ. Ижтимоий амнезия баъзан ўтмишда эришилган бутун-бутун ютуқлар тарихдан тушиб қолишини англатади. Жамият ўз меросининг бирон-бир

қисмини йўкотади, бироқ юз берган йўқотишни англамайди. Натижада ўтмиш билан ажралиш рўй беради. Бу эса халқнинг шонли ўтмишининг хотирадан ўчишига, охир-оқибатда миллий рухнинг йўқолишига олиб келади. «Якин ўтган кунларда, – деб ёзади Патрик Бьюкенен, – ҳар бир америкалик болакай Магеллан, Васко да Гама, Кортес, Генри Гудзон каби буюк саёҳатчиларнинг номларини, инсоният тарихидаги энг улуғвор экспедицияларнинг бирида Американи кашф этган, буюк сайёҳларнинг ҳам буюги ҳақли равишда Колумб эканини билар эди. Тарих бўйича барча дарсликлар унинг номи билан бошланарди. Католик мактабларида болаларга француз ва испан сайёҳлари, миссионерлари, шимолий америкалик авлиё оталар ... ҳақида сўзлаб беришар эди»⁸⁸. «Тарихни қоралаш натижасида,– деб куюниб ёзади Бьюкенен,– куйидагиларга эришдик:

- илгари миллий байрам сифатида нишонланган Жорж Вашингтон таваллуд кунин Президент кунин билан алмаштирилди ва бу жасур аскар ҳамда буюк давлат арбоби қолиб, бошқа раҳбарлар тилга олинади;

- Янги Орлеандаги Вашингтон номидаги бир мактаб кенгаши бу номдан воз кечди, чунки собиқ қулдор ва тенгсизлик тарафдори бунга лойиқ эмас, деб топилди;

- Нью-Жерси штатида Мустақиллик декларацияси муаллифи Томас Жефферсон «персона нон грата» деб эълон қилинди ҳамда мактабларда декларациядан парча келтириш, уни эслатиш тақиқланди, чунки бу «хотин-қизларга, қора танлиларга қарши ёзилган ва худога ҳаддан зиёд пахта кўядиган ҳужжат» эмиш;

- «Кастер майдони» яқинда «Литтл-Бигхорн» бўлиб ўзгарди ва бу ўлкага биринчилар қаторида қадам кўйган ва албатта, кўли ҳиндулар қонига ботган бу босқинчининг ҳам номи ўчсин, дея қарор қилинди»⁸⁹.

Қитобда келтирилган кўпдан-кўп мисол ва далиллар муаллифнинг, янги мафкура яратаётганлар тарихнинг авра-астарини ағдаришга астойдил

⁸⁸ Бьюкенен П. Смерть Запада . – Москва: АСТ, 2003. С.103.

⁸⁹ Бьюкенен П. Смерть Запада . – Москва: АСТ, 2003. С.106.

бел боғлаган, ўтмишда на бирор муқаддас сиймони, на бир шонли воқеани қолдирмаяпти, деган фикрни тасдиқлайди. Шунинг учун тарихга муносабат – мураккаб масала. Ҳар бир халқ тарихида шонли саҳифалар ҳам, қора кунлар ҳам бўлган. Бирини улуглаб, иккинчисини унутиш, бирини бўрттириб, бошқасини ерга уриш – адолат ва ҳаққоният тамойилларига зиддир.

Тарихни ҳаққоний ёритиш зарур, тарихни ҳаққоний ёритмасдан, бугунги кунни ҳам, келажакни ҳам тушуниш мумкин эмас.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАР ТАРИХИЙ ОНГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1-§. МИЛЛИЙ РУХ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СОЦИАЛ ОМИЛЛАРИ

Бугунги глобаллашув жараёнлари авж олган даврда мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг таълим-тарбиясини ривожлантириш уларнинг дунёқарашини ўстириш, ватанимиз таракқиётига хизмат қилувчи авлодни шакллантириш масалаларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, миллатпарвар, ватанпарвар, умуминсоний маънавий фазилатларга эга авлод ҳар қандай жамият ёки давлатнинг таянчи ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПҚ-5106- сон фармонида буюк давлат арбоби ва саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойлик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инobatга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби»⁹⁰ номи берилиши халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарихий онгини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда беқиёс аҳамиятга моликдир.

Ёшларда миллий рух ва ватанпарварлик туйғуларини ҳосил қилиш борасида, гарчи бир қадар примитив бўлса-да, Германия тажрибаси диққатга сазовор. «XIX аср охири – XX аср бошларида Германияда тарих дарсларида миллий тарихга катта аҳамият қаратилган экан, бу асосан тарихий саналар, номлар, фактлардан иборат бўлиб улар ўқувчилар онгига шундай сингдирилар эдики, ўқувчилар ҳатто ухлаб ётганларида ҳам саволларга жавоб бера олардилар. Тарихий жараёнларнинг ўзоро боғлиқлиги унинг

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017. № 27. – Б.13.

келиб чиқиш сабаблари унчалик аҳамиятга эга эмас эди. Ўқитувчилар ўз иктидорига қараб, саёз материални бойитиш учун эътиборни ўзига тортадиган драматик воқеаларни айтиб беришардики, улар охир оқибатда тарихий манбаларга асосланган маълумотлар эмас, балки муаллимнинг катта фантазияси бўлиб чиқарди. Уларнинг асосий мақсади ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат эди»⁹¹.

Маълумки, тарихий онг ва тарихий хотиранинг шаклланиши гўдак ота-онасидан бошқа кўрсатмалар қаторида уларнинг ўз тарихини, ўзининг оламдаги ўрнини тушунишини қабул қилиб оладиган мактабгача ёшда ҳам содир бўла бошлайди, аммо мактаб таълимини олиш даврида булар жадал ва тизимли тарзда шаклланади, эҳтимол, ота-онасиникидан фарқ қиладиган тарихий онг юзага келиши ҳам мумкин.

Мактабда ўқувчи ўқиш, ёзиш билан бир қаторда жамият ҳақида, ўз халқи, унинг тарихи тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Агар мактабда ўқувчилар тарихий онги ривожлантириб борилса, келажакда давлат, жамият, миллатга садоқатли шахслар етишиб чиқади. Дарҳақиқат, мактабдаги таълим-тарбий тизимида ўқитиладига тарих фани ўз ватанига садоқатли фуқарони тарбиялашда асосий ўрин эгаллайди. Бунинг исботи сифатида 2014 йилда Россия Федерациясида ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган тадбирларга тайёргарлик жараёнида Москва шаҳрида жойлашган бир қатор университетларда «Талабалар тарихий онги» мавзусида социологик сўровнома ўтказилди. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад талабаларнинг улуғ ватан уруши (Иккинчи жаҳон уруши) га муносабатини аниқлаш, уруш тарихини ўрганиш, ўзлаштириш, англаш масалаларига ойдинлик киритишдан иборат эди. Сўров натижасида умумий иштирокчиларнинг 92,4 % и мактаб тарих курсини улуғ ватан уруши бўйича ахборот олиш манбаи сифатида белгилашган.

Шунингдек, 2009 йилда Финляндияда тарихий онг муаммосини ўрганиш уни ривожлантириш, у ерда яшовчи одамлар томонидан ўтмиш

⁹¹ Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихий ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.9.

концепцияларини ўрганадиган мултидисциплинар тадқиқот лойиҳаси амалга оширилган. Лойиҳанинг мақсади – тарихий онгни финларнинг ўтмиш ҳақида билимлари, бугунги қарашлари ва келажак ҳақидаги умидларига қандай таъсир қилишини ўрганиш эди. Бутун бир йил давомида (2009 йил) фин халқининг тарихий онгини тадқиқ этиш мақсадида 4000 дан ортиқ респондент ўртасида сўровнома ўтказилган. Сўровномага қўшимча равишда, 2010 йилда иштирокчилар орасида бир қатор интервью маълумотлари йиғилган. Қўшимча тадқиқотлар кўпроқ балоғатга етмаган ёшлар жалб қилинган.

Мактабда ўқувчилар тарихий онгини ривожлантиришни социал-педагогик жиҳатдан такомиллаштириш учун, аввало, мактабгача таълим муассасаларида, оилада илк тарихий онг вужудга келишини унутмаслик керак. Бу давр мобайнида, бола ўз оиласидаги ҳаёт тарзи, ота-онасининг хатти-ҳаракатлари, эшитган панд-насиҳатларини ўзлаштиради ва бу унинг хотирасида муҳрланиб, фаолияти давомида қўлланила бошлайди. Бундан ташқари, фарзанд онгига ижтимоий муҳит, теварак атроф, маҳалла, яшаш жойи ҳам таъсир этади. Маданий-маънавий ўзлаштириш жараёнлари олти-етти ёшгача давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилада амалга оширилади.

«Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.»⁹² Боланинг онги асосан 5 – 7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси, аввало, унинг туғма табиати, шу билан

⁹² Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.53.

бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради. Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ходисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига меҳри ва хурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан кунга такомиллашиб боради. Бола мактабгача таълим муассасаларида тенгқурлари билан ўртоқлашади, ўйнайди, тарбиячи сўзлаб берадиган эртақ, матал, ҳикоялар, турли хил топишмоқларни онгига жо қилади, бу унда илк тарихий онгни шакллантириб, ривожланиш босқичига кўтаради ва тарихий хотирага айланиб боради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261- сон қарори жамиятимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, ватанпарвар шахсларни шакллантириш ишларини амалга ошириш бобидаги энг нозик ва эътиборталаб соҳани ривожлантириш бўйича тарихий босқични бошлаб берди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани болаларнинг мактаб таълимига ўтиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайдиган бўлди.

Мактаб даврида ўқувчи дунёни кенгрок идрок эта бошлайди, унинг атроф оламини ўзлаштириши, ижтимоийлашуви янги босқичга кўтарилади. Ҳозирда Республикамиз мактабларида ўқитилаётган тарих дарсликлари ҳам пухта ишлаб чиқилпти, деб бўлмайди ва улар, бизнингча, бир қатор камчиликлардан холи эмас. Дарҳақиқат, ҳамон республикамиздаги умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари, айниқса, олий ўқув юртлари ижтимоий факультетлари талабалари учун тарих фанидан давр талабига мос асосий манбалар, архив материаллари, республикамиз таълим тизимида педагогик амалиёт ва ҳар томонлама синов (эксперимент)да текшириб ўтилган теран дарсликларнинг яратилиши бирмунча оғир

кечмоқда⁹³. Собик иттифокнинг парчаланиши Марказий Осиё давлатларининг мустақил суверен ривожланиш йўлига ўтиши таълим соҳасида яққол намоён бўлди. Ҳар бир мустақил республикада таълим соҳасига бўлган эътибор кучайди, бу соҳадаги ислохотлар жадаллашди, янги таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий, давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Мақсад мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи миллий кадрларни тайёрлаш эди. Шу билан бирга умумий ўрта таълим тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Бу мустақил суверен республикаларнинг келажаги бўлмиш янги авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдан иборат эди. Бунинг учун, аввало, мактаблардаги дарсликлар ислохотига катта эътибор берилди. Мактаб дарсликлари мафкуравий ақидалардан холи миллий моделлар асосида ишлаб чиқилди. Айниқса, миллий тарих қайта ёзилди. Чунки бу фан, «ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги ҳамда инсониятнинг пайдо бўлиши, тадрижий эволюцион такомил жараёни ва бошқаларни ўрганати»⁹⁴.

Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши, миллий тарихнинг тикланиши ва янгитдан битилиши кишилар тарихий онгини янгича асосда шакллантириш ва ривожлантириб боришда муҳим ўрин тутди. Хусусан, XX асрнинг охирларидан бошлаб постсовет мамлакатларининг ҳаммасида миллий тарихий онг янгича руҳда шакллантирила бошланди. Ушбу ишларни амалга оширишда мактабдаги тарих фани дарсликларининг қайтадан ёзилиши катта аҳамият касб этди. Хусусан, Республикамиз умумий ўрта таълим тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар сирасидаги тарих, адабиёт, ўзбек тили каби дарсликларни янгиланиши ўқувчилар тарихий онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Қолаверса, Ўрта Осиё республикаларида миллий тарихнинг қайтадан ёзилиши, одамларнинг ўз ўтмишига бўлган муносабатини буткул ўзгартириб юборди. Буни биз қўшни

⁹³ Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Турон-икбол, 2010. – Б. 3.

⁹⁴ Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутахассис талабалари учун дарслик) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 11.

республикалар таълим тизимида ўқитилаётган дарсликларда ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, кечаги ўқитилган, ўрганилган ва тарғиб этилган тарих йўқотилди, тарих янгича руҳда қайтадан ёзилди.

Натижада 70 йилдан зиёд вақт давомида шаклланган тарихий онг кескин трансформацияга учради. Тарихни ўрганишга бўлган янгича ёндашув шаклланиши, тарихни ҳар ким ўз миллий нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолаш собиқ совет республикаларидаги талқинларда хилма-хилликни, турлича тарихий даъво ва тафовутларни вужудга келтирди. Бундай ҳолат ХХ асрнинг охирларидан бошланиб, ҳалигача давом этмоқда.

МДХ мамлакатларида ўқитилаётган тарих айрим республикаларда сиёсий қуролга айлантирилди, одамларнинг тарихий дунёқарашини ўзгартиришга бўлган ҳаракатлар авж олди. Бу жараён дастлаб Болтиқбўйи давлатларида бошланган бўлса, секин-аста бошқа минтақаларга ҳам тарқалди. Натижада ёш авлоднинг тарихий онги янги асосда шакллантирилди ва бу ҳаракатлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Айниқса, мустақил давлатларда вояга етаётган янги авлоднинг тарихий онгини шакллантириш ҳамда ривожлантириш каби асосий вазифани ўрта мактабларда ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар дарсликлари бажарди.

Тарихан бир маконда яшаб, умумий тарих ва бир илдизга эга бўлган Ўрта Осиё республикаларининг ўрта таълим тизимидаги ислохотлар уларнинг миллий тарихни яратиш ва тиклаш, тарих фанининг янгича руҳда ислох қилиниши ўқувчи ёшлар тарихий онгни ривожлантирилишида муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ўрта мактабларда ўқитилаётган тарих фани дарсликлари уларнинг мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан бугунги кунда катта фарқ қилиши билан бирга, турли ёндашувларга эгаллиги тарафидан ҳам ажралиб туради. Аксарият республикаларда миллий давлатчилик тарихини яратиш ҳаракати, тарихга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш турли мунозара-баҳсларни келтириб чиқармоқда-ки, бу биринчи навбатда, россиялик тадқиқотчиларни кўзғатиб қўйди. Хусусан, Россия Федерациясида Кадрлар захирасини тайёрлаш жамғармаси «Давлат клуби»

(«Государственный клуб») томонидан «Жамоат технологиялари маркази» нотижорат ширкатига берилган «Россия ва собиқ совет мамлакатлари худудидаги ёшларда тарихга нисбатан конфронтациясиз ва интеграцион карашларни шакллантириш» гранти (713-02-сонли) ҳамда мазкур жамғарма томонидан «Евроосиё» нотижорат ширкатига берилган «Янги мустақил давлатлар ёшларининг совет ва постсовет даврлари тарихини идрок этиши» лойиҳаси (905-02-сонли грант) асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида 12 та собиқ иттифоқ мамлакатларида тарих фани бўйича нашр этилган 187 та мактаб дарсликлари таҳлил қилинган. Натижада 2009 йили икки қисмдан иборат «Россия ва собиқ совет мамлакатлари халқлари умумий тарихининг янги мустақил давлатлар мактабларининг тарих дарсликларида ёритилиши» («Освещение общей истории России и народов постсоветских стран в школьных учебниках истории новых независимых государств») китоби нашр этилди. Бу китобга Россиядаги турли нашрлар, турли мутахассислар муносабат билдирдилар ва бу яқингача ҳам давом этмоқда.

2012 йил 31 декабрда REGNUM ахборот агентлигининг «Россия овозлари» («Голоса России») сайтида «Красноярская газета»нинг «Ҳақиқатга етиш ёки Ким, нима учун тарихни қайта ёзади?» («Докопаться до правды, или Кто и зачем переписывает историю») мақоласи эълон қилинган. Мақолада ёзилишича, бугунги кундаги миллий тарих дарсликларида чоризм ва собиқ иттифоқ даври мустамлакачилик даври сифатида ўрта мактаб ўқувчиларга тақдим қилинмоқда. Мақола муаллифлари МДХ мамлакатларида ўқитилаётган дарсликларда Россиянинг шу халқлар тарихида тутган ролини мустамлакачилик сифатида баҳоланганига нисбатан салбий фикр билдирадилар. Гўёки, чор Россияси Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон худудларини ўзига қўшиб олиб, бу халқларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга бошлаган-у, энди улар буни тан олмай, «кўрнамаклик» йўлини тутмоқдалар, қабилда гинахонлик қиладилар.

Мақолада яна «Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқишини Грузия, Латвия, Литва, Молдова, Украина ва Эстония тарих дарсликларида

«Молотов–Риббентроп пакти»га алоқадор тажовузкорларнинг келишуви сифатида баҳоланмоқда,»⁹⁵ деган ёзғириш ҳам бор.

Очиғини айтганда, мақолада муаллифларнинг масалага тенденциоз муносабатда экани шундоққина сезилиб турибди. Айтайлик, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинмагани, балки босиб олингани исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Ушбу жараён бизнинг тарих фани дарсликларимизда: «XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Туркистон халқларини мустамлака асоратига солди. Подшо ҳукумати ўлкани сиёсий-худудий жиҳатдан забт этибгина қолмай, балки эркесвар, заҳматкаш халқни маънавий-руҳий бўйсундиришга ҳаракат қилди»⁹⁶ деб ўргатилади.

«Маълумки, тарихни голиблар ёзади. Биз 1991 йилда совук урушни(таъкид бизники – Қ.М.) ютқизиб қўйдик ва, табиийки, голиб бу тарихни ўзи учун мос шаклга сола бошлади. Биз эса, мана борини кўриб турибмиз», дейилади мақолада. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, 1991 йилда советлар иттифоқига кирган республикаларнинг қон тўқмасдан биринкетин мустақилликка чиқишини муаллифлар «совук уруш» деб атамоқдалар ва империяпарастлиги кўзгаб, алам билан «голиблар энди бўлган-бўлмаган воқеалардан тарих ясамоқдалар», деган даъвои олға сурадилар. Аслини олганда бу мақола асл тарих учун, тарихий воқеаларнинг адолат нуқтаи назаридан ёритилиши учун жон куйдириш эмас, шовинистик ақидаларнинг, мафкуравий курашларнинг мевасидир.

Юқоридаги китобга батафсил муносабат билдирганлардан яна бири Максим Каракулов исмли муаллиф бўлиб, 2015 йил 21 апрелда интернет орқали тарқатилган «Собиқ СССР халқларининг мактаб дарсликларида тарих қандай қайтадан ёзилмоқда» («Как переписывают историю в школьных учебниках народов бывшего СССР»)⁹⁷ номли мақоласида собиқ иттифоқдаги

⁹⁵ www.regnum.ru/news/polit/1610250.html#ixzz2Gpwyg500

⁹⁶ Тиллабоев С., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари) умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б.152.

⁹⁷ <https://medium.com/history-and-geopolitics/-b712be8d36cd>

тарих талқинини олдинги муаллифдан кам куюнчаклик билан ҳимоя қилмаган. (Қаранг: 3-илова)

Республикамиздаги замонавий таълим тизимида ўқитилаётган тарих дарсликлариди чор Россияси босқини ва мустамлакалаштириш сиёсати сўнгра, собиқ иттифоқ даври тарихига фақат бир томонлама ёндашилмаяпти, балки бу даврларнинг салбий жиҳатлари билан бир қаторда баъзи ижобий томонлари ҳам ёритилмоқда. Лекин, бугунги кунда тарихни сиёсийлаштириш, уни ўз мақсад-манфаатларига бўйсундириб, миллатлараро низоларни юзага келтириш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Бу, айниқса, Украина мактаблари учун 2014–2015 йиллардан кейин нашр этилган тарих дарсларида кўзга ташланади.⁹⁸

Биз МДҲ давлатларининг ўрта мактабларида ўқитилаётган бир қатор тарих фани дарсликларини қиёсий ўрганганимизда уларнинг шакли, мазмун-моҳияти, тарихий воқеаларга муносабати ўхшаш ва фарқли томонлари борлигини аниқладик. Мисол учун, Россия Федерацияси ўрта таълим тизимида ўқитилаётган тарих дарслиги(Алексашкина Л.Н., Головина В.А. Всеобщая история с древнейших времен до конца XIX века. 10 класс. – М.: Мнемозина, 2010. – 431с.) да, аввало, тарих фанига кириш, унинг предмети, мақсади, мазмунига оид маълумотлар алоҳида ажратиб берилган. Дарслиқда, бундан ташқари, ўқувчининг фанга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун мавзулар оралиғида турли асар ёки воқеа-ҳодисаларнинг хроникаларидан парчалар берилган (аслини олганда, 2000 йилгача чоп этилган ёки амалда бўлган тарих фани дарсликлари шу тарзда нашр этилар эди). Дарслиқнинг 422 – 427 - бетларида мавзулар бўйича тавсия этилган адабиётлар рўйхати алоҳида келтирилган-ки, бу ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишнинг ортишига ёрдам берибгина қолмай, уларда мутолаага рағбатни кучайтиради ҳам.

Шунга ўхшаш тавсияларни Қозоқистон Республикасида 10 – 11 синф ўқувчилари учун нашр этилган тарих дарсликлариди ҳам кўришимиз

⁹⁸ Қаранг: <https://odnrodyna.org/content/prolistav-uchebniki-po-istorii-ukrainy>

мумкин. (Қаранг: Садыков Т.С., Каирбекова Р.Р., Тимченко С.В. Всемирная история: Учебник для 10 классов. Общественно-гуманитарного направления общеобразовательных школ. Алматы: Мектеп, 2011.–296 с.; Толеубаев А.Т., Касым-баев Ж.К., Койгелдиев М.К. и др. История Казахстана: Учебник для 10 классов общественно-гуманитарного направления общеобразовательных школ. Алматы: Мектеп, 2010. – 240 с.) Қолаверса, мазкур дарсликларда турли интернет сайтларининг рўйхати кетирилиши ўқувчиларда замонавий технологияларни ўрганиш ва ўзлаштириш билан бир қаторда ўз тарихини ўрганишга бўлган интилишни орттиради.

Биз ўтказган социологик тадқиқотда ҳам ўқувчиларнинг 21 % ида фанни ўзлаштиришда турли видео, интернет, компьютер технологияларидан фойдаланиш истаги борлиги маълум бўлди (Қаранг: 5-жадвал).

Россия таълим тизимида тарих фанини ўқитишда дарсликлардан ташқари хрестоматиялардан ҳам фойдаланилади. Масалан, Россияда *Хрестоматия. История России. 6-10 классы. В 2-х частях. Часть 1. Сост. А. Данилов. Москва: Просвещение, 2015. – 762 с.; Орлов А.С., Георгиев В.А. Хрестоматия по истории России. – Москва: 2003. – 273 с.* ва бошқа хрестоматиялар мавжуд. Улар ўқув материалининг ҳар тарафлама тушунарли бўлишига, ўқувчиларнинг мавзунни тўла ўзлаштиришига хизмат қилади. Шу маънода ушбу тажрибани бизнинг мамлакатда ҳам жорий этиш фойдадан холи бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўрта таълим тизимида ўқитилаётган тарих фани дарсликларида кузатиладиган салбий жиҳатлар, умумий тарзда:

а) ҳажми жуда кичик бўлиб, берилаётган маълумотларнинг тўлақонлилиги ва тушунарлилигини таъминлай олмаяпти;

б) дарсликда ифодаланган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ мисоллар, тарихий ҳужжатлардан парчалар, турли расм-чизмалар келтирилмаганлиги ўзлаштирилаётган мавзунинг жозибadorлигига путуп етказяпти;

в) мавзуларни мустақил ўзлаштириш учун ҳеч бир синф дарслигида, ҳатто, энг янги нашрларда ҳам адабиётлар тавсия қилинмаган (масалан,

Ражабов Қ., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (1917–1991- йиллар): ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун дарслик. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги матбаа-нашриёт уйи, 2017. –144 б.). Бу ҳол ўқувчиларнинг фанни юзаки ўзлаштиришига, бинобарин, уларда юзаки дунёқараш шаклланишига олиб келади.

Яна бир эътиборли жиҳат – МДХ республикаларининг аксариятида «Ватан тарихидан ҳикоялар» дарслиги 4-синфда ўқитилади, бизда ушбу дарслик 5-синф дастуридан жой олган. Қолаверса, бизнинг ўрта таълим тизимимизда 6-синфлар учун ўқитилаётган «Тарих»⁹⁹ дарслигида қадимги дунё ва ватан тарихи битта жилдда баён этилган, аниқроғи, ватанимиз тарихига битта бўлим ажратилган-ки, бу бизнингча, такомилга муҳтож. Дарҳақиқат, республикамиздаги умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртларида тарих фанидан давр талабига мос дарсликлар, қўлланмалар, архив материалларидан фойдаланиш «республикамиз таълим тизимида педагогик амалиёт ва ҳар томонлама синов(эксперимент)да текшириб ўтилган теран дарсликларнинг яратилиши бирмунча оғир кечмоқда.»¹⁰⁰ Бу эса ўқувчиларда фанга нисбатан юзаки муносабат ва оқибатда саёз билимни шакллантирмоқда.

Россия мактабларида қадимги дунё тарихи 5-синфда¹⁰¹ ўқитилиши ва ватан тарихи алоҳидалиги диққатга сазовор. Бундан ташқари Россия ва Қозоғистон мактабларининг 10- синф тарих дарсликлари¹⁰² энг қадимги даврдан то XIX охири ва XX аср бошларигача бўлган ораликни ўз ичига олади. Бу дарсликларнинг, бизнингча, ижобий жиҳати ушбу дарслик орқали ўқувчилар қадимги даврдан то янги давргача бўлган тарихни такрорлаб

⁹⁹ Сағдуллаев А.С., Костецкий В.А. Тарих: қадимги дунё: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун дарслик. тузатилган ва тўлдирилган 4-нашр. –Тошкент: Янгийўл полиграф сервис, 2013. – 192 б.

¹⁰⁰ Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. Тошкент: Турон-икбол, 2010. – Б. 3.

¹⁰¹ Вигасин А. А., Годер Г.И., Свенцикая И.С. История Древнего мира. 5 класс: учебник для общеобразовательных учреждений – 17-е изд. – Москва: Просвещение, 2010 – 287с.

¹⁰² Алексашкина Л.Н., Головина В.А. Всеобщая история с древнейших времен до конца XIX века. 10 класс М.: Мнемозина, 2010. –431 с.; Топеубаев А.Т., Касымбаев Ж.К., Койгелдиев М.К., и др. История Казахстана. Учебник для 10 классов общественно-гуманитарного направления общеобразовательных школ. –Алматы.: Мектеп, 2010. – 240 с.

оладилар. Биз ўтказган социологик тадқиқотлар дарсликларда бу усулни қўллаш самарали эканини кўрсатди, яъни юқори синф ўқувчиларининг 75,7 фоизи 5- синф «Ватан тарихидан ҳикоялар» дарслигидаги маълумотларни эслаб қолмаган ёки қисман эслаб қолган. (Қаранг 11- жадвал)

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида ўқитилаётган мактаб тарих фани дарсликлари (5–11-синфлар учун) хронологик кетма-кетликда ёзилган бўлиб, бундай йўл тутиш ўқувчинин, аввало, тарихий даврларни ўзлаштиришини осонлаштиради, иккинчидан, ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигини тушунишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, Россия ва Қозоғистон мактаб тарих дарсликлари алоҳида хариталар билан нашр этилиши ҳам ижобий тажрибадир. Чунки харита билан ишлаш ўқувчининг тарихий-географик билимларини ривожлантиради. Бизда эса, ҳозирги кунда мактабларимиздаги дарсликлар харита билан таъминланмагани (бор хариталар дарсликка қистирма қилиб чиқарилмасдан алоҳида нашр этилиши уларнинг ҳамма мактабларга ҳам етиб боради, дегани эмас) ўқувчиларнинг харитани билмасликларига олиб келмоқда.

Ҳолбуки, бизда ҳам 2004 йилда нашр этилган 10-синф «Жаҳон тарихи»¹⁰³ дарслиги харита билан чиқарилган эди. Бундан ташқари 10–11-синф дарсликларида архив манбалари, тарихий ҳужжатлардан парчалар, интернет сайтларидан маълумотларнинг бериб борилиши ўқувчиларда тарихий билимларни ривожлантиришга, дунёқарашнинг кенгайишига ёрдам беради. Энг сўнги нашр этилган 10-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихи»¹⁰⁴ дарслигида эса юқорида тавсия қилинган манбалар тугул ҳатто, хронология, лугат, умумий хулоса ҳам берилмаган.

Дарсликнинг сўнгида яқуний, умумий хулосалар бериб бориш лозим, бу ўқувчида ўзлаштираётган мавзунинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини

¹⁰³ Ҳидоятлов Г. Жаҳон тарихи: 10-синф ўқувчилари учун дарслик –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.416.

¹⁰⁴ Ражабов К., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (1917-1991- йиллар): Ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун дарслик. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2017. – 144 б.

таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантиради. Натижада унинг тарихий онги ривожланади, тарихий хотираси мустаҳкамланади. Афсуски, ҳозирги умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган юқори синф тарих фани дарслиklarининг барчасида мавзудан кейин умумий хулосалар берилмаган. Шунингдек, ўрта синф тарих фани дарслиklари охирида ўқиш учун тавсия қилинган тарихий-бадий асарлар рўйхатини бериш ёки улардан мавзулар орасида парчалар келтириш мақсадга мувофиқ. Шунда ўқувчининг фани ўзлаштиришга бўлган интилиши ортади. Қўшимча адабиётлар бир томондан, ўқувчининг ўрганилаётган тарихий давр ҳақидаги тасаввурини кенгайтирса, иккинчидан, бадий адабиётга бўлган қизиқишни ривожлантиради, унда мутолла маданиятини шакллантиради.

Академик лицей ва касб ҳунар коллежлари учун нашр этилган тарих дарслиги (Лафасов М. Жаҳон тарихи (1918–2012) академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик Тошкент: Турон-иқбол, 2015. – 400 б.) да рақам ва маълумотлар шу қадар кўпки, бу ўқувчида мавзу моҳиятини тушуниш, воқеа-жараёнларга мустақил муносабат билдиришга имкон бермайди ва ўқувчида тарихий баҳо, тарихий тафаккур, тарихий нуқтан назар ривожланишини сусайтиради. Шунинг учун дарслиklarни тарих фанини ўқитиш фақат сана ва исmlарни ёдлатиш эмас, деган ғоя асосида қайта кўриб чиқиш керак.

Баъзан бу ҳолнинг аксини кўраимиз. Қ.Ражабов ва А.Замонов муаллифлигидаги ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун «Ўзбекистон тарихи» дарслиги ҳажман юқорида кўрганимиз «Жаҳон тарихи»дан уч марта қисқа. Унда давлат арбоблари, маърифатпарвар зиёлилар, олим ва сиёсатчилар ҳақида алоҳида маълумотлар айтарли берилмаган. Ўқувчида миллий рух пайдо бўлишига, ватанпарварлик туйғуси кучайишига туртки берадиган эркинлик, озодлик, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш мавзулари кенг ёритилмаган. Ўқувчида ижтимоий ва сиёсий вазиятларни таҳлил қилиб, баҳолай олишга йўналтирилган қўшимча савол ва топшириқлар дарсликдан

Ўрин олмаган. Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатган ватандошларимиз тўғрисидаги маълумотлар улардан ўқувчилар таъсирланиб, ватанпарварлик ҳиссиётлари жўш уришига сабаб бўладиган даражада эмас.

Дарсликлардаги тарихий воқеалар, тарихий шахсларнинг талқинида ҳам маромига етмаган, тескари таассурот уйғотадиган, «қош қўяман деб кўз чиқарган» ўринлар учраб туради. Биргина мисол, 9-синф «Ўзбекистон тарихи»¹⁰⁵ дарслигининг «Андижон кўзғолони» мавзусида кўзғолон етакчиси Дукчи Эшонга берилган таъриф ўқувчида мутаассиб диндор, одамларни алдаган ёлғончи-фирибгар сиймосини гавдалантиради.

Ўзбекистон тарихи дарсликларидида кўпинча миллий ғоянинг асосий тамойиллари, мавзулар моҳиятига етарли даражада сингдирилмаган (миллий истиқлол даври тарихига оид дарсликларда ҳам бу ҳолат кузатилади) бўлиб, асосан давр тарихининг қуруқ баёни билан чекланиб қолинган. Бундан ташқари ўқитувчилар учун алоҳида методик қўлланмалар ишлаб чиқилмаган, борлари ҳам вилоятларга етиб бормаяпти. Тадқиқот давомида ўқитувчилар билан суҳбатларда маълум бўлди-ки, ўқитувчига ёрдам берадиган, унинг билимини бойитишга хизмат қиладиган, ҳар бир дарслик учун алоҳида кенгайтирилган қўлланма ва адабиётлар йўқ. Ўқитувчи учун яратилаётган методик қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва бойитиш, ўқитувчиларга ҳар бир дарсликни ўқитишга қўмак берувчи алоҳида қўлланмалар яратиш ва тарихий-бадиий адабиётлар таъминотини яхшилаш, уларнинг билими ва фанига бўлган муносабатини ўзгартиради, ўз устида ишлашига қўпроқ ёрдам беради. Шу маънода умумтаълим мактабларининг 6-синф тарих ўқитувчилари учун 1994 йили академик А.Р. Муҳаммаджонов томонидан нашр эттирилган қўлланмани (А.Р. Муҳаммаджонов. Ўзбекистон тарихи (V асрдан XVI аср бошларигача). Тошкент: Ўқитувчи. – 320 б.) қайта нашр этиш мақсадга мувофиқ. Гарчи бу методик қўлланмадаги мавзулар ҳозирги пайтда 7-синфда ўтирилаётган бўлса-да, мазкур китоб ўзининг мукамаллиги,

¹⁰⁵ Тиллабоев С., Замонов А. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари): Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. –Тошкент: Шарқ, 2014. – Б.68.

мавзуларнинг кенг ва тушунарли баён этилгани, ёрдамчи маълумотларнинг тўлақонлилиги, луғат ва расмларнинг ўз ўрнида келтирилгани ва бошқа фазилатлари туфайли бугунги ўқитувчининг ҳам меҳнатини энгиллаштиришга ҳисса қўша олиши билан диққатни тортади.

Республикаимизнинг бир қатор ҳудудларида 2017 йилнинг апрель-май ойларида олиб борилган социологик тадқиқот даврида ўқувчилардан ташқари мактаб ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тарих фани ўқитувчилари ва университетнинг тарихчи мутахасисларидан умумий ўрта таълим муассасаридаги таълим жараёни, ўқувчиларнинг тарих фанини ўзлаштиришлари, мактаб ва ўрта махсус таълим муассасаларининг дарсликлар билан таъминланиши, тарихий-бадий адабиётларнинг мавжудлиги ҳамда ижтимоий йўналишларда олиб борилаётган турли тўғарақлар фаолиятини ўрганиш мақсадида эксперт-сўров ўтказилди.

Иштирокчиларга «Сизнингча, ўқувчилар бирор бир олий таълим масканига киришдан олдин нима учун репититорга боришга мажбур бўляпти?» –деган савол билан мурожаат этганимизда уларнинг 90 % и мактабларда ўқувчиларнинг етарли билимга эга бўлмаслигига асосий сабаб ўқитувчиларда касбга бўлган салбий муносабат шаклланиб қолганлиги, турли жамоат (жумладан, қишлоқ хўжалик) ишларга доимий жалб қилиниши, иш ҳақининг пастлиги, имтиёзларнинг чекланганлиги, дарс соатлари камлиги натижасида кўплаб истеъдодли эркак ўқитувчилар (айниқса, ёшлар) бошқа ишга ўтиб кетиш ҳолатлари, деб ҳисоблайди. Натижада ўқувчилар таълим муассасаларидан кўра нодавлат таълим марказларига, репититорларга қатнаб илм олишларига тўғри келмоқда.

Мазкур сўров натижасида экспертлардан ижтимоий фанларнинг аҳамиятини оширишга ёрдам берувчи бир қатор таклифлар ҳам олинди. Жумладан, «Мактабларда тарих фани ўқитилишини самарали ташкил этишга оид таклифларингиз?» сўровига биринчи навбатда фаннинг аҳамиятини оширишга катта эътибор қаратиш лозим, деган фикр олинди. Иккинчидан, улар юқори синф тарих дарсликларида берилаётган мавзуларда ўтмишни

бугун ва келажак билан боғлашга алоҳида урғу бериш зарурлигини, дарсликларда берилган маълумотларнинг ўқувчилар учун содда ва тушунарли бўлиши, худудларда тарихий музейларнинг фаолиятини яхши йўлга қўйиш, уларнинг таълим муассасалари билан алоқаларини натижадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, таълим муассасалари кутубхоналарини миллий тарихий-бадний адабиётлар билан лозим даражада тўлдириш, ўқувчиларни қўшимча хронологик хариталар билан таъминлаш, ўқитувчилар учун дарсликлардан ташқари ёрдамчи методик қўлланмалар чоп этишни мақсадга мувофиқ ҳисоблашади.

Шунингдек, эксперт-сўров давомида бугунги кунда мактабларда ўқитилаётган тарих фани дарсликларининг аҳволи ва унга ўқитувчиларнинг муносабатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўқитувчиларнинг деярли барчаси дарсликларнинг ҳажман жуда кичиклиги уларда берилган маълумотларнинг саёзлигига сабаб бўлаётганини билдирди. Сўров иштирокчиларининг 57 % и дарсликларнинг ҳажм жиҳатдан жуда озлиги ўқувчида саёз билим шаклланишига олиб келмоқда, 36 % и эса дарсликлардаги маълумотлар жуда қисқа берилганлиги ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишнинг сусайишига сабаб бўлмоқда, деган фикрда.

Тадқиқот давомида бугунги кун ёшларининг миллий тарихимизни эгаллашга ва ўтмиш маданиятига бўлган муносабатлари ўрганилди. Натижада иштирокчиларнинг 50 % и ҳозирги кунда тарихни ўрганишга бўлган муносабат ёшлар орасида сусайиб бораётганлиги, бу ҳолат таълим тизимидаги ислохотларнинг самарасизлиги оқибатида узоқ вақт давомида келиб чиққанлиги билан изоҳлайди. Шунинг учун ҳам 57 % экспертлар юқори синф ўқувчиларида ўтмишни ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилишларини 50 % гача баҳолайди.

Ўзбекистон–Германия тарихчилари ҳамкорликда нашр этган монографияда қуйидаги фикрга алоҳида урғу берилганки, биз бунга қўшиламыз: «Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар таълимнинг долзарб вазифалари ёш авлодни юксак маънавият ҳамда бой ахлоқий ва гуманистик

тамойиллар асосида тарбиялаш муаммолари билан узвий боғлиқ. Шу боисдан ҳам тарихнинг чуқур илдизларига мурожаат қилиш, шу билан бирга замонавий Ўзбекистон тарихининг ислохотлар ва янгиланишларини, унинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғунлашувини, халқимизнинг тарихий-маданий меросига мутлақо янгича муносабатини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади»¹⁰⁶.

Таникли француз тарихчиси ва адиби Марк Ферро таъкидлаганидек, «тарихни болаларга, боринки – катталарга ҳам, қандай кўринишда етказишга қараб, шу онда жамият ўзи ҳақида нималар ўйлаши ва вақт ўтиши билан унинг ҳолати қандай ўзгариши ҳақида билиб олиш мумкин. »¹⁰⁷ Айнан бугун биз ёш авлодимизни тарихимизнинг қайси шонли саҳифаси билан куроллантирсак, уларнинг тарихий хотирасига муҳрласак, эртага шунга монанд фарзандлар етишиб чиқади. Бежиз халқимизнинг «Уч оғайни ботирлар» эртагида ота вояга етган ўғилларига қарата: «Кўрқитмай ўстирдим – ботир бўлсин деб» дея мурожаат қилмаган.

3.2 -§. ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ТАРИХИЙ ОНГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Миллий мустақиллик йилдан йилга тарихий хотирани тиклаш, анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун улкан имкониятлар яратиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105- сон¹⁰⁸ қарори халқимиз истиқлол йилларида босиб

¹⁰⁶ Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. –Б.54.

¹⁰⁷ Ферро М. Как рассказывают историю детям в разных странах мира – Москва: 1992. С. 9.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105 - сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: №26. – Б.40.

* Олмалик шаҳрида турли миллат вакиллари истиқомат қилгани боис ҳар хил миллат ўқувчиларининг мамлакат тарихига муносабатини ўрганиш назарда тутилди.

Ўтаётган тарихий йўлнинг нақадар буюклиги, амалга оширилаётган умуммиллий дастур ва режаларнинг бениҳоя серкирралигини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси бугунги ўсиб келаётган ёшларга ҳар томонлама таъсирини ўтказмоқда. Илмий ишимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда тарихий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳолатларини ўрганиш учун Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг бир қатор туман ва шаҳарларида ҳамда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида* 2011 ва 2017 йилларда эмпирик тадқиқотлар ўтказилди.

«Ўзбекистонда ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантиришнинг социологик ёндашувлари» мавзусида 2017 йилнинг апрел – май ойларида ўтказилган амалий тадқиқотлар мактаб(юқори синф ўқувчилари), коллеж ва академик лицейларнинг ўқувчи ёшларини қамраб олди.


Тадқиқотга юқорида айтилган вилоятларнинг тасодикий танлов асосида ажратиб олинган ҳудудларидаги умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчи ёшлари ҳамда Олмалиқ шаҳридаги бир қатор мактабларнинг юқори синф ўқувчилари жалб қилинди.

Сўровнома ушбу таълим муассасаларидаги гуруҳ ва синфларни тасодикий танлаб олиш орқали амалга оширилди. Бутун тадқиқот мобайнида ҳаммаси бўлиб 1200 та респондент иштирок этди.

Тадқиқотда респондентлар 25 та саволдан иборат сўров-анкетага жавоб бердилар. Сўров-анкета саволларига жавоб бериш натижасида ўқувчи ёшларнинг тарих фани ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларни ўзлаштириш даражаси ва билимлар қандай воситалар ёрдамида ўқувчиларга етказилса, таълим жараёни янада самаралироқ бўлиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг миллий кадриятлар, маданий мерос, анъана ва урф-одатларимизга муносабати, маҳаллий тарихга кизиқиш даражаси ҳамда уларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ва ривожлантириш учун қўлланиладиган восита ва омиллар ўрганилди.

Тадқиқот давомида тарих фани дарсликларида ўқувчилар тарихий онгини тизимли ривожлантирувчи маълумотлар ва уларнинг ёшлар

хотирасида қай даражада сақланиб қолиши социологик сўровномадан ташқари суҳбат, эркин интервью, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганилиб, таҳлил қилинди. Социологик тадқиқот иштирокчиларининг 43 фоизини (518 нафар) ўғил бола ва 57 фоизини (682 нафар) қиз бола респондентлар ташкил этди.



3.1-расм. Респондентларнинг яшаш манзили

Ўқувчиларнинг тарих ҳақидаги тушунчасини ва уларнинг тарихга муносабатини билиш мақсадида «Тарих деганда нимани тушунасиз?» деган савол берилди. Респондентларнинг 2 % и – «умуман, бир нарса дейишим қийин», 1,4 % и – «афсона ва ривоятларни», 36,6 % и – «дарсликда ёритилган маълумотларни», 57,3 % и – «ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар мажмуини» деб жавоб берган бўлса, 2011 йилдаги тадқиқотда 6 % и – «умуман, бир нарса дейишим қийин», 7 % и – «афсона ва ривоятларни», 7 % и «дарсликда ёритилган маълумотларни», 80 % – «ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар мажмуини» дея жавоб берган. Бундан кўриниб турибдики, ўтган вақт мобайнида тарихга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарган. Тарих деганда «дарсликда ёритилган маълумотларни» тушунувчи

респондентларнинг ҳиссаси ошганлиги (36,6 %) уларнинг тарихни илмий англашга интилишлари ортганидан дарак беради.

Жадвал № 3.2.

**Ўқувчилар тарихни қандай тушунади
(2017 йил анкета-сўрови натижаси).**

«Тарих» деганда нимани тушунаси?	Яшаш манзили	Ўғил болалар		Қиз болалар	
		сон	процент	сон	процент
Умуман бир нарса дейишим қийин	шаҳар	11	0,9%	3	0,3%
	қишлоқ	4	0,3%	6	0,5%
Дарсликда ёритилган маълумотларни	шаҳар	87	7,3%	72	6,0%
	қишлоқ	132	11,0%	147	12,3%
Ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар мажмуини	шаҳар	81	6,8%	137	11,4%
	қишлоқ	181	15,1%	288	24,0%
Афсона ва ривоятларни	шаҳар	3	0,3%	2	0,2%
	қишлоқ	4	0,3%	7	0,6%

Респондентларнинг юқоридаги анкета сўровномасига берган жавоблари қишлоқ ўқувчиларини тарихни тўғри англай олишлари билан афсона ва ривоятлар орқали англашларини кўрсатмоқда. Қолаверса, тарихни англаш уни нима эканлиги ҳақидаги тасаввур, йигитлардан кўра қизларда каттароқ фоизни кўрсатди.

Ўқувчиларнинг ватан ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш мақсадида берилган анкета саволига иштирокчиларнинг 13,4% – «севимли диёр», 12% – «авлод-аждодларим ватани», 71,5% – «мен туғилиб ўсган мамлакат» жавобларини танлашди. Ушбу анкета саволига 2011 йилда иштирок этган респондентларнинг 18% и «авлод-аждодларим ватани», 20,5% и эса «севимли диёр», 51% и «мен туғилиб ўсган мамлакат» деб жавоб беришган эди. Юқоридаги жавоблардан ҳозирда ўқувчиларнинг ватан ҳақидаги фикрлари бирмунча кенгайганини, улар ватанни ўз шахси билан боғлаган ҳолда тасаввур этишларини кузатдик.

Ёшлар ватанни қуйидагича тушунади.

Ўзбекистон сиз учун ниманинг ифодаси ҳисобланади?	Яшаш манзили	Ўғил болалар		Қиз болалар	
		Шаҳар	Қишлоқ	Шаҳар	Қишлоқ
Севимли дийр	шаҳар	25	2,1%	31	2,6%
	қишлоқ	46	3,8%	59	4,9%
Авлод- аждодларимнинг ватани	шаҳар	29	2,4%	32	2,7%
	қишлоқ	38	3,2%	44	3,7%
Мен тугилиб ўсган мамлакат	шаҳар	126	10,5%	155	12,9%
	қишлоқ	235	19,6%	342	28,5%

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг ватанпарварлик тушунчасига муносабатлари ўрганилди. Сўровнома натижаларининг кўрсатишича, ватанпарварлик деганда респондентларнинг 5 % и – «миллий тарих, кадриятларни билишни», 7 % и – «ҳамиша эзгу ишлар билан шуғулланишни», 20 % и – «доим халқ хизматида бўлишни», 68 % и «ўз миллатига садоқатли бўлишни» тушунади экан.



3.2-расм. Ёшлар ватанпарварликни қандай тушунади.

(2017 йил анкета-сўрови натижаси).

Ушбу сўров 2011 йилдаги социологик тадқиқотда ҳам мавжуд бўлиб унда 11 % и – респондент «миллий тарих, кадриятларни билиш», 12 % и – «доим халқ хизматида бўлишни», 13 % и – «ҳамиша эзгу ишлар қилишни»,

63% и – «Ўз миллатига садоқатли бўлишни» тушунишини билдирган. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турганидек, йиллар давомида ушбу тушунчаларга муносабат ўзгариб бормоқда. Худди шунга ўхшаш сўров-анкетаси 2013 йилнинг 25–28 октябрь кунлари Россия Федерациясининг 130 та аҳоли пунктларида 1603 кишидан иборат респондентлар ўртасида ҳам ўтказилганда уларнинг 70 % и – «Россияда яшашидан ғурурланишини билдирган.»¹⁰⁹

Шу билан бирга, социологик тадқиқот давомида ўқувчиларга ўтмишда ватан озодлиги ва ҳимояси учун курашган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган қаҳрамонларни билишларига алоқадор саволлар билан мурожаат қилдик.

«Ўтмиш аجدодларимиздан мардлик, жасорат рамзи сифатида кимларни кўрсатган бўлар эдингиз?» сўров-анкетасига респондентларнинг 6,5 % и – «Собир Раҳимов, Тўйчи Эрайитов, Мамадали Топиболдиев», 3,8 % и – «Озод Шарафиддинов, Зулфия, Ойдўстбий», 7,6 % и – «Усмон Носир, Пўлатхон, дукчи Эшон, Файзулла Хўжаев, Чўлпон», 21,4 % и – «Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Абдулла Қодирий» 7,1% и – «Шерғозихон, Пўлатхон, дукчи Эшон, Намоз Пиримкулов, Қурбонжон додхо», 93,8 % и – «Амир Темур, Ислон Каримов, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик» деб жавоб беришган. Ҳозирги глобаллашув жараёнларини таъсири остида ёшлар тарихий онгининг ривожланиши ҳамда шаклланишининг салбий томонга ўзгарганлигини биз ушбу сўров анкетасига берилган жавоблар орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Респондентлар ҳамма учун маълум ва машхур бўлган шахсларни билган ҳолда, миллий тарихимизда муҳим ўрин тутган миллат ва давлатчилигимиз тарихида улкан хизматлар қилган шахслар ҳақидаги билимлари, улар ҳақидаги тасаввурлари пастлигини кўрсатди. Агар ушбу жараённи олди олинмаса, яқин келажак авлод ўз тарихий аجدодлари ҳақидаги билимларидан бутунлай маҳрум бўлади.

¹⁰⁹ Аргументы и факты. 2013 №48. 27 ноября – 3 декабря – С. 2.

**Ўқувчилар қуйидаги шахсларни мардлик, жасорат рамзи сифатида
биладилар.**

Ўтмиш аждодларимиздан мардлик, жасорат рамзи сифатида кимларни кўрсатган бўлар эдингиз?	Ўғил болалар		Қиз болалар	
Амир Темур, Ислон Каримов, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик,	4486	40,5%	640	53,3%
Шерғозихон, Пўлатхон, Дукчи эшон, Намоз Пиримкулов, Курбонжон додхох,	40	3,3%	46	3,8%
Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Абдулла Қодирий,	113	9,4%	144	12,0%
Озод Шарафиддинов, Зулфия, Ойдўстбий,	16	1,3%	30	2,5%
Собир Раҳимов, Тўйчи Эрайигитов, Мамадали Топиболдиев,	36	3,0%	42	3,5%
Усмон Носир, Пўлатхон, Дукчи эшон, Файзулла Хўжаев, Чўлпон	31	2,6%	60	5,0%

Иштирокчиларнинг жавобларидан кўриниб турганидек, кўпчиликка маълум бўлган шахсларни белгилашганлиги табиий ҳол эса-да, бошқа жавоблардан респондентларда мардлик, жасорат, қаҳрамонлик кўрсатган тарихий шахслар ҳақидаги билимлар саёзлиги аён бўлиб қолган. Ачинарлиси, 6,5 фоизгина респондент Собир Раҳимов, Тўйчи Эрайигитов, Мамадали Топиболдиев каби Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳақида маълумотга эга экан.

Шунингдек, тадқиқот давомида ўқувчи ёшлар тарихий онгининг янгилиниб, ривожланиб боришига бевосита таъсир кўрсатадиган тарих, адабиёт фанларининг ўқувчилар томонидан мукамал ўзлаштиришлари учун ёрдам берувчи воситаларни ҳам ўрганилди.

Респондентларнинг 36,2 % и – фанларни ўзлаштиришда дарсларда қўшимча «тест, савол-жавоб асосида тузилган ўқув қўлланмалар» зарур эканлиги, 21,1 % и – «видео, электрон материалларни», 12 % и – «ўқув марказлари томонидан нашр қилинаётган қўлланмалар» самарали эканлигини эътироф этгани ҳолда 29,2 фоиз респондент дарс жараёнларида берилаётган билимнинг ўзини етарли ҳисоблайди.

Жадвал № 3.5.

Тарих ва адабиёт фанларини ўзлаштиришда ёрдам берувчи воситалар.

Сизга тарих, адабиёт фанларини ўзлаштиришда нималар кўпроқ ёрдам бермоқда?	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	Саноат	Саноат	Саноат	Саноат
Дарс жараёнларида берилаётган билимнинг ўзи ўзлаштириш учун етарли ҳисоблайман	174	14,5%	176	14,7%
Тест, савол-жавоб асосида тузилган ўқув қўлланмалар	179	14,9%	255	21,3%
Видео, электрон материаллар	105	8,8%	147	12,3%
Ўқув марказлари томонидан нашр қилинаётган қўлланмалар	47	3,9%	97	8,1%

Шунингдек, ўқувчиларнинг 64.8 % и – фанларнинг ўзлаштирилиши учун ўқув марказларига ва репетиторга қатнашни истагини билдирди. Мактаб, коллеж, ҳатто, академик лицей ўқувчилари таълим даргоҳларида оладиган билимларидан кўра хусусий ўқув марказлари ва репетиторларнинг сабоғини самарали ҳисоблашади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276- сон қарори хусусий таълимни ривожлантириш, тубдан ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи ижодий даҳосининг меваси бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган бўлиб, биз учун

гўёки тирик тарих ифодасидир. Шунинг учун тарихий маданий обидалар узок ўтмишни эслатиб турувчи иншоотгина эмас, балки кишида миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини тарбияловчи, ўтмиш хақида холис тарихий маълумот берувчи, тарихий ватанпарварликни юксалтирувчи, қолаверса, тарихий онгнинг шаклланишига хизмат қилувчи тарихий маданиятни ифода этувчи муҳим восита ҳам ҳисобланади.

Ўқувчиларда тарихий онгни ривожлантиришда катта ўрин тутадиган манбалар сирасига маҳаллий тарихий ашёлар, шу ердаги тарихий ёдгорлик ва обидалар, зиёратгоҳлар, ҳатто афсона ва ривоятларга қоришиб кетган географик манзиллар: булоқлар, тепаликлар, қадимий дарахт ва ҳоказолар киради. Маҳаллий тарихий манбаларни ўрганиш ўқувчида дастлаб, манба хақида тасавурни шакллантиради, онгда «жонли тарих» гавдаланади, натижада ўз ўтмишини билиш, уни ўрганишга интилиш ривожланади. Шу билан бирга ўқувчида тарихий идрок, тарихий тафаккур каби тушунчалар шаклланади. Социологик тадқиқотимиз давомида ўқувчилардан дарс жараёнида тарих ўқитувчисининг ҳудуддаги маҳаллий тарихий манбаларга ҳам мурожаат этиши масаласи сўралди.

Жадвал № 3.6.

Тарих фани дарсларида маҳаллий тарихий материаллардан фойдаланиш.

Тарих дарсларингизда ҳудуддаги маҳаллий тарихий материаллардан фойдаланиладими?	Ўғил болалар		Қиз болалар	
Ҳа	174	14,5%	202	16,8%
Йўқ	164	13,7%	230	19,2%
Қисман фойдаланилади	151	12,6%	223	18,6%

«Тарих дарсларингизда ҳудуддаги маҳаллий тарихий материаллардан фойдаланиладими?» деган саволга 14 % эркак ва 16,8 % аёл респондентлар «ҳа» жавобини, мос равишда 12,6 % эркак ва 18,6 % аёл «қисман фойдаланилади» жавобини бергани ҳолда, 13,7 % эркак ва 19,2 % аёл ёки 394

нафар, яъни 32,9 % респондент «йўқ» деган фикр билдиришган. Агар «қисман фойдаланилади» дегувчиларнинг жавобида ҳам инкор маъноси кўплигини назарда тутсак, дарсда маҳаллий тарихий материаллардан фойдаланмаслик ҳолати 64,1 фоизни ташкил этади.

Шунингдек ўқувчилардан маҳаллий тарихий манбаларни дарс жараёнларида ўрганишлари билан бирга яшаётган ҳудуд тарихига бўлган қизиқишлари ҳам тадқиқ қилинди. Респондентларга «Яшаш жойингиз тарихини биласизми?» деган анкета саволи билан мурожат этганимизда иштирокчиларнинг 41,5 % и – билишини, 59,9 % иштирокчи эса қисман ўрганганлигини, 5,7 % респондент «бу ҳақда ўйлаб кўрмаган» эканлигини 1,8 % респондентлар «йўқ билмайман» дея жавоб беришди. Таҳлил натижаларига кўра яшаш жойи тарихини билиш ва ўрганишга бўлган интилиш бугунги кунда ўқувчи ёшлар орасида қониқарли аҳволда деб бўлмайди.

Жадвал № 3.7.


Ўқувчиларнинг маҳаллий тарихни ўрганишга бўлган қизиқишлари

Яшаш жойингиз тарихини биласизми?	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	Саноат	Процент	Саноат	Процент
Ҳа, биламан	207	17,3%	290	24,2%
Қисман қизиқиб ўрганганман	263	21,9%	336	28,0%
Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман	26	2,2%	42	3,5%
Йўқ билмайман	15	1,3%	6	0,5%

Маълумки, бола ўзига яқин бўлган, таниш бўлган нарсаларни биринчи навбатда кузатади, унга қизиқиш ҳосил қилади. Кичиклигидан эшитиб, билиб юрган воқеа ва ҳодисаларни хотирасида яхши ушлайди. Ўзи яшаётган ҳудудда – қишлоқ ёки шаҳарда мавжуд тарихий жойлар, ривоятларга қоришиб кетган қадимий бинолар, тепаликлар-у сойлар, хуллас, тарихга вобаста неки бор болага сирли-синоатли кўринади. У ҳақда кўпроқ нарсани эшитишга, билишга унда истак уйғонади. Тарих ўқитувчиси ана шу

психологик вазиятдан, мурғак қалбда атрофни билишга пайдо бўлган ҳавасдан мохирона фойдаланиши, шогирдининг онгига ўз юртининг, кичик ватанининг тарихи, ўтмишдаги ажойиб-ғаройиб воқеалар, ном чиқарган боболар-у момолар ҳақида сўзлаб бериши, шу қишлоқнинг, маҳалла ёки гузарнинг тарихи Ватан тарихининг бир бўлаги эканини тушунтириши керак. Шундагина боланинг тафаккурида тарихий онг мавҳум бир нарса эмас, балки атрофидаги олам билан боғлиқ, гўё «моддийлашган» тушунча бўлиб шаклланади.


Бу фикрлар ўқитувчи, айниқса ўз ўқувчисида тарихий онгни пайдо қилишга, уни ривожлантириб ўстиришга бел боғлаган тарих фани ўқитувчиси ижодкор бўлиши керак, деган аксиомани яна бир бор такрорлашга ундайди. Бунинг устига ўқувчиларнинг 69,5 % и ўзлари яшаётган ҳудудда маҳаллий кишиларнинг ўтмиш маданиятига муносабатини қониқарли ҳисоблайдилар.



3.3-расм. Ҳудуддаги аҳолининг ўтмиш маданиятига муносабати ўқувчилар нигоҳида.

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг тарихий онгини ривожлантиришга ёрдам берувчи воситалар (музей, театр, кутубхона)дан таълим муассасалари қандай фойдаланишлари билан қизиқдик.

Респондентларнинг 41 % и эътироф этишича, мактаб маъмурияти томонидан музей, кутубхона, театр ва ҳоказоларга турли саёҳатлар ташкил этилиб турар экан.




3.4-расм. Таълим муассасасида музей, кутубхона, театрларга саёҳатларни ташкил этилганлиги.

Амалий тадқиқот жараёнида ўқувчилардан таълим муассасаларининг китоб мутолааси билан шуғулланиш хоналари бор-йўқлиги, муассаса кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказларининг тарихий адабиётлар билан таъминланганлик даражасига оид бир қатор саволларга жавоблар олинганда улардан бор-йўғи 37 % и ижобий жавоб бўлиб чиқди холос. Наманган давлат университетининг тарих йўналиши талабалари ўртасида ўтказилган сўров-анкета саволларида юқори курс талабаларининг 72 % и тарихий-бадиий мавзудаги адабиётларни ўқувчилар тарихий онгини мустаҳкамлашдаги асосий воситалардан бири, деб ҳисоблашлари маълум бўлди. 55 % респондент эса шу мавзуларга оид интернет сайтларини кўпайтириш кераклигини таъкидлашган.

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг тарихий онгининг ривожлантиришга амалий ёрдам берувчи воситалар, миллий урф-одат ва маросимлар, анъаналар, миллий халқ ўйинларига бўлган муносабатларини ҳам ўргандик. Респондентларнинг 9 % и миллий урф-одат ва маросимларни

жамият тараққиётига ғов деса, яна 9 % и миллий урф-одат ва маросимларни замонга мослаб бориш керак, деб ҳисоблайди, 11 % и миллий урф-одат ва маросимлар ҳозирда ўз ахамиятини йўқотиб бормокда деан фикрда, 33 % респодент миллий урф-одат ва маросимларнинг ўз ахамиятини йўқотмаслиги учун уларни болаликданок сингдириб сақлаб қолишни зарурлигини, 38 % и миллий урф-одатларимиз билан фахрланаман ва уни умуминсоний анъаналарга айлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижаларига кўра 88 % ота-она фарзандларига ўз аждодлари ҳақида гапириб беришар экан.



3.5-расм. Ота-оналар ўз аждодлари ҳақида фарзандларига гапириб беришлари.

Шахс тарихий онги ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг, маданият ва санъатнинг роли беқиёс эканлиги ҳамма илмий адабиётларда бот-бот қайд этилади. Ҳозирги глобаллашув даврида улар ҳар бир инсон, миллат ёки бутун бошли халқларнинг тарихий онги ва дунёқарашига катта таъсир ўтказмокда. Буни биз турли телеканалларда намоиш этилаётган фильмларнинг ёшларга таъсиридан ҳам кўришимиз мумкин. Сўров-анкета иштирокчиларга берилган «Миллий телеканалларимизда намоиш этилган

ёки этилаётган фильм қаҳрамонларидан қайсилари ёдингизда қолган?» анкета саволига респондентларнинг 9,6 % и – «Жумонг, Пўлат, Аржун, Кришна, Сагар, Исо Масих, Косем», 15,5 % и – «Чаплин, Неш, Гладияторлар, Қирол Артур, Мерлин, Косем», 20,8 % и – «Улуғбек, Алпомиш, Сезар, Ибн Сино, Викингллар, Максимус», 22 % и – «Косем, Жумонг, Ошин, Жек, Ганди, Робин Гуд», 68,4 % и – «Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Улуғбек, Навоий, Бобур» деб жавоб қайтаришди.

Жадвал № 3.8.

Миллий телеканалларда намойиш этилган ёки этилаётган тарихий фильм қаҳрамонларининг ўқувчилар хотирасида сақланиб қолиши.

Миллий телеканалларимизда намойиш этилган ёки этилаётган тарихий фильм қаҳрамонларидан қайсилари ёдингизда қолган?	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	Саноат	Саноат	Саноат	Саноат
Косем, Жумонг, Ошин, Жек, Ганди, Робин Гуд	90	7,5%	174	14,5%
Амир Темур, Жалолиддин, Улуғбек, Навоий, Бобур	357	29,8%	463	38,6%
Улуғбек, Алпомиш, Сезар, Ибн Сино, Викингллар, Максимус	143	11,9%	107	8,9%
Жумонг, Пўлат, Аржун, Кришна, Сагар, Исо Масих, Косем	49	4,1%	54	4,5%
Чаплин, Неш, Гладияторлар, қирол Артур, Мерлин, Косем	90	7,5%	96	8,0%

Ушбу сўров жавобларидан шуни англаса бўладики, бугунги кунда ўқувчи ёшларимиз миллий тарихий қаҳрамонларимиз ҳақида берилаётган бадий, маърифий, хужжатли фильмларни хотираларида яхши сақланиб қолган. Бундан ташқари респондентлар билан суҳбат жараёнида бадий-

оммабоп фильмлар ёшлар тарихий онгини ривожлантирувчи муҳим воситалардан бири эканлиги таъкидланди. «Ўзбекистон Ёш олимлари жамияти Тошкент ислом университети мутахассислари билан билан ҳамкорликда ўтказган кенг репрезентативли анкета сўрови натижаларини ўрганиш ҳам ўқувчи ва талаба ёшлар тарихий жанрдаги китобларни кўп ўқишини ва фильмларни севиб томоша қилишини кўрсатди»¹¹⁰.

Жадвал №. 3.9.

Қайси мавзудаги фильмларни ёқтирасиз.

Қайси мавзудаги фильмларни ёқтирасиз?		Жинсингиз		
		эркак	аёл	Жами
1	Тарихий	43,20	32,61	39,83
2	Илмий	17,65	15,65	17,01
3	Диний	11,76	12,61	12,03
4	Ишқ-муҳаббат	32,45	35,65	33,47
5	Кўрқинчли	11,16	13,91	12,03
6	Телесериаллар	7,30	25,65	13,14
7	Саргузашт	35,50	28,26	33,20
8	Комедия	53,75	56,96	54,77
9	Трагедия	7,51	10,43	8,44
10	Жангари	24,75	6,96	19,09
11	Барчасини	9,53	11,30	10,10
12	Ҳеч қайсисини	1,62	0,87	1,38
	Жами	100	100	100

Ушбу социологик тадқиқот тарихий мавзудаги асарларга, китоб ва фильмларга кизиқиш юкори эканидан далолат берса-да, чоп этилаётган асарлар, суратга олинаётган фильмлар шу эҳтиёжни қондира олмаётганини ҳам кўрсатди.

¹¹⁰ Ўзбекистон ёшларида дунёкараш уйғунлигининг шаклланиши муаммолари. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. – Б. 52.

Ўзбек киноси бугунги кунда асосан мелодрама, комедия, ишқий-саргузашт каби арзон, кассабоп фильмлар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолган. Ҳозирда Ўзбекистон телеканалларида намоёиш этилган ёки этилаётган хорижий мамлакатларнинг ўнлаб тарихий сериаллари, уларнинг миллий тарихларига бўлган муносабатлари нақадар баланд эканлигини кўрсатмоқда.

Қолаверса ушбу фильмлар бошқа миллат вакиллари орасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундай тарғиботлар кишилар тарихий дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг тарихий онгини ўзгартириб юбормоқда. Бунинг ёрқин далилини биз ўтказган социологик тадқиқот натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ўқувчиларнинг 68,4 % и тарихий аجدодларимиз ҳақидаги бадиий, маърифий, ҳужжатли фильмларни томоша қилиш орқали ёдда сақлаб қолган. Ушбу сўров жавобларидан шунинг англаса бўладики, бугунги кунда ўқувчи ёшларимиз нафақат миллий тарихий қаҳрамонларни, балки жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган тарихий ёки афсонавий шахслар ҳақидаги маълумотларни билиш даражалари яхши эмас.

Ўқувчилар онгида тарихий билимларни ўзлаштиришга бўлган муносабат қониқарли эмаслиги уларда тарихий шахс ёки қаҳрамонларимиз ҳақида тасаввурлар заифлашиб қолишига олиб келмоқда. Нима сабабдан бугунги кунда тарихга бўлган бундай муносабат авж олмоқда? Ҳозирги даврда иқтисодий муносабатлар, моддий эҳтиёжнинг ортиб бориши шахснинг маънавий ҳаётдан устувор бўлиб бормоқда. Шунинг учун миллат, мамлакат келажагини ўйлаган ҳар қандай жамият таълим-тарбия соҳасининг моддий таъминотида жиддий эътибор бериши, унга кенг имкониятлар яратиб бериши лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, мамлакатимизда таълим тизими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш сезиларли даражада оширилмоқда-ки бу мавжуд муаммоларни бартараф этишга олиб келади, деган позитив башоратларга сабаб бўлмоқда.

Респондентларнинг юқоридаги жавобларидан шундай хулоса чиқади, биринчидан, телеканалларда миллатимиз тарихига бағишлаб ишланган фильмлар оз, борлари ҳам тарихий воқеликни акс эттириш, қахрамонларимиз сиймосини бадий баркамол этиб тасвирлаш борасида мукамал эмаслиги боис лозим даражада таъсир ўтказа олмаяпти, иккинчидан, ёшларнинг кўпчилигида аجدодлар тарихини ўрганишга кучли интилиш сезилмайди, учинчидан, бугунги кунда хориждан кириб келаётган тарихий мавзудаги фильмлар ишланиши ва бадий-техник савияси жиҳатидан миллий кинолардан анча юқорилиги томошабинлар, айниқса, ёш кино ихлосмандларининг эътиборини жалб этиб, уларнинг диққат марказига чет эл қахрамонларини олиб чиқмоқда. Бошқача айтганда, ёшлар тарихий онгининг миллий қахрамонлар намунаси асосида шаклланишига путур етмоқда.

Қизиғи шундаки, бундай жараёнлар ўтган асрнинг 50–60- йилларидан Фарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари тарихида ҳам кузатилган. Шу боис Фарб жамиятлари XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб йўқотилган, унутилган маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий, оилавий қадриятларни эндиликда қайта тиклашга, асраб-авайлашга чорловчи фильмларни ишлаб чиқариш ҳамда намойиш қилиш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов, кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чоратадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олингани қайд қилиб, «лекин шунини ҳам холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қахрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир

муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоклашиб колгани сезилиб туради.»¹¹¹ дея таъкидлаган эди.

Шу боисдан миллий кино санъатимизни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августда «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3176- сон қарори¹¹² қабул қилинди. Кўрилаётган бу чоралар соҳанинг ривожланишини янги ўзганга солиши ва ёшларимизни миллий қаҳрамонларимиз намунаси асосида чинакам ватанпарварлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшишига умид уйғотаётгани қувонарлидир.

Тадқиқот жараёнида ўқувчилардан тарихий онгини ривожлантирувчи омиллардан яна бири қўшиқчилик санъати ҳақида бўлиб, биз бугунги кунда ёшларимиз томонидан қандай мавзудаги қўшиқларни ёқтириб тинглаши сўралди. Мақсад уларнинг тарихий, ватанпарварлик мавзуларидаги қўшиқларни тинглаши ва муносабатини аниқлаш. Респондентларнинг 23 % и – «севги, мухаббатни тараннум этувчи», 22 % и – «ватанпарварликни тарғиб этувчи, тарихий», 32,7 % и – «меҳр-оқибат, ҳалоллик мавзусидаги», 18,6 % «ҳаётий муаммоларни ўз ичига олган», 12,4 % и – «оммавий замонавий қўшиқларни» тинглаши аниқланди. Юқорида айтганимиздек, университет талабалари ўртасида ўтказилган сўров-анкета саволларида эса ушбу саволга 11 % и – «умуман қўшиқ тинглашни ёқтирмаслигини» 22 % и – «севги, мухаббат мавзусидаги», 33 % и – «ватанпарварликни тарғиб этувчи, тарихий», 44 % и – «оммавий замонавий қўшиқларни», 55 % и – «ҳаётий муаммоларни ўз ичига олган», 61 % и – «меҳр, оқибат, ҳалоллик мавзусига бағишланган қўшиқлар тинглашини» белгилаган. Атига 33 фоиз ўқувчилар тарихий ёки ватанпарварликни тараннум этувчи қўшиқларни тинглайди.

¹¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият,2008. – Б.111.

¹¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент. 2017 № 33. – Б.13

Ўқувчилар қуйидаги мавзулардаги кўшиқларни ёктиради.

Сизга қандай мавзудаги кўшиқлар ёқади? (Зтагача белгилаш мумкин)	Ўғил		Қиз	
	болалар		болалар	
Севги, муҳаббат	239	19,9%	250	20,8%
Ватанпарварликни тарғиб этувчи, тарихий	251	20,9%	303	25,3%
Меҳр-оқибат, ҳалоллик мавзусидаги	280	23,3%	401	33,4%
Ҳаётий муаммоларни ўз ичига олган кўшиқларни	266	22,2%	341	28,4%
Оммавий замонавий мавзулардаги	224	18,7%	301	25,1%
Сиёсий мавзудаги	89	7,4%	85	7,1%
Мен умуман кўшиқэшитмайман	5	0,4%	20	1,7%

Бундан кўринадики, бизда тарихий ҳамда ватанпарварлик мавзуларидаги ғояларни тарғиб қилувчи кўшиқларни тинглаш паст даражада. Сабаби бундай мавзудаги кўшиқларимиз жуда кам (борларини ҳам бугунги авлод унутиб бормоқда) уларни ёшлар онгига тез таъсир этувчи жанр ёки йўналишларда қайта ишлаб тарғиб, қилса бўлади. Бундан ташқари, умум ижро этиладиган миллий фольклоримизни ўрганиш, ёшлар онгига сингдириш ишлари қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Ўрганилса ҳам бирор бир илмий тадқиқот учун ёки тадбирлар ўтказиш учун ўрганилади. Ваҳоланки, миллатнинг маънавий-ахлоқий бирлигини, халқнинг ягоналигини тараннум этувчи бундай кўшиқларни ўқувчиларга мактаб даврлариданок ўргатиш, сингдириб бориш катта аҳамиятга эгадир.

Тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришда ўтмишни ҳар томонлама ўрганиб, унинг барча қирраларини таҳлил қилиш, шу пайтгача унутилган саҳифаларни қайтадан битиш зарур бўлади. Тарихчи олима Д.Алимова «Мозий сабоқлари» мақоласида қуйидаги ибратли ҳодисани келтиради:

«1711 йили Россия Азов денгизини бой бериб, Туркия султони билан сулх тузишга мажбур бўлгач, яна Ўрта Осиёга кўз тика бошлайди. Пётр I босқинчилик режаларини амалга ошириш учун ҳарбий экспедициялар ташкил этишга киришади. Жумладан, 1717 йилдаёқ Хива хонлигини забт этиш мақсадида Бекович-Черкасский раҳбарлигида 3000 кишилик ҳарбий экспедиция жўнатади. Хива хони Шерғозихоннинг юрт мустақиллигини сақлаб қолиш йўлидаги қатъий сазъ-ҳаракатлари билан ана шу ҳарбий гуруҳ тор-мор этилади ва Хоразм босқини 100 йил ортга сурилади»¹¹³

Шу каби воқеалар билан боғлиқ тасаввурлар, билимлар, миллий тарихий хотирамиздаги позитив томонларга ёрқин мисол бўлгани ҳолда миллий яқдилликнинг аҳамиятини, жипсликнинг ютуғини кўрсатади. Демак, мозий тажрибасининг ўтмишнинг даврий қатламларида муайян билимлар, тасаввурлар, позитив ва негатив баҳолар тарзида муҳрланиши, сақланиши, зарур ҳолларда қайта тикланишидан иборат бўлган мураккаб руҳий жараёнга миллий тарихий хотира дейилади.

Миллат ўз бошидан кечирган воқеа-ходисаларни, юксалиш ва таназзулларни, ижобий ҳамда салбий томонларни таҳлил қилар экан, сабабларни ўрганар экан, истиқболда хатоларнинг такрорланмаслиги, эришилган ютуқларни сақлаб қолиш, ривожлантириш заруратини тушуниб етади. Бу эса, бевосита миллий тарихий хотиранинг роли билан белгиланади. Шунингдек, миллий тарихий хотира аждодларнинг меҳнати, пешона тери эвазига яратилган меросни саклай олиш, улардан ибратли хулосалар чиқара олишни англатади. Зеро, ўтмишни ўрганиб, ундан ибратли сабоқ ола билган миллат ҳеч қачон ҳаётнинг паст-баланд йўлларида коқилмайди.

Ўзбекистон шароитида узлуксиз таълим тизими ўрта мактабларда олинган билимларни ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида янада чуқурлаштиришни, олий таълим муассасаларида эса, Ватан тарихини мукамал ва атрофлича ўрганишни назарда тутати. Олий таълим босқичида

¹¹³ Алимова Д. Мозий сабоқлари. Мулоқот, 2002, №6. – Б.8.

бирламчи ёзма манбалар, археологик ёдгорликлар, маданий осори атикалар кабиларни ўрганиш, этнография, лингвистика, кино ҳамда фотохроника, тарих фалсафасига доир билимларни бериш устувор ҳисобланади. Маълумки, ўз халқининг ўтмиши ҳақидаги билимларни болалар ўқувчилик даврида олади ва кўп ҳолларда системали билим олиш шу билан яқунланади. Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ёшларнинг тарихий онги ва тарихий хотирасини ривожлантириш давом эттирилади.

Олий таълим муассасаларида тарихий онг ва тарихий хотирани ривожлантириш янада юқори босқичда амалга оширилади, бу жараёнга алоҳида аҳамият берилади, чунки олий ўқув юртлари нафақат унда таълим олаётган ёшларга, балки талаба ёшларнинг оилавий, маҳаллий муҳитига ҳам сезиларли ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Олий малакали мутахассислар маънавий баркамол шахсга қўйиладиган талабларга жавоб бериши, улардан ўқитувчилар, яъни олган билимининг кейинги авлодларга етказиши лозим бўлган муаллимлар, халқда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун масъул бўлган мураббийлар шаклланади.

Конкрет-социологик тадқиқотлар давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, мактаб, коллеж ва академик лицейларда ўқитилаётган тарих фани, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» дарсликларида миллий ғурур, миллий ор-номус, бағрикенглик ва соғлом эътиқод, тарихий ватанпарварлик ғояларини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериш зарур;

иккинчидан, мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчиларда чалкашликларни юзага келтириб чиқармаслик учун тарихий воқеа-ҳодисаларни бўлиб ўтган саналарининг тўғрилигига эътибор қаратиш ҳамда тарихий вазиятларни тўғри таҳлил қилиш, мавзунинг ғоявий мақсадини ёритиб бериш қобилиятини ривожлантириш керак;

учинчидан, ҳар бир дарсликда, хоҳ у тарих фани бўлсин, хоҳ адабиёт, шахс ва жамият фанлари бўлсин, улар орқали миллий ғоя асосларини тушунтириб, сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ёшлар онгида давлат ва жамиятга ишонч туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари ижобий кечишига замин яратади;

тўртинчидан, юқори синф ўқувчиларига билим беришда фақат мавзу билан чекланиб қолмасдан, воқеа-ҳодисалар, ислоҳотлар, ҳукумат дастурларини мустақил шарҳлай олиш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий аҳамиятини баҳолай олиш қобилиятини шакллантириш лозим;

бешинчидан, қуйи синф ўқув жараёнларида дарсларни самарали ташкил этиш ва ёшлар тарихий онгини ривожлантиришга ёрдам берувчи тарихий ўйинларни янги педагогик технологияларга мослаштирган ҳолда ўтиш керак. Таълим масканларида тарих марказ (музей)лари ташкил этиш, мақсадга мувофиқ. Чунки ёшларнинг кўпчилиги тарих музейлари ўқувчи ёшларни тарихга бўлган қизиқиши ва тарихий хотирасини ривожлантиришда муҳим восита, деб ҳисоблайдилар;

олтинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ахборот технологияларига ялпи қизиқишларини ҳисобга олиб, компьютер ўйинлари учун махсус миллий дастурлар яратиш, қолаверса тарихий воқеаларга бағишланган ўйин дастурларини ишлаб чиқиш ёки тарихий-бадий ўйинларни ташкил этиш ва оммалаштириш зарур.

Ўқувчи ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани фаол шакллантириш имконини берадиган, шахснинг жамиятга мослашуви, яъни ижтимоийлашувининг муҳим агенти ҳисобланган социал институт – бу мактабдир. Тарихий жараён тўғрисидаги мунтазам билимлар мактабда тарих дарсларида эгалланади, бунда ўқувчилар ўтмиш тўғрисида илк бор бир тизимга солинган тарзда тасаввур ҳосил қиладилар, шу боис кўпчилик учун тарих билан танишув шу даражада яқун топади. Бунда фактни билиш ҳали илмий билим бўлмай, уни тушуниб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб

этилади, шундагина фактлар тарихий жараённинг яхлит концепциясига қўшилади.

Зеро, мамлакат, халқнинг асосий ривожланиш даврларини объектив тарзда инъикос эттирувчи тарихий онг, тарихий хотира, мунтазам тўлик, ҳис-туйғуга берилмай ва тарихий фактлар ўрнига ҳаёлот ва тусмоллар келтириладиган сохталаштиришга уринишларсиз бериладиган объектив тарихий ахборотсиз шаклланмайди. Зеро тарихга муносабат – мураккаб масаладир. Ҳар бир халқ тарихида шонли саҳифалар ҳам, қора кунлар ҳам бўлган. Бирини улуғлаб, иккинчисини унутиш, бирини бўрттириб, бошқасини ерга уриш эса – адолат ва ҳаққоният тамойилларига зиддир.

Шунинг учун ҳам «тарих фан сифатида алоҳида шахснинг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам маънавий ривожланишининг ажралмас элементи ҳисобланади.»¹¹⁴

¹¹⁴ История Узбекистана. // Под. ред. В.Л. Гентшке и др. –Ташкент: Университет, 2002. - С.4

ХУЛОСА

«Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгилиниши ва ривожланиши (социологик таҳлил)» тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Кишининг юксак маънавият соҳибби бўлиши унинг тарихий онги даражасига, тарихий хотирасининг бой ва теранлигига бевосита боғлиқдир. Фарзандларимизда тарихий хотирани шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир ота-онанинг, устоз-мураббийларнинг, зиёлиларнинг муқаддас бурчи, давлатнинг эса, стратегик вазифасидир.

2. Глобал мафкуравий таҳдидлар кучайган ҳозирги даврда кишиларда, айниқса, ўқувчи ёшларда тарихий онгни шакллантириб ва муттасил ривожлантириб борилса, бегона мафкура ва ғоялар улар онгига йўл тополмайди. Тарихий онгни шакллантириш таракқиётда ворисийлик принципини билишни, назарий ва амалий фаолиятда ундан фойдаланишни талаб этади.

3. Мустақилликнинг дастлабки йилларида шўролар ҳокимиятининг ҳам синфий, ҳам миллий сиёсати оқибатида бирёқлама шаклланган тарихий онгга путур етди. Жамиятдаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли тарихга ўтмишдаги воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш инқилобий тарзда ўзгарди. Ушбу реаллик негизида Ўзбекистон ўқувчиларининг тарихий тасаввур ва онги шакллана бошлади.

4. Мустақиллик даврида миллий урф-одат ва қадриятларнинг тикланиши, халқимизнинг неча асрлар мобайнида бунёд этилган, лекин коммунистик мафкуранинг тазйиқи остида унутилган, оёқости қилинган қадамжолар, тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар қайтадан таъмирланиши, эътибор марказига айланиши, буюк аждодларимизнинг муборак номлари яна улуғланиши одамларда тарихга янгича муносабатни жонлантирди. Бу умуммиллий оммавий тарихий онг ҳолати фарзандларимизга, ўқувчи ёшларга ҳам ўтмасдан қолмади. Уларнинг тарихий тасаввурлари ва тарихий онгида кескин бурилиш, янгилиниш ҳосил қилди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида умуммиллий оммавий тарихий онгдаги бу ўзгариш, ўша давр ўқувчилар тарихий онгида шаклланган бу стереотип кейинги авлод ўқувчиларига, нисбатан, осон сингиб борди.

5.Тарих фанининг функцияларига тузатишлар киритилди: мамлакат тарихини ва унинг ривожланиш тамойилларини ўрганишдан иборат бўлган билиш функцияси, кишининг оламга ва ўзининг ундаги ўрнига қарашини тизимга солувчи дунёқараш функциясига эътибор кучайтирилди. Шахснинг ўзлигини англаши янги, юқори босқичга кўтарилди.

6. Ҳаётий тажриба ва таассуротлардан ҳосил бўлган оммавий тарихий ондан, яъни тарихий оннинг куйи ва ўрта даражасидан унинг юқори ва олий даражасига кўтарилиш учун махсус тарихий билим тақазо этилади. Бу эса тарих фани ўқитилиши ва дарсликларнинг юксак даражада бўлишини талаб қилади. Бунинг учун, энг аввало, тарих фани дарси ва дарсликларини куйидаги мезонлар асосида шакллантириш керак:

а) ҳар бир дарсликлар замирига миллий гоёнинг асосий тушунча ва тамойиллари сингдирилиши;

б) куйи синф ўқув жараёнларида дарсларни самарали ташкил этиш учун тарихий мавзуларни янги педагогик технологияларга мослаштирган ҳолда ўйинлар тарзида ўтиш мақсадга мувофиқ;

в) юқори синфда фақат дарслик мавзуси билан чекланиб қолмасдан, ўқувчиларда жорий воқеа-ҳодисалар, ислохотлар, ҳукумат дастурларини мустақил шарҳлай олиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил муносабатни шакллантириш;

г) тарих фани дарсликларида берилаётган расмларнинг манбаларини кўрсатиш;

д) тарих фани жозибadorлигини ошириш мақсадида дарсликлар мавзуларига қўшимча мутолаа учун тавсия этиладиган тарихий-бадий адабиётлар рўйхатини илова қилиш.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилади:

1. Ўзбекистонда дунёнинг кўпгина мамлакатларида тажрибадан ўтган «Тарихий онгни ривожлантириш концепсияси» ни қабул қилиш.

2. Ўқувчилар тарихий онгини ривожлантириш учун мактабларда ўқитилаётган тарих фанларига қўшимча танлов фанларини жорий этиш (худуд тарихи, маълум бир шахслар ҳаёти ва ҳоказо)

3. «Ўтмиш ва бугун» ёки «Ўтмиш ва келажак» каби туркум лойиҳаларни ташкил этиш.

4. Ижтимоий-гуманитар йўналишга ихтисослашган мактаблар учун алоҳида тарих фани дарсликларини жорий этиш.

5. Ёшлар қалбида ўтмиш қаҳрамонларига ҳавас, миллий ғурур туйғуларини уйғотиш учун музей экспозициялари, театрлаштирилган кўргазма ва фестивалларда тарихни жонлантириб кўрсатишни ташкил этиш.

6. Ўрта ва олий таълим тизими учун Ўзбекистон тарихига оид хариталарни мунтазам чоп этиб туриш.

7. Ўзбек тилида «Тарих энциклопедияси» ни тайёрлаб, нашр этиш.

8. Миллий тарихнинг оммавийлигини ошириш учун адабий-бадиий, публицистик адабиётлардан иборат «Тарих кутубхонаси» сериясини ташкил этиш.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хукукий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 8 июндаги 288- сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» 1997 йил 29 август, 464-I-сон Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 июль қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги ПҚ-451-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-1694-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент. 2012. № 5. – Б.4.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясиси тўғрисида» ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 6. – Б.29.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида» ПҚ-5106-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 27. – Б.13.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ–3105–сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. № 26. –Б.40.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» ПҚ–3160–қарори. «Халқ сўзи» 2017 йил 29 июль.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августда «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–3294–сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. №. 33. – Б.13.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ПҚ-3271-сонли қарори. Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент. 2017. № 38. –Б.5.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3276-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент. 2017. №. 38. – Б.21.

13. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 367б.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008,–173 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 439 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016.– 56 б.

17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 48 б.

18. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.–104 б.

19. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.– 488 б.

II Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар:

20. Абдуллаев Р. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг айрим долзарб масалалари. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент. 2016. – №2. – Б.81.

21. Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2004. –№ 2. – Б.83.

22. Абдуллажонов Д. Миллий тарихий хотира: моҳият ва талқин.// Жамият ва бошқарув.2004. –№4. – Б.49.

23. Азизхўжаев А.А., Аҳмедова Б.А., Асқаров А.А., Бобобеков Ҳ.Н., Отажонов А., Содиков Ҳ., Шамсутдинов Р., Холбоев С., Шоймардонов И. томонидан тузилган: «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси (1996 й.)»; «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси (1999 й.) лойиҳаси». «Ўзбекистон тарихи», 1999, № 1.

24. Алимова Д. Мозий сабоқлари. //Мулоқот, 2002.– №6. – Б.8.

25. Аргументы и факты. 2013 №48. 27 ноября – 3 декабря – С. 2.

26. Горшков М. К., Шереги Ф. Э. Историческое сознание молодежи. Вестник российской академии наук. 2010, Т.80. –№ 3.– С. 195–203.

27. Гулямова Д., Никитченко Г. Историческая память как объект изучения социологии. // Общественное мнение. Права человека. –Ташкент, – 2001.– № 4. –С. 99.

28. Каримова Э. Ватанпарварлик – миллий ўзликни англаш демакдир // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 1999. № 3.

29. Каюмов У., Енгулатова Д. Молодежь Узбекистана в зеркале социологических исследований. Ижтимоий фикр//инсон ҳуқуқлари. 2002. – № 2 – Б. 97–100.

30. Каюмов У.К. Роль национального самосознания в формировании жизненной позиции молодежи Узбекистана//Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 2003. – № 6. – С. 53–56.

31. Кононова, Л.И. Историческое сознание человека: ответственность и свобода / Л.И.Кононова // Учен. зап. // Моск. гос. социал. ун-т М-ва труда и социал. развития РФ. –Москва: 2003. –№ 4. – С. 15–27.

32. Курарцева М.А., Коломеец Е.Н. Историография и историческое мышление. // Вестник Московского университета. –Москва, 2004. – № 2. – С. 31–49.

33. Мамажанова М. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданий мероснинг аҳамияти // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2001. № 1.

34. Маманазаров Н. Ёшлар дунёқарашида миллий ўзликни англашнинг баъзи эмпирик жиҳатлари // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004. № 3.

35. Мысливец Н.Л. Историческое сознание молодёжи как предмет социологического исследования/Н.Л.Мысливец//Смена парадигма в историографии всеобщей истории в Республике Беларусь и Российской Федерации: сб. науч. ст. /Учреждение образования «Гродненский гос. ун-т» им. Я.Купалы.- Гродно : ГрГУ им. Я. Купалы, 2016. – С.122-128.

36. Мучник В. М. Историческое сознание на пороге XXI века. От Логоса к мифу // Методологические и историографические вопросы исторической науки. (Томск: Изд-во Томского ун-та). 1999. Вып. 25. С. 99—117.

37. Никитенко Г., Фуломова Д. Одамларнинг тарихий хотираси социологиянинг ўрганиш объекти сифатида // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2001. № 4.

38. Насриддинов А. Давр ва ижтимоий-фалсафий мерос// Мулоқот, 1999.–№4, – Б.13.

39. Отамуратов С. Талаба ёшларнинг миллий ўзлигини англаши // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2000. № 1-2.
40. Рюзен Й. Утрачивая последовательность истории // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. М., 2001. Вып. 7. С. 8–27.
41. Рюзен Й. Кризис, травма и идентичность // «Цепь времен» : проблемы исторического сознания / под ред. Л. П. Репиной. М., 2005. С. 38–63.
42. Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Маҳалла – тарихий хотирани тарбиялаш маскани. // Мулоқот. –Тошкент: 2003. – №3. –Б. 10.
43. Тощенко Ж.Т. Историческое сознание и историческая память. Анализ современного состояния / Ж.Т.Тощенко // Новая и новейшая история. – 2000. –№ 4. – С.3–14.
44. Утенков В.М. Об историческом сознании студенческой молодежи / Утенков В.М., Закалин А.С. // Социологические исследования. 2000. –№6. – С. 119–122.
45. Файзиев Ф.Тарихий онг ва мафқуравий иммунитет // Жамият ва бошқарув. 2004. – №2.
46. Хайдаров А. Тарих – энг улуг муаллим. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 1998. – № 4. – Б.45.
47. Холбоев С. Тарих фанининг методологик асослари ва тамойиллари масаласи (И.Каримовнинг асарлари мисолида). Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2004 –№ 1. –Б. 140.
48. <https://medium.com/history-and-geopolitics/-b712be8d36cd>
49. <https://odnarodyna.org/content/prolistav-uchebniki-po-istorii-ukrainy>
50. www.regnum.ru/news/polit/1610250.html#ixzz2Gpwyr500
51. <https://kun.uz/news/2017/10/27/kirgizistonliklarga-rossiada-kirgiz-ajdovcilik-guvonomalari-bilan-faoliyat-uritis-takiklanmokci>
52. <http://www.mcgill.ca/dise/paul-zanazanian>
53. Халқ сўзи 2015 йил 10 май

III. Фойдаланилган бошка адабиётлар:

54. Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). Монография. –Тошкент. 2016. – 352 б.
55. Абдуллаев Р.Т. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. //Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. –Тошкент, 2007. – 276б.
56. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: Фан. 1968. 488 б.
57. Алексашкина Л.Н., Головина В.А. Всеобщая история с древнейших времен до конца XIX века. 10 класс –Москва: Мнемозина, 2010. –431 с.
58. Алексашкина Л.Н., Головина В.А. Всеобщая история с древнейших времен до конца XIX века. 10 класс. –Москва: Мнемозина, 2010. –431с.
59. Арон Р. Измерения исторического сознания. –Москва: «URSS». 2014. –196 с.
60. Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри.–Тошкент: 1999. – 244 б.
61. Бьюкенен П. Смерть Запада . – Москва: АСТ, 2003. –178 с.
